

414
415
416

Ўттиз бешинчи йил чиқиши
Ражаб, шаъбон, рамазон 1442х
Феврал, март, апрел 2021м



Кенг кўламли,
фикрий, сақофий журнал

Ал-Ваъй

Ал-Ваъй сўзи

13 Юз йилдирдики,
муслмонлар ор-
тида туриб жанг
қилинадиган ва
ҳимояланиладиган
қалқонсиз яша-
моқдалар

﴿يَا أَيُّهَا الَّذِينَ ءَامَنُوا كُونُوا أَنصَارَ اللَّهِ﴾

23 Ислон қонун-
чилигининг
буюклиги



Пайғамбарлик минҳож
асосидаги Халифалик

41 Рамазон фаол-
ликка ундовчи
ойдир

57 Ҳизб ут-Таҳрир са-
фидаги бир янги
дорисдан мактуб

64 Салмон Форсий-
нинг Ислонга
қириши

Аллоҳ ушбу Уммат учун ҳар юз йил бошида
дини янгилайдиган зотларни
чиқариб беради



414
415
416

Ўттиз бешинчи
йил чиқиши
Ражаб, шаъбон,
рамазон 1442ҳ

Ливан 1000 лира

Яман 30 риёл

Туркия 1 доллар

Покистон 1 доллар

Австралия 2,5 доллар

Америка 2,5 доллар

Канада 2,5 доллар

Германия 2,5 евро

Швеция 15 крон

Бельгия 1 евро

Швейцария 2 франк

Австрия 1 евро

Дания 15 крон

Ушбу сонда

- Ушбу сон ҳақида 3
- **Ал-Въай сўзи:** «Эй мўминлар, Аллоҳнинг ансорлари бўлинглар!» 7
- Юз йилдирдики, муслмонлар ортида туриб жанг қилинадиган ва ҳимояланиладиган қалқонсиз яшамоқдалар 13
- Ислом қонунчилигининг буюклиги 23
- Рамазон фаолликка ундовчи ойдир 41
- **Олам муслмонлари хабарлари** .48
- **Қуръони Карим суҳбатида**..... 53
- **Жаннат боғлари:** Янгилаш Аллоҳнинг ўзгармас ваъдаси бўлиб, уни Аллоҳ улар орқали динни тирилтирадиган ҳамда муслмонлар ҳаётида қоим қиладиган зотлар амалга оширади 57
- Салмон Форсийнинг Исломга кириши 64
- Ҳизб ут-Таҳрир сафидаги бир янги дорисдан мактуб: Тадқиқот йўлим ва Ҳизб ут-Таҳрир билан бўлган танишувим 71
- **Сўнги сўз:** Эрдоган Ихвонул муслиминдан воз кечди, аммо америкага малайлигидан асло воз кечмайди 74
- Франция Жазоирдаги ядровий чиқиндилар кўмилган жойни ошкор қилишдан нега бош тортмоқда? 76



УШБУ СОН ҲАҚИДА

Ал-Ваъй журнали даъват фаолиятида Ҳизб ут-Тахрирнинг сақофий ирмоқларидан бири ҳисобланади. У Халифалик қулатилишининг аламли хотирасида ҳар йили ўзининг махсус сонини нашр қилишга одатланган. Зеро, Ҳизб Халифалик қулатилишини ўзи ва Уммат учун хотирага айлантирган бўлиб, бу билан Умматни ўчириб ташланган Ислом таълимотларини қайта тиклашга ҳамда Исломдаги бузилган нарсаларни қайта барпо қилишга ундаб келади. Бузилган нарсани қайта барпо этиш, деганда Пайғамбарлик минҳожии асосидаги исломий рошид Халифаликни тушунамиз. Зеро, Аллоҳ Таолонинг инояти билан Халифаликни барпо этиш вазифасини муҳим бурчимиз, вазифамиз ва ғоямиз қилиб олишимиз биз учун буюк шарафдир.

Ал-Ваъйнинг ушбу сони айна аламли хотиранинг бошқа бир жиҳатига ҳам ҳам тўғри келмоқда. У ҳам бўлса, Исломий Халифалик қулатилганига ҳижрий ҳисоб бўйича тўлиқ юз йил бўлгандир. Бу бизга Росулulloҳ ﷺнинг мана бу ҳадиси шарифларини эслатади:

«إِنَّ اللَّهَ يَبْعَثُ لِهَذِهِ الْأُمَّةِ عَلَى رَأْسِ كُلِّ مِائَةٍ سَنَةٍ مِنْ جِدِّدٍ لَهَا دِينَهَا»

«Аллоҳ Таоло ҳар юз йил бошида бу Умматга динини янгилаб берадиган кишини юборади». (Абу Довуд ривояти, Саховий «Мақосид ҳасана»да, Албоний «Силсилатус саҳиҳада»да саҳиҳ деганлар).

Юз йилдирки, куфр ўзининг (динни ҳаётдан ажратиш)дан иборат ботил ақидасини ёйиб, барча оғирлиги ва машаққатларни Уммат елкасига юклаб келмоқда. Натижада унинг зулмларидан дунё торайиб, Уммат учун жуда ҳам танг-бахтсиз ҳаёт юзага келди, куфрдан қутулиш Умматнинг ҳамда у олиб бораётган қўзғолонларнинг шиорига айланди.

Юз йилдирки, Ислом Ғарбнинг йўқ қилиш, ўчириш ва маҳв этиш ҳужумига юз тутмоқда. Ғарб бунда бор кучини, бор тоқатини сарфламоқда... Бироқ, ёлғиз Аллоҳнинг фазли ила, Исломдан ғолиб келиш Ғарбга насиб қилмади. Бу эса, Исломнинг мусулмон аҳли дилларида ҳамон тириклигига, ушбу ҳазорий курашни ўз фойдасига ҳал қилишга қодир эканига далолат қилади.

Юз йилдирки, Уммат гуноҳи азимда ҳаёт кечирмоқда. Чунки у Аллоҳ нозил қилиб, муфассал баён этган ва мустаҳкам қилиб берган шариат билан ҳукм юритишдан иборат У зотнинг ҳаққини зое кетказди.

Бироқ, Умматда умид берадиган нарса бор. У ҳам бўлса, Уммат орасида ва у билан бирга ушбу тўғри ишга даъват қилиб келаётган Ҳизб ут-Тахрирнинг борлигидир. Аллоҳ Ҳизбни ушбу фарзни адо

этишда Умматнинг ишончли амини ва қўриқчиси бўлиш бахтига муяссар қилди. Уммат эса, фақат бир нарса қилиши керак, холос. У ҳам бўлса, ўзидан бундай гуноҳи азимни соқит қилиш учун Ҳизб билан биргаликда ҳаракат қилишдир. Айниқса, Ҳизб бугун, Аллоҳнинг ҳидояти ва тавфиқи ила, йўлнинг узун қисмини босиб ўтиб, ўзгариш бўсағасига етиб келган экан, Аллоҳдан ёруғ кун, нусрат ва ғолиблик беришини кутиб турибди.

Ҳа, бу сонни мана шу икки иш сабабли нашр қилар эканмиз, Умматнинг ушбу буюк фарзни қоим қилишда Росулulloҳ ﷺнинг тариқатлари бўйича Ҳизб билан биргаликда ҳаракат қилишига ҳисса қўшиши учун бу сонни мумтоз сон қилишга астойдил ҳаракат қилдик. Буни Аллоҳ Сабҳанаҳу ва Таолонинг Росулulloҳ ﷺга айтган ушбу сўзларига бўйсунган ҳолда адо этдик:

﴿قُلْ هَذِهِ سَبِيلِي أَدْعُوا إِلَى اللَّهِ عَلَىٰ بَصِيرَةٍ أَنَا وَمَنِ اتَّبَعَنِي ۖ وَسُبْحَانَ اللَّهِ وَمَا أَنَا مِنَ الْمُشْرِكِينَ﴾

«Айтинг: «Менинг йўлим шудир. Мен Аллоҳга даъват қиламан. Мен ва менга эргашган кишилар аниқ ҳужжатга-ишончга эгамиз. Аллоҳ (ҳар қандай айб ва ширкдан) покдир. (Зеро) мен мушриклардан эмасман»» [Юсуф 108]

Шу нуқтаи назардан, журналимизнинг ушбу махсус сони мақолалари қуйидаги меҳварларга бўлинди:

Биринчи меҳвар:

Бу меҳварга **«Пайғамбарлик минҳожии асосидаги Халифаликни барпо этиш динни янгилашнинг ягона йўлидир»**, номи берилган бўлиб, унда қуйидаги сарлавҳали мақолалар келади: **«Ушбу сонда»**. Кейин **«Ал-Ваъй сўзи: Ҳизб ут-Таҳрир иккинчи рошид Халифаликни барпо этиш учун фаолият олиб бориш билан динни янгиловчи бўлишга ҳаракат қилмоқда»**. Кейин қуйидаги мавзу келди: **«Юз йил бўлди ҳамки, мусулмонлар у билан ҳимояланиладиган ва ортида туриб жанг қилинадиган имом-халифасиздирлар»**, **«Ислом қонунчилигининг буюклиги»**.

Иккинчи меҳвар:

Бу меҳварга **«Ҳизб ут-Таҳрир Халифаликни талаб қилаётган ва янгилаш учун ҳаракат қилаётган ягона ҳизбдир»**, номи берилди. Маълумки, одатда биз айни муносабат билан Ҳизб ут-Таҳрирнинг турли фаолият ерларида ўтказган тадбирларига қисқача тўхталиб ўтар эдик. Лекин бу йилги тадбирлар кенг ва таъсирли бўлди, шу сабабли, тадбирларнинг ҳар бирини ўз ичига олиши учун бу ишни Ҳизбнинг марказий ахборот

бўлими томонидан нашр этилишига қарор қилдик. Бу меҳвар мавзуларига келсак, улар қуйидагича бўлди:

«Ҳизб ут-Таҳрир ўз гоёсига етиш сари шахдам қадам ташламоқда, Ислом Уммати ўзгартириш ишида ҳаракат ва умид ўрни ҳисобланади». «Аллоҳ Субҳанаҳу ўз Пайғамбари ﷺ га нусрат аҳлини икром этганлиги бугун ҳам нусрат вазифаси билан шуғулланишга турткидир».

Учинчи меҳвар:

Бу меҳварга **«Умматнинг Ҳизб лойиҳасига қўшилиши... энгиш керак бўлган тўсиқлар»** номи берилди.

Ушбу меҳвар остида Умматнинг фаолиятга қўшилиши ва гуноҳдан четлашиши учун эътибор бериши лозим бўлган мавзулар мавжуд. Ушбу мавзулар қуйидагича:

«Халифалик қулатилишининг юз йиллик хотираларида... Халифалик йўлидаги тўсиқлар ва уларни энгиб ўтиш йўллари».

«Уммат ўзгартиришга қодир бўлиб, унинг имкониятлари беҳисобдир».

«Қўзғолонлардаги инқирозлар ўткинчи босқич бўлиб, унинг мақсадлари – Аллоҳнинг мадади ила – албатта рўёбга чиқажак, Тунис қўзғолонида намуна бор».

«Уламолар ҳамда уларнинг Халифаликни барпо қилиш вазифасидаги эътиборсизликлари».

«Уламолар Умматга дин мажбуриятларини етказиш ва ўргатиш вазифасини олганлар. Аммо бугунги кунда ер юзида Аллоҳнинг ҳукмини барпо қилиш масаласида мусулмон олимлари қаерда?!».

Тўртинчи меҳвар:

Бу меҳварга **«Ғарбнинг Ҳизб лойиҳасига қарши кураши»**, номи берилди.

Ундаги мақолалар рошид Халифаликни барпо этиш вожиблиги тўғрисидаги Аллоҳнинг буйруқларига қарши Ғарб тузган маккор ва жинойткор режалар ҳақида бўлди. Бир вақтнинг ўзида, бу мақолаларда Ғарбнинг ўз ҳазорати борасида ҳамда Исломга қарши курашида муваффақиятсизликка учрагани таъкидланди. У бутун дунё бўйлаб Умматга қарши шунча макр ва жинойтлар содир этаётганига қарамай, ғалаба қозонишдан тобора узоқлашмоқда. Шу нуқтаи назардан, ушбу мақолаларда Ғарбнинг Исломга қарши курашининг баъзи белгилари ҳамда ғалаба қозониш учун қўллаётган баъзи услуб ва воситаларига тўхталиб, ҳаргиз ғалаба қозонолмаслиги таъкидланди. Ушбу меҳварда келтирилган мақолалар қуйидагича:

«Янги Яқин Шарқ... бўлиб ташлаш лойиҳаси билан Пайғамбарлик минҳожии асосидаги Халифалик лойиҳаси ўртасида».

«Америка ва янги сиёсий курашлар».

«Исломофобия».

«Яҳудий вужуди билан муносабатларни нормаллаштириш ва бунинг шаръий ҳукми».

«Яҳудийларга қарши курашни Эронга қарши мазҳабпарастлик курашига айлантириш ва бунинг хавфлилиги».

«Оммавий ахборот воситаларининг мустамлакачиларга хизмат қилишдаги ҳамда Умнатнинг озодлик ва уйғониш лойиҳасига қарши курашдаги роли».

Бешинчи меҳвар:

Бу меҳварга «Ислом бутун дунёга етакчилик қилишга лойиқ ягона ҳазорий лойиҳадир», номи берилди.

Унда иккита мақола берилди: улардан бири «Капиталистик тузумнинг навбатдаги муваффақиятсизлиги: унинг коронавирусга қарши кураши инсониятга бахтсизлик келтирди», сарлавҳаси остида бўлиб, унда капиталистик тузумнинг муваффақиятсизлиги ва бу муваффақиятсизлиги бутун оламни, шу жумладан ўзининг халқларини ҳам қандай балоларга етаклагани ҳақида сўз юритилади. Иккинчи мақола «Капитализм ликиллаб қолди, альтернатива Исломдир» номли мақола бўлди.

Кейин қўйидаги ўзгармас рубрикаларни нашр қилдик:

«Олам мусулмонлари хабарлари», «Қуръони Карим суҳбатида, ушбу оятнинг тафсири берилди: **يَا دَاوُدُ إِنَّا جَعَلْنَاكَ خَلِيفَةً فِي الْأَرْضِ** (يَا دَاوُدُ إِنَّا جَعَلْنَاكَ خَلِيفَةً فِي الْأَرْضِ وَلَا تَتَّبِعِ الْهَوَىٰ) (فَاَحْكُم بَيْنَ النَّاسِ بِالْحَقِّ وَلَا تَتَّبِعِ الْهَوَىٰ)». «Жаннат боғларида, қўйидаги мавзуга тўхталинди: янгилаш Аллоҳнинг ўзгармас ваъдаси бўлиб, бу ишни Аллоҳ уларнинг қўллари билан Исломга ҳаёт берадиган ва мусулмонлар ҳаётида динни барпо қиладиган кишиларгина амалга оширадилар». «Уларнинг ҳидоятига эргашинг. Бу бобда Салмон Форсий **رضي الله عنه**нинг қиссаси берилди. Унинг ортидан «Бир йигитнинг Ҳизбга кириши тўғрисидаги ҳикояси» мақоласини келтирдик. Бу ҳам худди Салмон Форсийнинг қиссаси каби ҳозирги замонда бўлган воқеа ҳақидаги мақоладир. Кейин сўнги сўз келтирилди. Унда «Эрдоган ва Ихвончилар: дўстлигидан воз кечса-да, малайлигидан воз кечмайди», номли мақола. Сўнги саҳифада «Франция Жазоирдаги ядровий чиқиндилар кўмилган жойни ошкор қилишдан нега бош тортмоқда» номли мақола. □

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

﴿يَتَأْتِيهَا الَّذِينَ ءَامَنُوا كُتُوبًا أَنصَارَ اللَّهِ﴾

«Эй мўминлар, Аллоҳнинг ансорлари бўлинглар!»

Мусулмонлар бугунги кунда ўзгаришга интилмоқдалар. Улар ўз динларига бошқарув лойиҳаси ва Аллоҳ хоҳлаган ҳаёт манҳажии сифатида қайтишни хоҳлаётганлари учун ҳам бу интилиш юз берди. Шу сабабли, Ғарб англаб етиб, олдини олиш учун барча имкониятларини сафарбар қилаётган, барча макру жиноятларини ишга солаётган нарса айнан мана шудир. Шунинг учун минтақада Ислом билан Ғарб ўртасида ҳазорий ва ҳарбий шиддатли кураш кетмоқда... Мусулмонлар бу курашда Аллоҳ Таолонинг қуйидаги каломига бўйсунган ҳолларида ҳамда айна лойиҳани ғолиб қилишга эришиш учун бор кучлари ва қатъиятлари билан ҳаракат қилмоқдалар:

﴿يُرِيدُونَ أَن يُطْفِئُوا نُورَ اللَّهِ بِأَفْوَاهِهِمْ وَيَأْبَى اللَّهُ إِلَّآ أَن يُتِمَّ نُورَهُ وَلَوْ كَرِهَ الْكَافِرُونَ ﴿٣٢﴾

هُوَ الَّذِي أَرْسَلَ رَسُولَهُ بِالْهُدَىٰ وَدِينِ الْحَقِّ لِيُظْهِرَهُ عَلَى الدِّينِ كُلِّهِ وَلَوْ كَرِهَ الْمُشْرِكُونَ ﴿٣٣﴾

«Улар Аллоҳнинг нурини (яъни, Исломни) оғизлари (яъни, беҳуда гаплари) билан ўчирмоқчи бўладилар. Аллоҳ эса, гарчи (кофирлар) хоҳламаслар-да, фақат Ўз нурини тўла (яъни, ҳар тарафга) ёйишни истайди. У (Аллоҳ) Ўз пайғамбарини ҳидоят ва ҳақ дин билан – гарчи мушриклар хоҳламасалар-да – барча динларга ғолиб қилиш учун юборган зотдир» [Тавба 32-33]

Биз минтақа, деганимизда фақат Яқин Шарқ минтақасинигина эмас, балки мусулмонлар мавжуд бўлган барча минтақаларни назарда тутамиз. Хитой, Ҳиндистон, Тайван, Бирма, Афғонистон ёки Урта Осиё минтақаси каби. Бироқ Яқин Шарқ минтақаси ушбу курашнинг қоқ маркази бўлиб қолмоқда.

Бу кураш янги чиққан кураш эмас. Балки у Ислом тонги отгандан то қиёмат соатига қадар давом этадиган курашдир. Аммо курашнинг шакли турлича бўлади. Бугунги кунда кураш шакли шундан иборатки, Умнатнинг Ислом ҳокимияти тортиб олинган бўлиб, у ўз ҳокимиятини қайтариб олмоқчи, Ғарб эса бунинг олдини олишга ҳаракат қилмоқда.

Фарб ҳақида гапирадиган бўлсак, унинг ҳазорати бутун дунёга ҳукмрон ва буни кўзларимиз билан кўриб, қулоқларимиз билан эшитиб турибмиз. Бу ҳазорати инсониятни урушларга тикди, ҳисобсиз фожиалар ва кризислар келтириб чиқарди... У инсоният даражасида авж олиб, ҳатто инсониятни барча соҳада бутун дунё бўйлаб жарлик ёқасига олиб келиб қўйди... оқибатда ундан барча қутулишга интилиб қолди.

Исломга келсак, у яқин яқингача дунёни бошқариб, ҳукм юритиб келган. Унинг мусулмонлар фахрланадиган нурафшон тарихи бор. Буни ҳатто инсофли ғайримусулмонлар ҳам тан олади. У мабда ва инсоний ҳазорат сифатида ақидаси ва аҳкомлари билан – илгари бўлганидек – қайтадан оламни бошқаришга, биринчи сийратига қайтишга яроқли диндир. Исломнинг бундан юз йил аввал давлати йиқилган пайтда ҳам, у ҳаётга бўлган ўз тасаввурининг бузуқлиги ёки аҳкомларининг муваффақиятсизлиги ёхуд инсон муаммоларини ҳал қилолмаслиги сабабли йиқилмаган. Йўқ, аксинча. Балки унинг давлати мусулмонлар Исломни заиф тушунишгани, нотўғри татбиқ қилишгани сабабли йиқилди. Яъни, Ислом давлатининг қулашига мусулмонларнинг қусури сабаб бўлган, Исломнинг қусури эмас.

Айни дамда биз капитализмнинг омадсизлигини кўряпмиз, бу омадсизлигига ҳаётга нисбатан тасаввури ва инсон муаммоларини муолажа қилишдан ожиз қонунлари сабабчи эканини ҳамда Ислом билан капитализм ўртасида ер билан осмонча фарқ борлигига гувоҳ бўляпмиз. Ислом ўтмишда яроқли бўлган ва у ҳамон яроқлидир. Фақат мусулмонлар уни тўғри тушунмоқлари ва ҳаёт воқеига олиб келмоқлари, бинобарин, чиройли татбиқ қилмоқлари керак, холос. Капитализм эса, хоҳ, ўртача ечимга асосланган ақидасида бўлсин, хоҳ иқтисодий ечимларида бўлсин, фарқсиз, ўзининг муваффақиятсизлигини аллақачон исботлаб бўлди. Зеро, унинг иқтисоди бир сиқим бойларнинг дунё бойлиги устидан ҳукмронлик қилиб, дунёга қашшоқлик улашишига, дунё давлатларига судхўрликка асосланган ташқи қарзларни зўрлаб тиқиштириш орқали турли давлатларда барқарор ривожланишни ўлдиришга асосланган. Шунингдек, бу иқтисод олам халқларининг бойлик ва ресурслари бир сиқим бойлар томонидан ўзлаштирилиши ҳамда иқтисодий мустақилликка эришиш имконини берадиган илмий ва саноат потенциаллардан бошқа давлатларнинг ман қилиниши асосига қурилган... Ижтимоий соҳага келсак, капитализм умумий эркинликларга асосланган ўзининг қонунлари билан дунёдаги барча разолат, фасод ва эгоистликнинг кенг тарқалишига ҳамда оилаларнинг бузилиши ва маънавий бўшлиққа жавобгардир. Ҳатто бугунги кунда капитализмни қабул қилган

халқлар ҳам ўз аҳволларидан нолийдиган, бу аҳволдан қутулишни хоҳлайдиган, аммо бунинг йўлини тополмайдиган бўлиб қолдилар.

Шунинг учун ҳам, Ислом инсонлар ва халқларни, шу жумладан Фарбдаги халқларни ҳам капитализм зулмидан ўзининг адолатига чиқаришга қодирлиги билан ягона яроқли системадир. Бизнинг бу гапларимизга ҳар йили айнан ғарбликларнинг юртидан Исломга юзланаётган инсонларнинг сони ўн мингдан ошиб кетганига гувоҳ бўлаётганимиз яққол далил бўлса, ажаб эмас.

Шу ўринда бир нарсани эслатмоғимиз даркор. Гап шундаки, биз Исломни инсониятга фикрий ва амалий етакчилик қилишга яроқли, деган бўлсак, буни капитализмнинг муваффақиятсизликка учрагани сабабли айтаётганимиз йўқ. Бинобарин, капитализмга бошқа альтернатива йўқлиги учун Исломгина бунга яроқли, деяётганимиз ҳам йўқ. Шунингдек, бу гапни айтганимизга Исломнинг бир замонлар ҳукм сургани ва муваффақиятга эришгани, унинг давлати дунёнинг биринчи давлати бўлиб, бу давлати чиройли бир мерос бўлгани ҳам сабаб эмас. Ёки улўғ аждодларимиз билан мақтаниб, бу борада Исломнинг омади чопгани ва яна чопажаги сабабли бундай деб айтаётганимиз йўқ. Балки ҳаммасидан ҳам аввал, бундан дейишимизга сабаб, Исломнинг раббоний динлигидир. Шунингдек, Ислом аҳкомларининг ҳар нарсани яратган ва уларни тушунадиган, ҳар ишдан хабардор бўлган Аллоҳнинг аҳкоми эканидир. Бинобарин, яратиш ҳам, бошқариш ҳам Унинг ўзига хослигидир. Шунга биноан, демак, Ислом борлиқ, ҳаёт ва инсон ҳақида ҳеч ўзгармайдиган мутлақ тўғри тасаввурга эга. Шунинг учун унинг аҳкомлари инсон муаммоларини тўғри реал ҳал этади. Аллоҳ Таоло бундай деган:

﴿أَلَا يَعْلَمُ مَنْ خَلَقَ وَهُوَ اللَّطِيفُ الْخَبِيرُ﴾

«(Ахир) яратган зот (Ўзи йўқдан бор қилган нарсаларни) билмасми?! У меҳрибон ва (ҳар нарсадан) хабардор зотдир»

[Мулк 14]

Шу нуқтаи назардан, Ислом аҳкомлари капитализмнинг динни ҳаётдан ажратишга асосланган қонунларига тамоман зиддир. Бугунги кунда бутун дунё қандай муаммога дуч келаётган бўлса, унинг ечими Исломда албатта бор. Аввало, Исломдаги асосий фикр ақлий ақида устига қурилган бўлиб, у соғлом фитратни тартиблаштириб, мўминда хотиржамликни пайдо қилади, хавотир ва изтиробни унинг ҳаётидан кетказади. Чунки Ислом унинг ғаризаларига буткул ва аъло даражада жавоб берадиган, бирини иккинчисидан устун қўймайдиган муфассал ечимларга эгадир. Ушбу ечимлар асосида шахснинг ҳаёти ҳар томонлама барқарорлашади ва ундаги барча маънавий, ахлоқий, инсоний ва

моддий қийматлар ўзаро ритмик тарзда рўёбга чиқади. Одамлар ишларини тартибга солувчи Ислом давлати ҳам бу ечимлар асосида барпо бўлади. Бу давлат инсонга дўстлик ва меҳр-оқибатга тўла барқарор ижтимоий ҳаётни муҳайё қилиб беради... Ҳаётда зинокорлик, бебошлик, насл бузилиши, беникоҳ алоқа ва оилалар бузилиши бўлмайди... Аксинча, никоҳ, иффат, оила жипслиги ва ижтимоий бардамлик... бўлади.

Иқтисод масаласида эса, Ислом давлати инсоннинг асосий эҳтиёжларида қониқиш пайдо қилиб, бойликнинг бир ҳовуч бойлар қўлида жамланишига сабаб бўлувчи барча нарсаларни тақиқлайди. Балки бойликни инсонларнинг кўпроқ қатламига етиб борадиган равишда тақсимлайди. Биз буни мерос аҳкомларида ҳамда музораба шериклигида кўрдик. Зеро, музораба шериклигида Ислом тажриба эгаси бўлган фақирни мол эгаси бўлган бойга шерик қилган. Шунингдек, Исломдаги омма мулки билан боғлиқ аҳкомлар кон ва нефтдан тушадиган йирик бойликни бутун фуқарога тақсимлаганига гувоҳ бўлдик. Ваҳоланки, бу Исломдан бошқа тузумда йўқ, фақат шу тузумда, фақат шу тузумда мавжуд.

Ташқи сиёсатга келсак, Халифалик давлати олиб борадиган Ислом сиёсати халқларни мустамлака қилиш ва бойликларини талашга эмас, мабдани ёйишга ва Исломнинг раҳмат ва адолатини инсонларга улашишга асосланган. Ушбу давлат ўз фуқароларига тенг муносабатда бўлади. Умумий тузумда улардан мусулмонларига бошқача, ғайримусулмонларига бошқача муомала қилмайди. Буни Аллоҳ Таолонинг ушбу каломига асосланиб амалга оширади:

﴿إِنَّ اللَّهَ يَأْمُرُكُمْ أَنْ تُؤَدُّوا الْأَمَانَاتِ إِلَىٰ أَهْلِهَا وَإِذَا حَكَمْتُمْ بَيْنَ النَّاسِ أَنْ تَحْكُمُوا بِالْعَدْلِ﴾

﴿إِنَّ اللَّهَ نِعِمَّا يَعِظُكُمْ بِهِ إِنَّ اللَّهَ كَانَ سَمِيعًا بَصِيرًا﴾

«Албатта, Аллоҳ сизларни омонатларни ўз эгаларига топширишга ва инсонлар орасида ҳукм қилганингизда адолат билан ҳукм қилишга буюради. Албатта, Аллоҳ сизларга энг яхши панд-насиҳатлар қилур. Албатта, Аллоҳ эшитгувчи, кўргувчи бўлган зотдир» [Нисо 58]

Оятда айтилган инсонлар калимаси Ислом давлатининг мусулмонлар ва ғайримусулмонлардан иборат барча фуқаросини ўз ичига олади. Ислом давлати йиқилганига юз йил бўлди. Бу вақт мобайнида бутун дунё халқлари, асосан мусулмонлар турли соҳада капитализм балосидан азоб чекиб келдилар. Ҳатто капиталистик давлатлардаги халқлар ҳам капитализм ва унинг халқаро тизимининг вайрон бўлишини тахмин қиладиган, шу ҳақда гапирадиган бўлиб қолди.

﴿وَشَهِدُوا عَلَىٰ أَنفُسِهِمْ أَنَّهُمْ كَانُوا كَافِرِينَ﴾

«Кофир эканликлари ҳақида ўзларига қарши гувоҳлик бердилар» [Анъом 130]

Капитализмнинг йиқилиши ҳақида ғарблик муфаккир ва тадқиқотчиларнинг ҳам баёнотлари бор. Уларнинг баъзилари Исломнинг альтернатива эканини айтган бўлса, баъзилари айтмаган. Демак, бугунги кунда капиталистик системанинг муваффақиятсизлиги барча соҳада исботланди. Яна бир тарафдан нафақат мусулмон халқлар, балки дунё халқлари ўзгаришга қаттиқ эҳтиёж сезиб турибди. Инсонларга етакчилик қилишга яроқли система эса, Ислом ситемаси... Мана шу фактларнинг барчасидан кўриниб турибдики, демак, дунё бўйлаб ҳазоратлар кураши икки қарама-қарши система ўртасида энг юқори чўққисига чиқди. Бу Ислом ва капитализм системаларидир. Ислом системаси ёлғиз Аллоҳга қуллик қилишга асосланган бўлса, капиталистик системаси динни ҳаётдан ажратишга асосланган. Икки қутб бор, унинг бир томонида АҚШ етотидаги Ғарб давлатлари билан халқаро майдонда фаол ҳаракат қилаётган дунё давлатлари бўлса, иккинчи томонида Ҳизб ут-Таҳрир етакчилигидаги Ислом Уммати турибди. Ҳизб Уммат билан биргаликда ушбу курашда фаолият қилиб, энг аввало Аллоҳнинг ризосини қозонишга қаттиқ ҳаракат қилмоқда. Мана шунга асосан, замон охирида Росулulloҳ ﷺнинг тариқатлари бўйича юрадиган ва Аллоҳ Субҳанаҳу унинг қўли билан Халифаликни барпо этадиган яхшилик гуруҳи ва нусрат кучувчи тоифа сифати Ҳизб ут-Таҳрирда кўринмоқда.

Ушбу кураш борасида биз айтаётган нарсалар яқиндан бери айтилаётган гаплар эмас. Зеро, биз бу ўзгариш босқичи камолига етиб бўлганини, Ўзи нозил қилган аҳкомлар билан ҳукм юритадиган Халифаликнинг барпо бўлиш ва ҳақиқатга айланиш вақти келганини Аллоҳ Таолодан сўраб қоламиз. Тўғри, борлиқдаги ўзгариш, ҳазорат ўзгариши ва давлатлар завол топиб, халқаро позицияларда ўзгариш юз бериши, табиийки секин бўлади ва то рўёбга чиққунига қадар Умматда чуқур ўзгаришлар бўлиши керак. Бироқ, биз бугун ушбу ўзгаришнинг тезлашиб, суръат билан ҳаракатланаётганига ва ҳатто ўзгаришга душманлик қилаётганларнинг ўзлари ҳам унинг содир бўлиши мумкинлигидан оламни тинмай огоҳлантиришаётганига гувоҳ бўлмоқдамиз.

Ҳа, Умматнинг узоқ ва яқиндаги барча вакиллари Аллоҳнинг шариати билан ҳукм юритишдан узоқлашиш ва кофир капитализмнинг ҳужум қилиши оқибатида, бахтсиз ҳаётдан азоб чекадиган бўлиб қолди... Аллоҳдан ўзга паноҳ ва қутқарувчи йўқлигини бутун Уммат ҳис қилмоқда. Шу билан бирга, Ҳизб –

унинг аъзолари узун йиллар давомида турли хил машаққатларни бошдан кечирганларидан сўнг – Аллоҳнинг иши-нusrати келган пайтда уни рўёбга чиқаришга ҳамда, унинг ҳаққини етказиб адо этишга қодир Ҳизбга айланди. Бу иш фақатгина мусулмонлар орасидан Аллоҳнинг фазли ва ризосини умид қилган ҳамда бугунги кундаги зулмдан худди Уммат каби қийнаётган қудрат аҳлидан иборат мўминлар гуруҳига муҳтож бўлиб қолди, холос. Зеро, бу мўминлар гуруҳи Ҳизб ут-Таҳрирга ёрдам бериб, унга нusrат қўлини чўзиши, айтайлик, Аллоҳ уларнинг қўли билан нusrат бериши ва қуйидаги оятда айтилган «Аллоҳнинг ансорлари» сифати уларда намоён бўлиши масаласи қолди, холос:

﴿يَتَأْتِيهَا الَّذِينَ ءَامَنُوا كُونُوا اَنْصَارَ اللّٰهِ﴾

«Эй мўминлар, Аллоҳнинг ансорлари бўлинг!» [Саф 14]

Аллоҳнинг нusrатига бўлган ишончимиз ҳамда У зотнинг ваъдасига ва Росули ﷺнинг башоратига бўлган умидимиз тебранмасдир. Зеро, Аллоҳдан росулларига келган ҳар бир нusrат-ғалабада раббоний аралашув бор. Масалан, Аллоҳ Таоло саййидимиз Иброҳим ﷺга оловни совуқ ва саломатга айлантиргани каби ҳамда саййидимиз Мусо ﷺга денгизни ёриб бергани каби, Мадинада кундузнинг бир соатида Мусъабга ансорларни муҳайё қилиб бергани каби, шунингдек Росули акрамни ҳижрат йўлида ёрда ҳифзу ҳимоясида сақлагани каби... бугун ҳам мана шундай раббоний аралашувга муштоқ бўлиб қолдик. Зотан, сўянадиган томонимиз фақат Аллоҳдир. □

ЎЗ ЙИЛДИРКИ, МУСУЛМОНЛАР ОРТИДА ТУРИБ ЖАНГ ҚИЛИНАДИГАН ВА ҲИМОЯЛАНИЛАДИГАН ҚАЛҚОНСИЗ ЯШАМОҚДАЛАР

**Абдулхолиқ Абадун Али
Ҳизб ут-Тахрирнинг Судан
вилоятидаги матбуот бўлими аъзоси**

Ислом оламлар Парвардигори Ўзининг ишончли Пайғамбари Муҳаммад ﷺ га нозил қилган энг сўнгги диндир. Ислом дини одамларга Роббиларини танитади ҳамда ер юзидаги бутун мусулмону кофир инсонлар ҳаётини ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва руҳий ишларни ўз ичига олган аҳкомлар билан тартибга солади. Маълумки, Исломдаги сиёсий тузум Исломни бутун аҳкомлари билан татбиқ қилишнинг ягона шаръий йўлидир. Шунга кўра, Исломий давлатнинг бўлиши шаръий вожибдир. Чунки давлат бўлмаса, Исломнинг татбиқ этилиши тўхтайтиди ва у бугунги кундагидек шахс билан боғлиқ ҳукмлар ва ибодатларга чекланган руҳий динга айланиб қолади. Яна у Фарб режалаштирганидек насроний ва яҳудий динига ўхшаб қолади. Фарб мусулмонларга зўрлаб юклатилган бундай воқеликни ўзгартириш учун ҳар қандай жиноятни амалга оширишга тайёр. Бу – Фарбнинг араб баҳори қўзғолонларига қилаётган муомаласидан яққол кўриниб турибди. Зеро, Фарб одамлар унинг мустамлакачилик кишанидан озод бўлиб, ўрнига исломий ҳазоратни тиклашга ҳаракат қилаётганини тушуниб турибди. Бу – Ислом дини бўлиб, Исломий давлат унинг бўлинмас ва ажралмас қисмидир. Бу – мусулмонларни уйғонишга олиб борадиган ҳамда бутун олам ундан азоб чекаётган ваҳший Фарб ҳазоратига чек қўядиган ягона йўлдир.

Сийрат китобларида ёзилишича, Муҳаммад ﷺ ва саҳобалар Исломий давлатни барпо этиш учун ўн уч йил Маккаи Мукаррамада кураш олиб бордилар. Шундан сўнг биринчи Исломий давлатни барпо этиш учун Мадинаи Мунавварага ҳижрат қилдилар. Уларнинг ҳижрати Маккадаги куфр диёридан Мадинадаги Ислом диёрига, исломий бошқарув, омонлик ва имон ўрнашган жойга кўчиш бўлган эди. Мадинада Ислом одамларнинг ҳаётида амалий тарзда татбиқ этилди. Жиход, қабилаларни Исломий бошқарувга бўйсундириш ва уни чиройли татбиқ қилиш орқали уни ёйиш мазкур амаллар доирасига кирди. Натижада Ислом Араб ярим оролига ёйилди, қабилалар битта байроқ остига бирлашди ва аҳоли яхлит Исломий Умматга айланди. Пайғамбаримиз Муҳаммад ﷺ Исломий давлатнинг биринчи ҳокими бўлдилар. Росулulloҳ ﷺ вафот этганларидан кейин, Абу Бакр мусулмонларнинг байъати орқали Халифа бўлди ва давлатни бошқарди. Шу кундан бошлаб давлат Пайғамбарлик давлатидан рошид Халифалик давлатига айланди.

Халифалик дунёдаги барча муслмонларнинг умумий раислигидир. У барча фуқароларига шариатни татбиқ қилади ҳамда даъват, чиройли татбиқ ва жиҳод орқали Исломни оламга етказди. Халифалик тузуми оламдаги бирорта бошқарув тузуми унга тенг кела олмайдиган ягона тузумдир. Чунки у коҳинлик давлати эмас, балки руҳий ва сиёсий ақидага асосланган давлат бўлиб, бағрида яшаётган одамларни тинчлик, хавфсизлик ва хотиржамлик билан кафолатлайди. Шунингдек уларнинг ирқи ва динидан қатъий назар асосий эҳтиёжлари қондирилишини таъминлайди.

Халифалик давлати асрлар мобайнида оламдаги энг яшнаган давлат, одамлар орасида нур сочиб турувчи қуёш ва ер шари аҳолисининг барчаси у орқали йўл топадиган маёқ бўлиб келди. Инсоният Халифалик бошқаруви остида гуллаб яшнади ва уйғонди ҳамда ушбу давлат соясида хавфсизлик ва тинчликдан баҳраманд бўлди. Халифалик давлати ўн уч асрдан кўпроқ вақт мобайнида оламни бошқарди. Халифалик давлати мустамлакачи инглизлар малайи, келиб чиқиши яҳудий Мустафо Камол қўли билан ҳижрий 1342 йил 28 ражабда қулатилгунига қадар сиёсий, ҳарбий, иқтисодий ва сақофий жиҳатдан оламга етакчилик қилди. Халифалик давлати қулатилиши натижасида Умнат парчаланди. Натижада муслмонлар ўзларининг ҳаёти, номуси ва мол-мулкларини ҳимоя қиладиган кишидан ажралдилар. Чунки улар қалқони ва мустаҳкам қўрғонини йўқотган эдилар. Зеро, Пайғамбаримиз ﷺ шундай деган эдилар:

«إِنَّمَا الْإِمَامُ جُنَّةٌ، يُقَاتَلُ مِنْ وَرَائِهِ، وَيَتَّقَى بِهِ»

«Имом қалқондир, унинг ортида туриб жанг қилинади ва у билан ҳимояланилади». Муслим ривояти. Халифалик қулатилиши ортидан ишларимизни бошқарадиган, муаммоларимизни ҳал қиладиган ва бутунлигимизни сақлайдиган етакчини йўқотдик... Халифалик қулагач, Исломий Умнат етим бўлиб, тамагирларнинг ўлжасига айланди. Бошқа халқлар уни бўлақларга бўлди, талон-торож қилди, хорлади ва зулм қилди. Бу ишлар Халифаликнинг Исломдаги аҳамияти нақадар катта эканини кўрсатмоқда. Дарҳақиқат, Халифалик қулатилган кун Ислом байроғи қулатилиб, Ислом халқаро майдондан четлатилди. Қуръон ва Суннат ҳаётдан четга сурилди ва уларнинг ўрнига куфр низомлари ва конституцияси ўрнатилди.

Табиийки, бунинг ортидан Исломий Умнат парчаланиб, давлат майда ва арзимас давлатларга бўлинди. Хавфсизлик ва бошқарув душман қўлига ўтди ҳамда Фаластин ва бошқа муқаддас даргоҳлар зое кетди. Ҳукумат тепасига энг разил одамлар чиқди, малай ва

қаланғи-қасанғилар етакчига айланди. Улар Умнатнинг қадриятлари, бойликлари ва номусини оёқ ости қилиб, қонини тўкишди ва тақдирини душманга топширишди. Қисқа қилиб айтганда, улар Умнатнинг душмани қўлидаги заҳарли ханжарга айланишди... Табиийки, бу ишлар ортидан тасаввурга сиғмайдиган фалокатлар ёғилди. Исломиёй юртларнинг катта қисмини куфр давлатлари эгаллаб олди ва бугун Америка бошчилигида мусулмонларга турли балолар ёғдирмоқда.

Қўйида мусулмонларга нисбатан кофирлар амалга оширган, даҳшати ёш болаларни ҳам қаритиб юборадиган жиноятларни бир қисми ҳақида айтиб ўтамиз. Агар биз уларнинг барчасини айтадиган бўлсак, уларнинг жиноятлари ва зулмлари том-том китобларга сиғмайди. Бунга тўхталиш бизга Халифаликни барпо этиш вазифасини эслатиши лозим. Чунки Халифаликкина мусулмонларнинг тинимсиз бошдан кечираётган мусибатларига чек қўяди.

Масалан, Россияни олиб қарасак, у Халифалик қулаши ортидан ҳижратнинг ўн иккинчи асрида Қрим, Олтин Ўрда, Туркистон ва Кавказ каби исломий юртларни эгаллаб олди... Россия ушбу юртларга бостириб кирар экан, мусулмонларга қарши Испанияда бўлган инквизициядан ҳам ваҳшийроқ қирғинларни амалга оширди. Руслар мусулмонларни жазолаш йўлларини испанлардан ўрганишди. Сўнг Қримда ваҳшийларча қирғин қилиб, номусларни поймол қилишди, натижада мусулмонларни жазолашда устаси фаранг бўлиб кетишди. Улар православ динидан бошқасини қабул қилиш ўлдирилишга муносиб жиноят деб ҳисоблашар эди. Натижада, мусулмонлар Ислomini яширишга ва уни болаларига яширинча ўргатишга мажбур бўлдилар. Бу худди Андалусия қулаганидан кейинги морискалар (насронийлаштирилганлар)нинг аҳволига ўхшайди. Улар мусулмонларнинг фарзандлари ўз оилалари ва ҳақиқий динларидан узоқда улғайиши учун уларни ўғирлаб келишар ва ўз мактабларида насроний қилиб тарбиялашар эди. Қримда олдин беш миллион мусулмон яшаган бўлса, ҳозир улардан ярим миллион мусулмон қолган.

Туркистонга келсак, руслар 1293 ҳижрий йилда Туркистоннинг катта қисмини эгаллаб олгач, у ерда Исломиёй бошқарув бекор қилинди. Шарқий Туркистон эса, Хитой ҳукмронлиги остида қолди. Хитой ҳукумати бугунга қадар уларга нисбатан иркчилик ва ваҳшийлик асосида муомала юритиб, уларга қарши даҳшатли қирғинлар уюштирамоқда. Руслар Туркистонга бостириб кирар экан, Қримда амалга оширган хунук жиноятларини бошлашди. Туркистонда неча марта Исломиёй қўзғолон бўлса, руслар (кейин коммунистлар) уларни ваҳшийларча бостиришди. 1991 йилда Совет

иттифоқи қулагач, Туркистон турли вилоятларга бўлинди ва Ўзбекистон, Тожикистон ва бошқа давлатлар вужудга келди. Лекин Россия бугунгача ушбу давлатларда ўз нуфузини сақлаб қолмоқдаки, ҳатто бу давлатлар руслар сонининг ушбу юртларда кўпайишидан хавотирга тушмоқда. Масалан, бугун руслар Қозоғистон аҳолисининг тўртдан биридан кўпроғини ташкил қилади, муслмонлар эса сезиларли даражада камайган.

Шўролар ушбу юртларга бостириб келгач, марксистик мафқурани зўрлаб киргизди ва мактабларда Исломиё таълим берилишини тақиқлади. Сўнгра араб алифбосини бекор қилиб, рус ҳарфларини киритди. Шўроларнинг 1922-1991 йиллар оралиғида амалга оширган ва энг кўзга кўринган сиёсати муслмонларни ўз юртларидан қувғин қилиш бўлди. Натижада, ушбу юртлардаги кўплаган муслмонлар турли исломиё юртларга кўчиб кетишди. Қолганлари эса, қаерда яшасалар ҳам озчилик бўлиб қолишлари учун Совет Иттифоқининг турли шаҳарларига тарқатиб юборилди. Бундан ташқари, шўролар ўз ҳукмронлиги остидаги заиф исломиё юртларга русларни кўчириб, у ердаги муслмонларнинг деҳқончилик ерларини русларга олиб берди. Натижада, муслмон қашшоқ деб аталадиган бўлди ва руслар эса муслмонлар устидан хўжайинларга айланди. Шўролар яна рус бўлмаган бошқа миллатларни ҳам исломиё юртларга кўчирди, бунга яҳудийларни Қримга кўчирганини мисол қилиш мумкин. Шўролар амалга оширган энг хунук ишлардан яна бири «қримликлар, чеченлар, бошқирдлар ва бошқаларни» совуқ қаттиқ бўладиган Сибир каби яшаш қийин минтақаларга кўчирди. Сталин даврида 11 миллиондан кўпроқ муслмон ушбу сабабга кўра йўқ қилинди. Шўролар масжидларни бузиб ташлади, айримларини черковга айлантурса, айримларини отхоналар, театр ва ичкилик ичиладиган кафеларга айлантирди. Улар яна исломиё вақфга киритилган бойликларни ўғирлаб, уларни тўлалигича ўзлаштирдилар. Шунингдек, исломиё мадрасалар ва Қуръон ўқитиладиган даргоҳларни насронийларнинг уйига айлантиришди. Бундан ташқари, муслмонларнинг яшаш даражасини тубанлаштириш учун уларга алоҳида улкан солиқлар жорий қилишди. Шўролар муслмонларни мажбурий хизматга жалб қилар экан, Ислон динидан қайтганларни ундан озод қилди.

Совет Иттифоқи қулашидан олдин у ерда яшаган муслмонлар бошдан кечирган энг ёмон ҳолат шу бўлдики, уларга нисбатан адолатсиз ва ёмон муомала қилинди. Масалан, шўролар муслмонларни ҳаж ибодатини бажаришдан ман қилди, закот йиғишдан тўсди ва аёлларнинг ҳижоб кийишини тақиқлади. Муслмонларни динлари борасида қийнаш учун рамазон ойида

янада кўпроқ ишлашга мажбурлади. Мактабларда марксистик таълимни жорий қилиб, исломий таълимни тақиқлади. Исломий сақофатни ўчириш учун рус тилини зўрлаб киргизди ва араб алифбосини бекор қилди. Шунингдек, ахлоқни бузиш учун қизлар ва болалар аралаш ўқийдиган таълимни йўлга қўйди. Ислом дини ва мусулмонларнинг шаънини тўкиш учун ахборот воситаларида Ислом динини масхара қилди.

Шўролар Совет Иттифоқидаги мусулмонларни бўлиш учун уларнинг ўртасида турли фитналар уюштиришди ва уларни бошқариш осон бўлиши учун кичкина бўлақларга бўлиб ташлашди. Бу ишларнинг барчаси «дин афюндир», «биз ҳеч қандай динга ишонмаймиз» каби шиорлар остида олиб борилди. Лекин улар бу каби зўравонликларини фақат мусулмонларга қилишди. Русларнинг бахтига қарши афғонлар Исломни энг маҳкам ушлаган ҳамда Ислом душманларига қарши энг кучли қаршилик кўрсатган халқ бўлиб келди, ҳануз шундай бўлиб қолмоқда. 1973 йили Маҳмуд Довуд руслар билан келишган ҳолда Афғонистондаги монархияни ағдаришга муваффақ бўлди. 1978 йилда эса, Муҳаммад Ғаллоб бошчилигидаги коммунистик партия унга қарши инқилоб қилди. Коммунистлар Афғонистон ҳукуматини эгаллагач, Исломга қарши ҳужум бошладилар. Инқилобнинг биринчи кунидеяк 15 минг мусулмон ўлдирилди. Муҳаммад Довуд кўзи ўнгида унинг 29та ўғли ўлдирилди, сўнг унинг ўзи ва қолган оила аъзолари ўлдирилди. Сўнгра коммунистлар Москва атрофида бирлашиб, халқаро коммунизмга чақира бошлашди ва ундан кейин рус армияси «режимни ҳимоя қилиш» баҳонасида Афғонистонни босиб олиши учун унга эшиклар очиб берилди. Натижада руслар Қобулни ва Афғонистоннинг бошқа жойларини эгаллашди. 1980 йили руслар Афғонистондаги миллионга яқин мусулмонни йўқ қилди. Мусулмон юртларидаги ҳукуматлар бу ишларга шармандаларча муносабат билдиришди. Улар бугунгача шундай аҳволда қолишмоқда, Аллох уларни хор қилсин.

Аммо Францияга келсак, у мусулмонларга нисбатан ваҳшиёна жиноятларни амалга оширди. У 1917 йили Чадни босиб олар экан, 400та мусулмон олимни йиғиб, барчасини калласини олди. (Тарихшунос Маҳмуд Шокир, «Чад» китоби, 73-саҳифа). 1852 йил Жазоирнинг Лагуот шаҳрига кирар экан, бир кечада унинг аҳолисининг учдан бирини отиб ўлдирди. 1960-1966 йиллари Жазоирда 17 марта атом қуролини синовдан ўтказди, натижада 27 мингдан 100 минггача бўлган одамлар қурбон бўлди. Франция 1962 йили Жазоирдан чиқиб кетар экан, ортидан Жазоир аҳолисидан кўпроқ, яъни 11 миллионта мина қолдирди. Франция Жазоирни 132 йил босиб турди, французлар босқинчилигининг аввалги етти

йилида бир миллион муслмонни қирган бўлса, охири етти йилида бир ярим миллион муслмонни ўлдирди. Франциялик тарихшунос Гол Горкининг айтишича, Франция Жазоирда 1830 йилдан 1962 йилгача 10 миллион муслмонни ўлдирган. Франция Тунисни 75 йил, Марокашни 44 йил, Мавританияни 60 йил ва (аҳолисининг 95 % муслмон бўлган Сенегални уч аср муддат ўз мустамлакаси остида ушлаб турган.

Америка эса, Афғонистонда геноциднинг даҳшатли шакллари қўллади. Американинг Афғонистондаги босқинчилик жиноятлари ва турли вилоятларда тинч аҳолига нисбатан амалга оширган Америка армиясининг қирғинлари ҳақида минглаб ҳужжатлар мавжуд. Шубҳасизки, Афғонистонда босқинчи кучлар томонидан содир этилган геноцид жиноятлари ҳақидаги ҳақиқат сиздирилган ва нашр қилинганидан кўра каттароқдир. Сизиб чиққан ҳужжатларда босқинчи кучлар эълон қилинмаган ҳодисаларда юзлаган тинч фуқароларни (минглаган бўлиши ҳам мумкин) қандай қатл қилгани ҳақида айтилган. Британиянинг Гардиан, Американинг Нью-Йорк Таймс ва Германиянинг Дер Шпигель газеталари томонидан чоп этилган 90 мингта файл ва ёзувлар Афғонистон ва Ироқ, айниқса Фалужжа аҳолисига қарши содир этилган геноцид денгизидан бир томчи холос.

Германия газеталари қурбонларнинг бош суякларини қучоқлаган аскарлар тасвирини чоп этган эди. Америка аскарлари ҳақида айтилган нарсани Франция, Британия, Италия, Дания, Испания аскарлари ва бошқа аскарлар ҳақида ҳам айтиш мумкин. Улар тинч фуқароларни хиёнаткорона, нафратдан келиб чиқиб ва ўч олиш учун ўлдиришмоқда. Масалан, босқинчи кучлар Хелманд ва Афғонистоннинг шимолида жойлашган Сангин шахрига қилган ракета ҳужумида 45та тинч фуқаро ўлдирилган. Босқинчи кучлар ушбу жиноятни ўзлари бўйнига олишган. Канаданинг (Research Global) сайти исботлашича, АҚШнинг иккинчи жаҳон урушидан кейин амалга оширган урушлари натижасида дунё бўйлаб 30 миллиондан ортиқ одам қурбон бўлган. Яна бир тадқиқот маркази томонидан ўтказилган муҳим тадқиқотнинг исботлашича, АҚШ етакчилигидаги «Террорга қарши кураш» (яъни Исломга қарши кураш) натижасида икки миллион киши ўлдирилган. Аммо бу рақам Ғарб жавобгар бўлган ўлим ҳолатларнинг бир қисмини ёки Ироқ, Афғонистон, Покистон, Сурия, Ливия ва Сомалида қурбон бўлганлар сонинигина ифодалайди. Яҳудий вужуди ўлдирган фаластинликлар сони бу рақамлар ичига кирмайди. Вашингтонда жойлашган Ижтимоий масъулият учун шифокорлар ташкилоти (PSR) чоп этган тарихий тадқиқотда хулоса қилинишича 11 сентябр ҳужумларидан сўнг бошланган «Террорга (Исломга) қарши

кураш»нинг ўн йилида камида 1,3 миллион киши ўлдирилган, ушбу сон 2 миллион бўлиши ҳам мумкин. Бироқ, тадқиқотдаги бу фактлар инглиз тилида сўзлашувчи оммавий ахборот воситалари томонидан деярли бутунлай бекор қилинди.

Британияда чиқадиган Lancet тиббиёт журнали 2006 йилнинг ўрталарида бир тадқиқот чоп этди. Унда таъкидланишича, Ироққа бўлган босқинчиликдан кейин 670 минг ироқлик ўлдирилган. Бу тадқиқот Британия ва АҚШда оммавий ахборот воситаларининг ҳужумига учради ва унда келтирилган рақамлар шубҳа остига олинди. Ушбу тадқиқотдан икки йил кейин берилган АҚШ статистикасига кўра, ўлганлар сони 30 мингдан бироз кўпроқ бўлиши мумкин. Лекин вақт ўтар экан, ҳақиқатлар юзага чиқа бошлади ва Lancet журнали келтирган рақамлар тўғри экани аён бўлди. Ушбу сўнгги тадқиқот АҚШ амалга оширган уруш ва ҳужумлар ҳамда 1991 ва 2003 йил оралиғидаги адолатсиз ва ноинсоний қамал натижасида юзага келган ўлимлар 1,9 миллион ироқликнинг ёстиғини қуритганини исботлади. Шунингдек, 2003 йилдан сўнг яна бир миллион атрофидаги ироқлик ўлганини исботлади. Бошқача айтганда, тадқиқотга кўра сўнгги йигирма йил ичида АҚШ қўли билан ва унинг сиёсати туфайли 3 миллион ироқлик ўлган. Бу қурбонлар шундай хунук тарзда ўлдирилдиларки, улардан ўн минглагани хандақларга тириклайин кўмиб юборилган бўлса, озиқ-овқат ва даволанишдан маҳрум бўлгани сабабли бир миллион саккиз юз мингдан кўпроғи ҳалок бўлди. Ҳатто ҳаво ҳужумлари туфайли бегуноҳ тинч аҳоли ҳам қурбон бўлган. Аммо қамоқхоналар (масалан Абу Ғурайб)даги қийноқ жиноятлари ҳақида айтмаса ҳам бўлади. Ироқ, Сурия, Ливия, Яман ва Ливан каби давлатларни вайрон қилиш мақсадида, ушбу давлатларда бўлган ва бўлаётган террор ва террористларни қўллаб-қувватлаш сиёсати ҳеч қандай далилга муҳтож эмас. Аммо Америка Ироқдан ўғирлаган бойликларга келсак, Бағдодда жойлашган (Дар Даҳаб) нашриёти муҳаррири айни нашриёт томонидан АҚШ жиноятлар энциклопедиясининг йигирма тўққизинчи қисми (279-саҳифа) чоп этилганини ва уни тадқиқотчи Ҳусайн Сармак таржима қилганини ёзган. Ҳусайн Сармак ушбу қисмнинг муқаддимасида ҳар қандай ироқликни ғазаблантирадиган, оғритадиган ва қийнайдиган ақл бовар қилмас маълумотларни тилга олиб шундай дейди: «Ушбу йигирма тўққизинчи қисм ўзаро бир-бирига боғлиқ икки масалани ўз ичига олган ягона қисм бўлиши режалаштирилган эди. Биринчиси АҚШ қўл остидаги Ироқ бойликларидан ўғирланган 60 миллиарддан кўпроқ долларлар ҳақида. (Айримлар бунга оккупация даврида нефть савдосидан тушган 20 миллиардни ҳам қўшади). Иккинчиси

эса, «Ироқни қайта тиклаш» номи остида кўкка совурилган ўнлаб миллиард долларлар. Бу пуллар жирканчли ишфолнинг биринчи йиллари Ироқни бошқарган, Пол Бремер етакчилигидаги муваққат коалиция идорасидаги Америкалик расмийлар томонидан талон-торож, исрофгарчилик, коррупция ва суиистеъмол орқали ўғирланган.

Аmmo Сурияга келсак, қурбонлар, мажруҳлар, йўқолганлар ва кўчиб кетганлар сони миллионларни ташкил қилади. «Цезар» номи остида фаолият олиб борган фотограф режим ҳибсхоналарида сурияликларга нисбатан амалга оширилаётган қотиллик ва қийноқларни фош қилувчи минглаб фотосуратларни сиздирган. Сурия қўзғолони ўнинчи йилга кирар экан, ўлганлар ва қочқинлар сони яна ортган. БМТ қочқинлар бўйича олий комиссариатининг 2020 йилги ҳисоботида кўра, январ ва феврал ойида суриялик қочқинлар сони 900 мингдан ошган ва улардан 300 минги ўтган ой бошида аниқланган қочқинлардир. Бу ишлар Россия ва Эрон қўллаб-қувватлови билан Сурия режимининг Ҳалаб ва Идлиб вилоятларига уюштирган ҳарбий кампанияси туфайли рўй берган. Режим ушбу ҳужум ортидан стратегик ҳудудларни назорат қилишга муваффақ бўлиб, пойтахт Дамашқни Ҳалаб билан боғлайдиган «М5» халқаро йўлини очди. Сурия қўзғолони бошлангандан бери Сурия режими кучлари ва иттифоқчилари қўлида ҳалок бўлганлар сони бўйича кўрсатилган рақамлар зиддиятлидир. Сурия муҳолифати коалициясида қўлга олинган ва бедарак йўқолганларни ҳимоя қилиш миллий комиссияси раиси Ёсир Фарҳон Ал-Жазира нет сайтига шундай деди: Инсон ҳуқуқлари бўйича Сурия тармоғи мамлакатда 2011 йилдан 2020 йилгача 222 мингдан кўпроқ киши ҳалок бўлганини ҳужжатлаштирган. Хьюман Райс Вотч ташкилоти эса, Сурияда 2011 йилдан бери 400 минг киши ўлдирилганини айтган. Фарҳон бу рақамлар ҳақиқатнинг бир қисмини ифодалашини айтган. Ҳужжатларни расмийлаштирувчи ташкилотлар – гарчи уларда бир қанча махсус гуруҳлар бор бўлса-да, шунингдек, бюджети ҳам етарли бўлса-да – қонунбузарликларнинг барчасини кузата олмайдилар. Чунки қонунбузарликлар жуда ҳам кўп ва кенг доирада бўлади. Бундан ташқари, барча минтақаларга етиб боришда ҳам қийинчилик бор.

Муслмонлар ортида туриб жанг қилинадиган ва ҳимояланиладиган қалқони, яъни халифаси бўлганида бу каби ваҳшиёна ҳужумлар ва қонли зарбаларга дуч келмаган бўлар эди. Халифа йўқлиги туфайли кофир давлатлар муслмонларнинг барча ҳаёт соҳалари устидан ҳукмрон бўлиб олди. Ҳатто Уммат ҳаётининг энг нозик соҳаларига ҳам аралашмоқда. Биз кўпинча куфр юртидан келган элчилар юртаримизнинг шарқи-ю ғарбида назоратсиз

бемалол кезиб юрганини кўрамиз. Халифалик йўқлиги туфайли Никифорга Рум кўппаги деб мурожаат қилган Ҳорунар Рошид каби халифалар, салибчиларни қақшатган Салоҳиддиндек ва мўғул татарларни ер тишлатган Сайфиддин Қутуздек саркардалар етишмаяпти. Халифа номуси топталган бир аёл учун жанговор қўшинни оёққа турғизган эди. Бугун эса, миллионлаб мусулмонларнинг қони тўкилиб, яна миллионлаганининг номуси топталмоқда. Халифа мусулмонлар, уларнинг қадриятлари ва бирлигини ҳимоя қилади, шундай экан уни қайта тиклашга шошилинг.

Халифалик масаласи жуда ҳам буюк, шаъни улуғ масаладир. Шунинг учун уни барпо этишга ҳаракат қилмаслик мусулмонларга улкан гуноҳларни юклайди. Бу борада Росулulloҳ ﷺнинг қуйидаги ҳадисини эслатиш кифоя қилади:

«وَمَنْ مَاتَ وَلَيْسَ فِي عُنُقِهِ بَيْعَةٌ، مَاتَ مَيْتَةً جَاهِلِيَّةً»

«Ким бўйнида байъати бўлмаган ҳолда вафот этса, жоҳилият ўлимини топибди». Муслим ривояти. Байъат фақат халифага берилади, унинг бўлиши мусулмонлар бўйнида байъатни пайдо қилади. Шундай экан, ушбу ҳаёт-мамонт масаласи учун кунни тунга улаётган ва унга жонини тиккан Ҳизб ут-Таҳрир билан бирга ҳаракат қилинг. Бир неча йиллардан бери сиз яхши таниган Ҳизб ут-Таҳрир ҳақиқий етакчидир. У бирор кун ҳам сизларни алдамаган ва ўз мақсадидан бир қарич ҳам чекинмаган. Балки у мустаҳкам тоғлардек кунни тунга улаб, Умматга ушбу зое кетган фарз, яъни фарзлар тожини тушунтириб келмоқда... Чунки қолган фарзлар ушбу фарз орқали адо этилади. Ақсони фақат халифа озод қилади. Ер юзининг барча жойларида мусулмонларга қарши бўлаётган қотиллик ва зулмларга фақат халифа чек қўяди. Юз йилдан бери ҳаётдан узоқлаштирилган Аллоҳнинг китоби, ҳукмлари, дастури ва низомини халифа ва Халифалик давлати татбиқ қилади. Шунинг учун Ҳизб ут-Таҳрирнинг Халифалик учун қилинадиган фаолиятни ўзининг энг муҳим масаласи қилиб олиши ажабланадиган иш эмас. Ҳизб ут-Таҳрир Росулulloҳнинг қуйидаги хушxabари рўёбга чиққунича шундай давом этади:

«ثُمَّ تَكُونُ خِلَافَةً عَلَيَّ مِنْهَاجِ النَّبُوَّةِ»

«Сўнгра Пайғамбарлик минҳожии асосидаги Халифалик бўлади». Имом Аҳмад муснади. Шунингдек, Ҳизб Умматдан ва унинг қўшинларидан Пайғамбарлик минҳожии асосидаги Халифаликни барпо этиш орқали ер юзида Аллоҳнинг динини қоим қилиш учун ўзи билан бирга фаолият қилишларини талаб қилади.

Ҳизб ут-Таҳрир Халифалик тиклангунича Аллоҳнинг ёрдами ва тавфиқи билан мана шу йўлда юради. Шундай экан, эй

мусулмонлар ер юзида Аллоҳнинг динини тиклаш учун биз билан бирга фаолият қилинг. Эй мусулмонлар қўшинлари ушбу буюк фарзни адо этиш учун қўлингизни беринг. Аллоҳга ишонинг ва билингки Аллоҳнинг нусрати яқиндир. Уммат Аллоҳнинг ёрдамидан ноумид эмас, чунки унинг қўлида ғайратларни жўштирадиган ва мўмин қалбларни Аллоҳнинг ёрдами билан хотиржам қиладиган башоратлар бор.

﴿وَعَدَ اللَّهُ الَّذِينَ ءَامَنُوا مِنكُمْ وَعَمِلُوا الصَّالِحَاتِ لَيَسْتَخْلِفَنَّهُمْ فِي الْأَرْضِ كَمَا اسْتَخْلَفَ الَّذِينَ مِن قَبْلِهِمْ﴾

«Аллоҳ сизлардан имон келтирган ва яхши амаллар қилган зотларга худди илгари ўтган (имон-эътиқодли) зотларни халифа қилганидек, уларни ҳам ер юзида халифа қилишни ваъда қилди» [Нур 55]

Ушбу Уммат орасидан улуғ олим Ато ибн Халил Абу Рошта етакчилигидаги Ҳизб ут-Таҳрир етишиб чиқди. Ҳизб йигитлари Умматнинг шон-шухрати ва султонини қайта тиклаш ҳамда Пайғамбарлик минҳожи асосидаги Халифаликни эълон қилиш орқали Умматнинг тақдирий масаласини рўёбга чиқариш сари мустаҳкам қадам билан тинмай ҳаракат қилмоқда. Бу иш Аллоҳга қийин эмасдир.

﴿يَأْتِيهَا الَّذِينَ ءَامَنُوا اسْتَجِيبُوا لِلَّهِ وَلِلرَّسُولِ إِذَا دَعَاكُمْ لِمَا يُحْيِيكُمْ ۗ وَعَلِمُوا أَنَّ اللَّهَ يَحُولُ بَيْنَ الْمَرْءِ وَقَلْبِهِ ۗ وَأَنَّهُ إِلَٰهٌ مُّخْتَارٌ﴾

«Эй мўминлар, Аллоҳ ва Унинг пайғамбари сизларни абадий ҳаёт берадиган нарсага (яъни, динга) даъват қилар экан, уни қабул қилинглар ва билингларки, шубҳасиз, Аллоҳ ҳар бир киши билан унинг қалби ўртасини эгаллаб турур ва шубҳасиз, Унинг ҳузурига тўпланурсизлар»

[Анфол 24] □

ИСЛОМ ҚОНУНЧИЛИГИНИНГ БУЮКЛИГИ

Муҳаммад Малковий

Ной Фельдман «Ислом давлатининг қулаши ва пайдо бўлиши» номли китобида бундай дейди: «Аслини олганда, Ислом давлати қонун бошқаруви назариясига асосланган шариат давлатидир. Тарихга назар ташлайдиган бўлсак, Британиядаги каби ёзилмаган давлат дастури Ислом давлатини ҳуқуқий давлатга айлантирган. Давлат бошқаруви қонунга таянар, давлат қонун асосида, яъни шариат томонидан бошқарилар эди». Фельдман яна бундай дейди: «Ислом давлатини барпо этишга чақириш – аслини олганда – исломий қонунчиликни ва қонунни ўрнатишга чақиришдир. Мусулмонлар ўзларини бошқараётган давлатларга назар ташлайдиган бўлсалар, ўзларини қонун кучи билан эмас, балки ҳоқимият кучи билан бошқарилаётганига гувоҳ бўладилар. Ваҳоланки, улар барпо этмоқчи бўлаётган Ислом давлати қонун билан бошқарадиган, қонун ҳимоясида бўлган ҳуқуқий давлатдир». У яна бундай дейди: «Кўпчилик одамлар Ислом шариати аёлларга рўмол ўратишдан ва шафқатсиз жазо-чораларидан бошқа нарсани англатмайди деб ўйлашади. Аслида эса, Исломда шариат – қуръон ва суннатдан олинган қонунга асосланиб, ҳаётнинг барча жабҳаларида шахс ва жамият ишларини тартибга солишдир».

Қонун ва конституциянинг, бинобарин, қонун ва конституцияни ишлаб чиқарадиган қонунчиликнинг асосий ғояси адолатни рўёбга чиқаришдир. Аллоҳ Таоло Қуръони Каримнинг муҳкам оятларида бундай дейди:

﴿لَقَدْ أَرْسَلْنَا رُسُلَنَا بِالْبَيِّنَاتِ وَأَنْزَلْنَا مَعَهُمُ الْكِتَابَ وَالْمِيزَانَ لِيَقُومَ النَّاسُ بِالْقِسْطِ﴾

«Қасамки, Биз Ўз пайғамбарларимизни аниқ ҳужжат-мўъжизалар билан юбордик ва улар билан бирга Китоб ҳамда одамлар адолатни барпо қилишлари учун мезон-тарози туширдик» [Ҳадид 25]

Одил қонунчиликка эришиш бир неча асосларни тақозо этади. Буларнинг энг муҳимлари:

- 1 – Қонун чиқарувчининг эҳтирослардан йироқ бўлиши.
- 2 – Одамларнинг яшаш шароитларини қамраб олувчи билим.
- 3 – Қонунчиликни тақозо этадиган муаммони билиш.
- 4 – Одамларнинг хатти-ҳаракатлари устидан қонун ҳукмрон бўлиши.

Дунёдаги барча қонунлар у ёки бу тарзда ушбу асосларнинг барчасини ёки айримларини рўёбга чиқариш устида ишлайди.

Ислом қонунчилигининг буюклиги шундаки, Ислом ушбу асосларнинг барчасини мунтазам равишда рўёбга чиқаради. Бошқа низомлар эса, ушбу асосларнинг ҳеч бирини мақбул тарзда рўёбга чиқара олмайди.

Масалан, Жан-Жак Руссо ва Вольтер тарғиб қилган ҳамда демократиянинг турли шаклида намоён бўлган фуқаролик давлати ҳам қонунчиликдаги бетарафликни рўёбга чиқариш ва эҳтиросларга берилиш муаммосини ҳал қилишга уринар экан, буни қонун ёки қонунлар таянадиган асосни тузишда кўп сонли одамларни жалб қилиш орқали амалга оширмакчи бўлди. Шунинг учун жамоатчилик истагини қонунлар келиб чиқадиган манба қилиб белгилашди. Бу билан шахслардаги мавжуд эҳтирос ва истак-майл ўз-ўзидан йўқ бўлиб кетади, ҳеч бўлмаганда камаяди, деб ўйлашди. Улар яна, жамоатчилик истаги асосида тузилган қонуннинг ўзи жамоатчиликдаги ҳар бир шахсни назоратга олади, чунки жамоатчилик истаги шахс истаги бўлиб, шахс истаги ўз-ўзидан кафолатланади, бу эса қонун ва қонунчиликка бўйсунитишни табиий равишда келтириб чиқаради, дейишди. Одамларнинг шароитларини билишга келсак, улар жамоа томонидан чиқариладиган қонун, жамоа шароитини қамраб олувчи бўлиши зарурлигини айтишди. Уларга кўра, қонун ҳал қиладиган муаммо ҳис қилинган воқелик бўлиб, уни билиш қонун чиқарувчи томонидан табиий равишда юз беради.

Қонунчилик учун масъул бўлган жамоавий ирода юқорида айтиб ўтилган тўрт асоснинг ҳеч бирини амалга оширмайди. Амалий воқелик шуни кўрсатадики, фуқаролик давлати арбоблари наздида қонун чиқариш жараёнини шахс ёки кам сондаги қонунчилик қўмитаси белгилайди. Ушбу қўмита шахслар гуруҳи бўлиб, уларнинг ҳар бири ўз иродаси, билими, онги, ҳиссиёти, эҳтироси ва майл-истакларига эга. Агар уларнинг барчаси битта қўмита ёки ишчи гуруҳда тўпланишса, эҳтирос йўқолмайди, аксинча, кўпаяди ва масала эҳтирослар ўртасини мувофиқлаштиришга айланади. Бинобарин, ҳар қандай қонунни чиқаришнинг ягона ечими муросага келиш ва шахслар гуруҳининг яқинлашуви бўлади. Шахсдаги эҳтирос ва майл-истакни йўқ қилиш маҳол бўлганидек, гуруҳдаги эҳтирос ва майл-истакни йўқ қилиш ҳам маҳолдир. Шахсдаги эҳтиросни йўқ қилишнинг маҳоллигига келсак, туйғу ва майл-истаклар шахснинг бир бўлаги бўлгани учун, уларни ундан ажратиш мумкин эмас. Одамларнинг жамланиши улардан эҳтиросларни йироқлаштирмайди, аксинча, эҳтирос ва майл-истакларни кучайтиради. Бу эса, келишув жараёнини тақозо этади. Демак, омма иродасига ёки жамоавий иродага асосланган қонунчиликнинг эҳтирос ва майл-истакдан холи бўлиши мумкин

бўлмайди. Шунинг учун қонунчиликдан кўзланган ғояни рўёбга чиқаришнинг энг биринчи ва муҳим асоси йўққа чиқади. Бунга Европа ва Америкадаги демократиянинг турли шакллари узоқ даврдан бери қўллаб келаётган давлатларда бугунги кунда биз гувоҳ бўлаётган қонунчилик воқелигидан кўра кучлироқ далил йўқ.

Америка 1920 йилда спиртли ичимликларни ишлаб чиқариш ва сотишни тақиқловчи қонун чиқарган эди. Кейин 1933 йилда бу қонунни бекор қилди. Иккала ҳолатда ҳам қонун чиқариш ва уни бекор қилиш, шу ишга жалб қилинган одамларнинг истак ва майлларига биноан амалга оширилди. Америкадаги қуролга эга бўлиш тўғрисидаги қонунни оладиган бўлсак, бу ҳам ҳануз қонунчилик доирасидан ташқарида қолмоқда. Ваҳоланки, жамоатчилик қуролга эгалик қилиш қонунан тақиқланишини тинмай талаб қилиб келади. Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ташкилотлари ушбу қонунни қабул қилдиришга ожизлик қилиб турган бир пайтда, қурол ишлаб чиқарувчи компаниялар ва уларга тобе бўлган лоббистлар уни қабул қилдирмасликни уддасидан чиқмоқда. БМТ ва Хавфсизлик Кенгаши каби халқаро ташкилотлар томонидан чиқариладиган халқаро даражадаги қонунларда ҳам кучли давлатлар майл-истакларининг устун бўлиши аниқ. Булардан энг яққол кўриниб тургани, атроф-муҳит ифлосланишини назорат қилишга алоқадор қонунлардир. Америка ўзининг кучи ва такаббурлиги билан бу қонунларнинг қабул қилинишига ҳанузгача тўсқинлик қилиб келади.

Аmmo одамларнинг шароитларидан ҳамда демократик давлатлардаги қонунчилик қўмитаси томонидан чиқарилган қонунлар ҳал этадиган муаммолардан хабардор бўлишга келсак, улар одамларнинг замонавий воқелигини билишдан нарига ўтмайдилар. Улар одамларнинг келажакдаги шароитларини ва улар қандай ривожланиши мумкинлигини била олмайдилар. Бундан ташқари, қонунчилик юз берган воқеа-ҳодисаларни ҳал қилади. Юз берган воқеа, иш ва хатти-ҳаракатларга ундаган сабабларни ҳал қилмайди. Бинобарин, демократик қонунлар асосида бошқарилаётган давлатларда қонуннинг ўзгариши ва қонунчиликнинг алмаштирилиши ҳолатлари кўп юз беради.

Қонуннинг башарият истаги устидан ҳукмрон бўлишига келсак, жамоавий ироданинг башарият истаги устидан ҳукмрон бўлмаслиги ўз исботини топган. Чунки қонун шахслар вакили бўлган гуруҳ томонидан чиқарилган бўлгани учун башарият истаги ўз табиатига кўра қонун иродасига бўйсунмайди. Америкадаги спиртли ичимликларга қарши курашиш қонуни ижтимоий шартнома назариясининг ботиллигини тўлалигича исботлади. Чунки спиртли ичимликларни истеъмол қилиш ва унинг савдоси билан

шуғулланиш бу ишга тақиқ қўйилган даврда кучайиб кетди. Қонуннинг истак устидан ҳукмрон бўлиши қаерда қолди? Спиртли ичимликларнинг тақиқланиши тарафдорлари давлат томонидан қонунбузарларга қарши қатъий қонунлар чиқарилмаганини оқлашди!!

Коммунистик-социалистик мафкурага асосланган Совет Иттифоқи даврида чиқарилган қонунлар ва қонунчилик аҳволи ҳам яхши бўлмаган. Ҳарбий куч билан шахслар томонидан бошқарилаётган давлатларда чиқарилаётган қонунлар ҳақида ҳам бундай дейиш мумкин. Бундай давлатларда адолатнинг ҳеч қандай асоси рўёбга чиқмаганини билиш учун Мисрдаги Сисийнинг қонун ва фармонларига бир кўз ташлашнинг ўзи кифоя.

Ислом қонунчилигига келсак, ҳолат бутунлай бошқача. Чунки Ислом адолат ўрнатиш учун керакли бўлган асосларнинг барчасини рўёбга чиқаради. Исломдаги қонунчиликнинг буюклиги мана шундадир.

Қонунчиликда эҳтирослардан йироқ бўлиш

Адолатни рўёбга чиқаришнинг энг муҳим асоси эҳтирос ва майл-истакдан йироқ бўлишдир. Ислом қонунчилиги – қонун чиқарувчи, яъни қонунчиликнинг ягона манбаи Аллоҳ Таолодир, деган асосга таянади. Қуръони карим Аллоҳ Таолонинг шериксиз ягона эканлигини, Унинг на ўғли ва на отаси борлигини ва У асли беҳожат бўлиб, бирортасига эҳтиёж сезмаслигини баён қилган ва бунга эътиборни қаратган кўплаб оятлар келган. Чунки эҳтирос ва майл-истак ўғил ва отада бўлади, шунингдек, шерик, муҳтож, номукамал ва чекланган каби сифатлардан келиб чиқади. Аллоҳ Таоло Яккаю-Ёлғиз, беҳожат, туғмаган ва туғилмаган, ҳеч ким У Зотга тенг бўлмаган Зотдир. Аллоҳ Таоло айтади:

﴿وَلَوْ اتَّبَعَ الْحَقُّ أَهْوَاءَهُمْ لَفَسَدَتِ السَّمَوَاتُ وَالْأَرْضُ وَمَنْ فِيهِنَّ بَلْ أَتَيْنَهُمْ بِذِكْرِهِمْ فَهُمْ

عَنْ ذِكْرِهِمْ مُعْرِضُونَ ﴿۷۱﴾ أَمْ تَسْأَلُهُمْ خَرْجًا فَخَرَاجُ رَبِّكَ خَيْرٌ وَهُوَ خَيْرُ الرَّازِقِينَ ﴿۷۲﴾

«Агар Ҳақиқат-Қуръон уларнинг ҳавои нафсларига эргашса эди (яъни унда: «Аллоҳнинг шериклари бор», деган гап келса эди), албатта осмонлар, ер ва улардаги бор жонзот бузилиб-ҳалок бўлган бўлур эди. Йўқ, Биз улар учун эслатма келтирдик, Улар эса ўзларига (келган) эслатмадан юз ўгиргувчидирлар. (Эй Мухаммад) ёки сиз улардан харж (яъни Қуръон оятларини келтирганингиз эвазига ҳақ) сўрамоқдамисиз? (Йўқ, сиз ҳаргиз улардан харж сўрамассиз, чунки) Парвардигорингизнинг харжи-берадиган ажри яхшироқдир. У энг яхши ризқ бергувчидир» [Мўминун 71-72]

Мутлақ илм

Исломда қонун чиқарувчи, яъни Аллоҳ Таоло одамларнинг ҳам ҳозирги пайтдаги, ҳам ўтмишдаги ва ҳам келажақдаги аҳволларини билгувчидир. Аллоҳ Таоло айтади:

﴿مَنْ ذَا الَّذِي يَشْفَعُ عِنْدَهُ إِلَّا بِإِذْنِهِ يَعْلَمُ مَا بَيْنَ أَيْدِيهِمْ وَمَا خَلْفَهُمْ وَلَا يُحِيطُونَ بِشَيْءٍ مِّنْ عِلْمِهِ إِلَّا بِمَا شَاءَ﴾

«Унинг ҳузурида ҳеч ким (бировни) Унинг изнисиз оқлай олмайди. У уларнинг (барча одамларнинг) олдиларидаги ва орқаларидаги бор нарсани билади. Ва улар У зотнинг илмидан фақат Ўзи истаган нарсаларнигина биладилар»

[Бақара 255]

Аллоҳ ғайбни билгувчидир, осмонлар ва ердаги бир зарра мисоличалик бирон нарса У Зотдан махфий бўлмас.

﴿عَلِمَ الْغَيْبِ لَا يَعْزُبُ عَنْهُ مِثْقَالُ ذَرَّةٍ فِي السَّمَوَاتِ وَلَا فِي الْأَرْضِ وَلَا أَصْغَرَ مِنْ ذَلِكَ وَلَا أَكْبَرَ إِلَّا فِي كِتَابٍ مُّبِينٍ﴾

«Ғайбни билгувчи (Парвардигорим)га қасамки, Осмонлар ва ердаги бир зарра мисоличалик, ундан ҳам кичик (ёки) катта бирон нарса (Аллоҳ)дан махфий бўлмас-албатта очик Китобда (яъни, Аллоҳнинг азалий ёзмиши — Лавҳулмаҳфузда у) мавжуд бўлур»»

[Сабаъ 3]

Ҳар бир ишдан хабардор бўлган қонун чиқарувчининг қонунчилигига бирон бир нуқсоннинг етиши мумкин эмас. Бундай нуқсон номукамаллилиги ва табиий ожизлиги туфайли инсонни эгаллаб олган билимсизлик ва нодонлик сабабли унинг қонунчилигида бўлиши мумкин. Аллоҳ Таолонинг мутлақ илми инсоннинг воқелигини ҳамда унга яроқли бўлган ва яроқли бўлмаган ишларни билишни ўз ичига олади.

﴿وَنَفْسٍ وَمَا سَوَّاهَا ﴿۱﴾ فَأَلْهَمَهَا فُجُورَهَا وَتَقْوَاهَا ﴿۲﴾ قَدْ أَفْلَحَ مَن زَكَّاهَا ﴿۳﴾ وَقَدْ خَابَ مَن دَسَّاهَا﴾

«Жонга ва уни расо қилиб-яратиб унга фисқ-фужурини ҳам, тақвосини ҳам илҳом қилиб-ўргатиб қўйган зотга қасамки. Дарҳақиқат уни (яъни ўз нафсини-жонини имон ва тақво билан) поклаган киши нажот топди. Ва у (жонни фисқ-фужур билан) кўмиб хорлаган кимса номурад бўлди»

[Шамс 7-10]

Қонуннинг инсон устидан ҳукмрон бўлиши

Адолатни рўёбга чиқарувчи қонунчиликнинг энг муҳим жиҳатларидан бири, унинг инсоният устидан ҳукмрон бўлишидадир. Бу эса, қонунчиликка рози бўлишни, уни табиий равишда татбиқ қилиб, бажаришни келтириб чиқаради. Ана шунда

қонун устуворлигини рўёбга чиқаришда моддий-куч, ҳокимиятга эҳтиёж тушмайди, фақат табиий равишда татбиқ қилинаётган қонунга айрим шахслар томонидан бўйсунмаслик ҳолатлари юзага келган пайтдагина моддий-куч, ҳокимиятга эҳтиёж сезилади. Исломда қонунчиликнинг манбаси Аллоҳ Таолодир. Яъни, тарбиятқунанда, илоҳ, мудаббир ва дунёю охиратнинг эгаси, тирилтирувчи ва ўлдирувчи ҳамда беҳисоб ризқ берувчи Аллоҳ – қонун чиқариш манбасидир. Аллоҳ Таоло бундай дейди.

﴿لَا يَلْفُ قُرَيْشٍ ﴿۱﴾ إِلَّا لَفِيهِمْ رِحْلَةَ الشِّتَاءِ وَالصَّيْفِ ﴿۲﴾ فَلْيَعْبُدُوا رَبَّ هَذَا الْبَيْتِ ﴿۳﴾ الَّذِي أَطْعَمَهُمْ مِنْ جُوعٍ وَآمَنَهُمْ مِنْ خَوْفٍ﴾

«Қурайшга осон қилиб қўйилгани – уларга қиш ва ёз сафари осон қилиб қўйилгани учунгина. Улар мана шу Уйнинг Парвардигорига ибодат қилсинлар! У зот уларни очликдан (қутқариб) таомлантирди ва хавфу хатардан тинч қилди»

[Қурайш 1-4]

﴿قُلِ اللَّهُمَّ مَلِكُ الْمَلِكِ نُورِي الْمَلِكِ مَنْ تَشَاءُ وَتَنْزِعُ الْمَلِكَ مِمَّنْ تَشَاءُ وَتُعِزُّ مَنْ تَشَاءُ وَتُذِلُّ مَنْ تَشَاءُ بِيَدِكَ الْخَيْرُ إِنَّكَ عَلَىٰ كُلِّ شَيْءٍ قَدِيرٌ ﴿۱﴾ تُولِجُ اللَّيْلَ فِي النَّهَارِ وَتُولِجُ النَّهَارَ فِي اللَّيْلِ وَتُخْرِجُ الْحَيَّ مِنَ الْمَيِّتِ وَتُخْرِجُ الْمَيِّتَ مِنَ الْحَيِّ وَتَرزُقُ مَنْ تَشَاءُ بِغَيْرِ حِسَابٍ﴾

«Айтинг: «Эй мулку давлат эгаси бўлган Аллоҳим, сен истаган кишингга мулк ато қилурсан ва истаган кишингдан бу мулкни тортиб олурсан, истаган кишингни азиз қилурсан ва истаган кишингни хор қилурсан. Бор яхшилик ёлғиз Сенинг қўлингдadir. Албатта Сен барча нарсага қодирсан. Кечани кундузга киритурсан ва кундузни кечага киритурсан, ўликдан тирикни чиқарурсан ва тирикдан ўликни чиқарурсан ҳамда истаган кишингга беҳисоб ризқ берурсан»

[Оли Имрон 26-27]

﴿فَلَا وَرَبِّكَ لَا يُؤْمِنُونَ حَتَّىٰ يُحَكِّمُوكَ فِيمَا شَجَرَ بَيْنَهُمْ ثُمَّ لَا يَجِدُوا فِي أَنفُسِهِمْ حَرَجًا مِّمَّا قَضَيْتَ وَيُسَلِّمُوا تَسْلِيمًا﴾

«Йўқ, Парвардигорингизга қасамки, то улар ўз ўрталарида чиққан келишмовчиликларда сизни ҳакам қилмагунларича ва кейин сиз чиқарган ҳукмдан дилларида ҳеч қандай танглик топмай, тўла таслим бўлмагунларича бўйсунмагунларича зинҳор мўмин бўла олмайдилар»

[Нисо 65]

Қонунчиликдаги масалалар

Ислом қонунчилигидан унинг буюклигини кўрсатадиган баъзи мисолларни кўриб чиқамиз ва буни аёллар ҳамда уларнинг ҳуқуқлари билан боғлиқ жуда кўп баҳс қилинган масалалардан бошлаймиз.

Ислом қонунчилигида аёл киши

Исломда қонун чиқарувчи – аёл кишига у эркак каби инсоннинг бир тури, деб қарайди. Шунингдек, унга фарзанд дунёга келтириб, икки йилгача эмизадиган она ва уй бекаси деб қарайди.

Исломнинг аёл кишига инсон ва инсоннинг бир тури, деб қарашига келсак, бу нарса хоҳ эркак, хоҳ аёл бўлишидан қатъий назар инсоннинг Парвардигори билан бўлган алоқасини тартибга солиб берганида кўриниб турибди. Бунда албатта, худди эркак киши устидан бўлгани каби аёл киши устидан бўлган ҳукмронлик ҳам қонун чиқарувчи-Аллоҳга хослаб қўйилган. Бу ҳақда Аллоҳ Таоло бундай дейди:

﴿مَنْ عَمِلَ صَالِحًا مِّن ذَكَرٍ أَوْ أُنثَىٰ وَهُوَ مُؤْمِنٌ فَلَنُحْيِيَنَّهٗ حَيٰوةً طَيِّبَةً وَلَنَجْزِيَنَّهُمْ أَجْرَهُم بِأَحْسَنِ مَا كَانُوا يَعْمَلُونَ﴾

«Эркакми ё аёлми-кимда-ким мўмин бўлган ҳолида бирон яхши амал қилса, бас, Биз унга покиза ҳаёт ато этурмиз ва уларни ўзлари қилиб ўтган амалларидан чиройлироқ ажр-савоблар билан мукофотлаймиз»

[Наҳл 97]

﴿إِنَّ الْمُسْلِمِينَ وَالْمُسْلِمَاتِ وَالْمُؤْمِنِينَ وَالْمُؤْمِنَاتِ وَالْقَنَاتِينَ وَالْقَنَاتِ وَالصَّادِقِينَ وَالصَّادِقَاتِ وَالصَّالِحِينَ وَالصَّالِحَاتِ وَالْخَالِصِينَ وَالْخَالِصَاتِ وَالْمُتَّصِدِّقِينَ وَالْمُتَّصِدِّقَاتِ وَالصَّاتِمِينَ وَالصَّاتِمَاتِ وَالْحَافِظِينَ فُرُوجَهُمْ وَالْحَافِظَاتِ وَالذَّاكِرِينَ اللَّهَ كَثِيرًا وَالذَّاكِرَاتِ أَعَدَّ اللَّهُ لَهُم مَّغْفِرَةً وَأَجْرًا عَظِيمًا﴾

«Албатта муслим ва муслималар, мўмин ва мўминалар, итоатгўй эркаклар ва итоатгўй аёллар, ростгўй эркаклар ва ростгўй аёллар, сабр-қаноат қилгувчи эркаклар ва сабр-қаноат қилгувчи аёллар, тавозеъли эркаклар ва тавозеъли аёллар, хайру садақа қилгувчи эркаклар ва хайру садақа қилгувчи аёллар, рўза тутгувчи эркаклар ва рўза тутгувчи аёллар, авратларини (ҳаромдан) сақлагувчи эркаклар ва (авратларини ҳаромдан) сақлагувчи аёллар, Аллоҳни кўп зикр қилгувчи эркаклар ва (Аллоҳни кўп) зикр қилгувчи аёллар – улар учун Аллоҳ мағфират ва улўф мукофот (яъни жаннат) тайёрлаб қўйгандир»

[Аҳзоб 35]

Қонун чиқарувчи икки жинснинг бир-бири билан бўлган алоқасини турмуш қуриш алоқаси қилиб белгилади. Ушбу алоқага

алоқадор бўлган қонунлардан кўзланган ғояни эркак ва аёл ўртасида инсон зотининг давом этишига қаратди. Турмуш қуришни алоқанинг ўзаги қилиб белгилади ва турмуш қуриш орқали инсон зотининг давом этишига тўсиқ бўладиган ҳар қандай алоқани тақиқлади. Зинони, зинога олиб борадиган ёки унга бошлайдиган барча ишларни тақиқлади. Эркак ва аёлнинг эҳтиёжсиз аралашини тақиқлади. Аёлга жозибали жойларини ёпишни фарз қилди. Шундай қилиб, аёлга ва унинг эркак киши билан бўлган алоқасига алоқадор қонунларнинг барчаси инсон навининг муқаррар давом этишига олиб келади. Инсон навини давом эттириш ҳам эркак, ҳам аёлнинг туғма ғаризасидир. Яна шундай тақиқлардан бири гомосексуализмнинг тақиқланишидир.

Аммо, кўплаб скептиклар (ҳар нарсага ишончсизлик билан қаровчилар) гапириб ўтган Ислом қонунчилигидаги мерос масаласига келсак, Ислом аёлни, яъни қиз, хотин, она ва баъзан сингил (опа)ни мерос олишга ҳақли қилди. Ислом аёл учун маълум бир меросни қонуний қилиб белгиланган пайтда, дунёдаги барча маълум қонунлар меросда аёлга маълум улуш белгиламаганлигини ва буни мерос қолдирувчининг иродасига ташлаб қўйганини кўради. Шунинг учун бошқа қонунларда мерос бериш ва бермаслик ҳуқуқи мерос қолдирувчиникидир. Бошқа томондан, Исломда қонун чиқарувчи мерос қонунларини белгилаётган пайтда бир вақтнинг ўзида икки масалага қарайди. Биринчи масала: Аёл оиланинг бир бўлаги ва ижтимоий алоқада икки хил жинсдаги инсон навининг биридир. Шунинг учун Ислом аёлга меросда ҳақ ва улуш белгилади. Иккинчи масала, бойликнинг тақсимланиши масаласидир, унинг баҳс ўрни иқтисодий алоқада ва иқтисодий муаммони ҳал этишда бўлади. Мерос қонунлари жамиятда бойликни табиий равишда тақсимлаш воситаларидан биридир. Шу нуқтаи назардан, аёлнинг нафақадаги ва бошқаларга сарф қилишдаги масъулияти эркак кишининг масъулиятдан озроқдир. Бинобарин, Ислом қонунчилиги белгиланган тартибда бойликнинг тақсимланишида, аёлнинг инсоний сифати ҳисобга олинган ҳолда, унга бойликдан улуш белгиланган. Аёл иқтисодий низомнинг бир бўлаги деган эътиборда, Ислом унга эркак кишининг улушидан озроқ улуш белгиланган. Чунки эркак киши нафақадан масъулдир... Ислом қонунчилигининг буюклиги мана шундадир.

Иқтисодга алоқадор қонунчилик

Ислом қонунчилигининг буюклигидаги энг муҳим жиҳатлардан бири иқтисодга ва пулга алоқадор қонунлардир. Яъни, барча қонунчилик инсоннинг ўзи, эҳтиёжлари, ғаризалари ва меҳнатга бўлган интилишлари билан боғлиқ асосий муаммоларни ҳал

қилади. Фақатгина унинг хатти-ҳаракатларини бошқариб турувчи қонунлар тўпламигина эмас. Жамиятда емоқ-ичмоқ, кийиниш ва уй-жой каби асосий эҳтиёжлари қондирилмаган бирон бир одам қолмаслиги учун, бу қонунлар индивидуал қашшоқликни ҳал қилишга қаратилган. Росулulloҳ ﷺнинг

«وَأَيُّمَا أَهْلٍ عَرَصَةٍ أَصْبَحَ فِيهِمْ أَمْرٌ جَائِعٌ فَقَدْ بَرَأَتْ مِنْهُمْ ذِمَّةُ اللَّهِ تَعَالَى»

«Ораларида оч киши бўла туриб, тўқ ҳолда тонг оттирган ҳовли эгаларидан Аллоҳнинг зиммаси кўтарилган бўлади», деган ҳадислари ҳамда

«مَنْ أَصْبَحَ مِنْكُمْ آمِنًا فِي سِرْبِهِ مُعَاقٍ فِي جَسَدِهِ عِنْدَهُ قُوْتُ يَوْمِهِ فَكَأَنَّمَا حَبِزَتْ لَهُ الدُّنْيَا»

«Қай бирингиз оиласида тинч ва тани саломат ҳолда тонг оттирса ва бир кунлик озуқаси бўлса, гўё унга бутун дунё тўплаб берилибди», деган ҳадислари Ислом ва унинг қонунлари ҳар бир шахснинг хавфсизлиги, озиқ-овқати, кийим-кечаги ва саломатлигини таъминлашга қаратилганига далолат қилади. Бинобарин, иқтисодий жиҳатдан Ислом қонунчилиги шариат белгиланган асосий муаммони ҳал этишга қаратилган. Буни баён қилиш учун иқтисодга алоқадор бўлган қонунлардан мисоллар келтирамиз. Бу мисоллар Исломда қонунчилик демократик ва фуқаролик давлатларидаги мавжуд қонунларда бўлгани каби шахсий хатти-ҳаракатларга эмас, балки иқтисодий муаммонинг асосига қаратилганини тушунтиради.

Умумий мулк ва давлат мулки

Бадр жангида Аллоҳ мусулмонларни ғалаба билан сийлаб, мусулмонлар кўп ўлжаларни қўлга киритганларидан кейин, янги барпо бўлган Ислом давлатида биринчи марта ўлжалар масаласи пайдо бўлди. Мусулмонлар Росулulloҳ ﷺдан ўлжаларнинг тақсимланиши ҳақида сўраб келдилар. Шунда ўлжаларни тақсимлаш қонуни қуйидаги тарзда бўлди:

﴿يَسْأَلُونَكَ عَنِ الْأَنْفَالِ قُلِ الْأَنْفَالُ لِلَّهِ وَالرَّسُولِ فَأَتَقُوا اللَّهَ وَأَصْلِحُوا ذَاتَ بَيْنِكُمْ وَأَطِيعُوا

اللَّهِ وَرَسُولَهُ إِن كُنْتُمْ مُؤْمِنِينَ﴾

«(Эй Муҳаммад), Сиздан ўлжалар ҳақида сўрайдилар. Айтинг: «Ўлжалар Аллоҳ ва пайғамбарникидир. Бас, Аллоҳдан қўрқингиз ва ўз ораларингизни ўнглангиз! Агар мўмин бўлсангизлар, Аллоҳ ва Унинг пайғамбарига бўйсунингиз!»

[Анфол 1]

Росулulloҳ ﷺ ҳоким ва давлат бошлиғи деган эътиборда ўлжаларнинг давлат мулки эканлигини баён қилдилар ва ўлжаларни тақсимлаш жараёни тафсилотини давлатнинг ўзига қолдирдилар. Сўнгра Ҳашр сурасида ер каби кўчмас ўлжаларга

алоқадор қонун келди ва ер асрлар давомида мусулмонларнинг умумий мулки бўлиб қолиши белгиланди. Бундай қонуннинг сабаби бойликнинг кам сонли бойлар қўлида тўпланиб қолмаслиги эканлиги баён қилинди. Шундай қилиб, қонунчилик бойликнинг тақсимланиши муаммосига, унинг кам сонли одамлар қўлида чекланиб қолмаслигига ва муомалада айланишига эътиборни қаратди. Аллоҳ Таоло айтади:

﴿مَّا أَفَاءَ اللَّهُ عَلَى رَسُولِهِ مِنْ أَهْلِ الْقُرَىٰ فَلِلَّهِ وَلِلرَّسُولِ وَلِذِي الْقُرْبَىٰ وَالْيَتَامَىٰ وَالْمَسْكِينِ وَابْنِ السَّبِيلِ كَيْ لَا يَكُونَ دُولَةً بَيْنَ الْأَغْنِيَاءِ مِنْكُمْ وَمَا ءَاتَاكُمُ الرَّسُولُ فَخُذُوهُ وَمَا نَهَاكُمْ عَنْهُ فَانْتَهُوا وَاتَّقُوا اللَّهَ إِنَّ اللَّهَ شَدِيدُ الْعِقَابِ﴾


«Аллоҳ қишлоқ-шаҳарларнинг (кофир) аҳолисидан Ўз пайғамбарига ўлжа қилиб берган нарсалар — токи сизлардан бой-бадавлат кишилар ўртасидагина айланиб юраверадиган нарса бўлиб қолмасин учун — Аллоҳники, пайғамбарники ва (пайғамбарнинг) қариндош-уруғлари, етимлар, бечора-мискинлар ва йўловчи-мусофирларникидир. Пайғамбар ўзи сизларга ато этган нарсани олинглар, у зот сизларни қайтарган нарсадан қайтинглар ва Аллоҳдан қўрқинглар! Албатта Аллоҳнинг жазоси қаттиқдир» [Ҳашр 7]

Сўнгра бунинг ортидан, уруш орқали Ислом диёрига қўшиб олинган ерга бутун Ислом Умматининг эгалик қилиши баён қилинди. Иш эгаси ва мусулмонлар ишини бошқарувчи деган эътиборда, бундан ҳоким жавобгар бўлиши белгиланди. Аллоҳ Таоло айтади:

﴿لِلْفُقَرَاءِ الْمُهَاجِرِينَ الَّذِينَ أُخْرِجُوا مِنْ دِيَارِهِمْ وَأَمْوَالِهِمْ يَبْتَغُونَ فَضْلًا مِنَ اللَّهِ وَرِضْوَانًا وَيَنْصُرُونَ اللَّهَ وَرَسُولَهُ أُولَٰئِكَ هُمُ الصَّادِقُونَ ﴿٦٠﴾ وَالَّذِينَ تَبَوَّءُوا الدَّارَ وَالْإِيمَانَ مِنْ قَبْلِهِمْ يُحِبُّونَ مَنْ هَاجَرَ إِلَيْهِمْ وَلَا يَجِدُونَ فِي صُدُورِهِمْ حَاجَةً مِمَّا أُوتُوا وَيُؤْثِرُونَ عَلَىٰ أَنْفُسِهِمْ وَلَوْ كَانَ بِهِمْ خَصَاصَةٌ وَمَنْ يُوقِ شُحَّ نَفْسِهِ فَأُولَٰئِكَ هُمُ الْمُفْلِحُونَ ﴿٦١﴾ وَالَّذِينَ جَاءُوا مِنْ بَعْدِهِمْ يَقُولُونَ رَبَّنَا اغْفِرْ لَنَا وَلِإِخْوَانِنَا الَّذِينَ سَبَقُونَا بِالْإِيمَانِ وَلَا تَجْعَلْ فِي قُلُوبِنَا غِلًّا لِلَّذِينَ ءَامَنُوا رَبَّنَا إِنَّكَ رَءُوفٌ رَحِيمٌ﴾

«Улардан (муҳожирлардан) илгари (Мадина) диёрига ўрнашган ва иймон-эътиқодни (маҳкам ушлаган) зотлар (ансорлар) эса ўзлари(нинг ёнлари)га ҳижрат қилиб келган кишиларни суюрлар ва дилларида уларга (муҳожирларга) берилган нарса-ўлжалар сабабли бирон ҳасад туймаслар

ҳамда гарчи ўзларида эҳтиёж бўлса-да, ўзларини қўйиб (ўзгаларни) ийсор-ихтиёр қилурлар. Кимки ўз нафсининг бахиллигидан сақлана олса, бас, ана ўшалар нажот топгувчи зотлардир. Улардан кейин (дунёга) келган зотлар айтурлар: «Парвардигоро, Ўзинг бизларни ва бизлардан илгари иймон билан ўтган зотларни мағфират қилгин ва қалбларимизда иймон келтирган зотлар учун бирон ғилли-ғаш қилмаган. Парвардигоро, албатта Сен меҳрибон ва раҳмлидирсан»» [Ҳашр 9-10]

Мўминлар амири Умар  ушбу оятлар уруш орқали эгалланган ер бутун муслмонларники эканлигига далолат қилишини тушуниб, савод ерининг (Ироқдаги деҳқончилик ерлари) алоҳида муслмонларга тақсимланишини рад этди.

Шундай қилиб, Ислом қонунчилиги – гарчи муайян хатти-ҳаракатлар қонунчиликнинг бир қисми бўлса-да – қонунчилик ушбу хатти-ҳаракатларга қаратилмаганини кўраимиз. Аксинча, Ислом қонунчилиги инсоннинг озиқ-овқатга, яшаш жойга, дори-дармонга бўлган эҳтиёжи, шунингдек, жамиятга ва жамиятнинг бир бўлаги деган эътиборда одамлар уни баҳам кўрадиган умумий мулк каби жамият таянчларига ёки одамларнинг ишларини бошқарувчи давлатга бўлган эҳтиёжи каби инсонининг асосий масаласига қаратилган.

Асирлар

Ислом қонунчилиги ўлжалар ва умумий мулк аҳкомларини белгилаганидек, урушда ҳибсга олинадиган асирга оид ҳукми ҳам белгилади. Аллоҳ Таоло айтади:

﴿فَإِذَا لَقِيتُمْ الَّذِينَ كَفَرُوا فَضَرْبَ الرِّقَابِ حَتَّىٰ إِذَا أَخْنَثْتُمْهُمْ فَشُدُّوا الرِّبَاطَ فَإِمَّا مَنَّا بَعْدُ وَإِمَّا فِدَاءً حَتَّىٰ تَضَعَ الْحَرْبُ أَوْزَارَهَا ذَٰلِكَ وَلَوْ يَشَاءُ اللَّهُ لَانتَصَرَ مِنْهُمْ وَلَكِن لِّيَبْلُوَ بَعْضَكُمْ بِبَعْضٍ﴾

«Бас, (эй мўминлар), қачон сизлар (жанг майдонида) кофир бўлган кимсалар билан тўқнашганларингизда бўйинларига урингиз-ўлдилингиз! Энди қачон уларни мағлуб қилсангиз, (асир олиб) арқонлар билан боғлангиз! Сўнг ё (уларни озод қилиб юбориш билан) марҳамат кўрсатурсизлар ё (уларни қўйиб юбориш учун) фидя-товон олурсизлар, Токи уруш юқларини қўйгунича (яъни тўхтагунича сизларга буюрилган иш) мана шудир. Агар Аллоҳ хоҳласа улардан (жанг-жадалсиз ҳам) ғолиб бўлур (яъни уларни йўқ қилиб юборур) эди, лекин У зот сизларнинг айримларингизни айримларингиз билан имтиҳон қилиш учун (сизларни жангга буюрди)» [Мухаммад 4]

Демак, шариат баён қилмоқдаки, урушдан кўзланган ғоя душманни қирғин қилиш ва фуқароларини бирма-бир йўқ қилиш эмас, балки нусрат ва ғолибликни қўлга киритишдир. Қачон оятда айтилган (الإِثْحَان) мағлуб қилиш)га эришилса, асирга олиш керак бўлади. Ушбу ҳолатда асир ё ҳеч бир эвазсиз марҳамат кўрсатиб озод қилинади ёки фидя (тўлов) эвазига озод қилинади. Демакки, асирга олишга асосий сабаб, уруш ва жангдан кўзланган ғояни қонунийлаштиришдир, одамларни йўқ қилиш, қирғин қилиш, ёқиш ва уларнинг ҳаётларини барбод қилиш эмас. Кўплаб ҳадисларда бу ҳақда батафсил маълумот берилган.

«كَانَ رَسُولُ اللَّهِ ﷺ إِذَا أَمَرَ أَمِيرًا عَلَى جَيْشٍ، أَوْ سَرِيَّةٍ، أَوْ صَاهُ فِي حَاصَّتِهِ بِتَقْوَى اللَّهِ، وَمَنْ مَعَهُ مِنَ الْمُسْلِمِينَ خَيْرًا، ثُمَّ قَالَ: اغْرُؤْ بِاسْمِ اللَّهِ، فِي سَبِيلِ اللَّهِ، قَاتِلُوا مَنْ كَفَرَ بِاللَّهِ، اغْرُؤْ وَلَا تَعْلُؤْ، وَلَا تَغْدِرُوا، وَلَا تَمْتَلُوا، وَلَا تَقْتُلُوا وَلِيدًا»

«Агар Росулulloҳ ﷺ бирон бир қўшин ёки отрядга амир таъйин этсалар, хоссатан унинг ўзига Аллоҳдан тақво қилишни ва амир билан бирга бўлган мусулмонларга эса, яхшиликни тавсия этиб, бундай дер эдилар: Аллоҳнинг номи билан, Унинг йўлида ғазот қилинглар ва Аллоҳга кофир бўлган кимсаларга қарши жанг қилинглар. Ғазот қилинглар, хиёнат қилманглар, (оғир қийноққа солиб) жазоламанглар ва ёш болани ўлдирманглар».

Судхўрлик ҳамда бойликни хазина қилиб тўплаш

Ислом қонунчилигидаги энг буюк қонунлардан бири судхўрликка ва бойликни хазина қилиб тўплашга алоқадор қонундир. Судхўрликнинг ҳаром қилиниши пулни унинг ўзи билан ўстиришни ҳаром қилишга қаратилган. Шунинг учун, ишлаб чиқаришсиз пулнинг ёлғиз ўзини бу тарзда ўстириш жоиз эмас. Судхўрлик пулни пул бил билан кўпайтириш воситаларидан биридир. Аллоҳ Таоло Рум сурасида бундай дейди:

﴿وَمَا آتَيْتُمْ مِّن رَّبٍّ لَّيْرَبُوءٍ فِي أَمْوَالِ النَّاسِ فَلَا يَرْبُوءُ عِنْدَ اللَّهِ وَمَا آتَيْتُمْ مِّن زَكَاةٍ تُرِيدُونَ وَجْهَ اللَّهِ فَأُولَٰئِكَ هُمُ الْمُضْعِفُونَ﴾

«Сизлар одамларнинг моллари ичида зиёда бўлиб (қайтиши) учун берган судхўрлик-фойдахўрликдан иборат бўлган пул-молларингиз Аллоҳ наздида зиёда (савоб) олишингизга сабаб бўлмас. Аллоҳнинг юзини-розилигини истаб ато этган закотдан иборат бўлган нарсаларингиз, бас ана ўша (закот бергувчи кишилар ажру-савобларини) бир неча баробар қилиб олгувчилардир»

[Рум 39]

Бундай қонун иқтисоддаги иккита асосий масалани ҳал этади. Уларнинг бири пул сабабсиз кўпайиб кетмаслиги учун пул барқарорлигининг таъминланишидир. Иккинчиси, ишлаб чиқариш жараёни барқарорлигининг таъмин этилишидир. Чунки пулни ўстиришнинг бирдан-бир йўли ишлаб чиқаришдир. Айти пайтда, бундай қонун пулнинг хазина қилиб тўпланишини ҳаром қилади. Яъни, жамиятда ишлаб чиқаришни тўхтатиб қўядиган иккинчи воситанинг тақиқланишидир. Бу восита пулни хазина қилиб тўплаб, ишлаб чиқариш циклидан чиқаришдир.

Бошқарувга алоқадор қонун

Ислом қонунчилигининг буюклиги бошқарувга алоқадор қонунда ҳам кўринади. Бошқарувда қонунчилик иккита асосий масалага қаратилади. Уларнинг биринчиси – ҳукмронлик, иккинчиси – бошқарув. Ҳукмронлик ҳуқуқи, мартабаси қандай бўлишдан қатъий назар, инсонга берилмайди. Қонуни рад этилмайдиган, ҳукмронлик ҳуқуқига эга бўлган ва мутлақ итоат қилинадиган Зот Аллоҳ Таолодир. Бинобарин, Ислом қонунчилиги давлатдаги ҳар қандай шахснинг, у қандай мақомга эга бўлишдан қатъий назар, дахлсизлиги ва ҳимоясини бекор қилди. Шунинг учун ҳеч ким, шу жумладан, халифа, Уммат мажлиси ва бошқалар қонун доирасидан ташқарида бўлмайди. Аллоҳ Таоло айтади:

﴿إِنَّ أَحْكُمْ إِلَّا لِلَّهِ يَفُضُّ الْحَقُّ وَهُوَ خَيْرُ الْفَاصِلِينَ﴾

«Ҳукм қилиш фақат Аллоҳнинг ўзига хосдир. У фақат ҳақни сўйлар. У (ҳақ билан ноҳақни) ажратгувчиларнинг энг яхшисидир» [Анъом 57]

﴿مَا تَعْبُدُونَ مِنْ دُونِهِ إِلَّا أَسْمَاءَ سَمَّيْتُمُوهَا أَنْتُمْ وَءَابَاؤُكُمْ مِمَّا أَنْزَلَ اللَّهُ بِهَا مِنْ سُلْطَانٍ إِنَّ

أَحْكُمْ إِلَّا لِلَّهِ أَمَرَ أَلَّا تَعْبُدُوا إِلَّا إِيَّاهُ ذَلِكَ الدِّينُ الْقَيِّمُ وَلَكِنَّ أَكْثَرَ النَّاسِ لَا يَعْلَمُونَ﴾

«Сизлар эса, У зотни кўйиб, ўзларингиз ва ота-боболарингиз атаб олган номлар-бутларгагина ибодат қиласизлар. Ахир Аллоҳ уларга (ибодат қилиш ҳақида) бирон ҳужжат туширмаган-ку? Ҳукм-ҳокимлик фақат Аллоҳникидир. У зот сизларни фақат ўзигагина ибодат қилишга буюргандир. Энг тўғри дин мана шудир. Лекин одамларнинг кўплари буни билмайдилар» [Юсуф 40]

Аммо ҳокимга келсак, у ишларни бошқарадиган ва ушбу бошқарув устида муҳосаба қилинадиган бошқарувчидир. Росулulloҳ ﷺ айтадилар:

﴿الْإِمَامُ رَاعٍ وَهُوَ مَسْئُولٌ عَنْ رَعِيَّتِهِ﴾

«Имом бошлиқдир ва у қўли остидагилардан жавобгардир».

Маъқал ибн Ясордан ривоят қилинган ҳадисда у айтади: Мен Росуллulloҳ ﷺ нинг бундай деб айтганларини эшитдим:

«مَا مِنْ عَبْدٍ يَسْتَرْعِيهِ اللَّهُ رَعِيَّةً يَمُوتُ يَوْمَ يَمُوتُ وَهُوَ غَاشٌّ لِرَعِيَّتِهِ إِلَّا حَرَّمَ اللَّهُ عَلَيْهِ الْجَنَّةَ»

«Аллоҳ бирон бир бандага халқни бошқариш ваколатини берса ва у ўлган кунда халқига хиёнат қилган ҳолда ўлса, Аллоҳ унга жаннатни ҳаром қилади». Ҳоким фақат Аллоҳнинг шариати билан бошқаради, халқига маслаҳат беради, уларни мудофаа қилади ва бойликларини ҳимоя қилади. Абу Ҳурайра ривоят қилган ҳадисда Росуллulloҳ ﷺ айтадилар:

«إِنَّمَا الْإِمَامُ جُنَّةٌ يُقَاتِلُ مِنْ وِرَائِهِ وَيُتَّقِي بِهِ، فَإِنِ أَمَرَ بِتَقْوَى اللَّهِ وَعَدَلَ، فَإِنَّ لَهُ بِذَلِكَ أَجْرًا، وَإِنِ أَمَى بَعْرِهِ فَعَلَيْهِ إِثْمُهُ»

«Имом ортида туриб жанг қилинадиган ва у билан ҳимояланиладиган қалқондир. Агар у Аллоҳдан тақво қилишга буюриб адолат қилса, бунинг учун ажр олади ва агар бундан бошқача иш тутса, гуноҳи ўзининг зиммасига тушади».

Иш эгасига итоат қилиш – иш эгасининг Аллоҳга итоат қилишига боғлиқдир, ҳар бир нарсада мутлақ итоат қилинмайди. Ҳоким билан маҳкум ўртасида можаронинг келиб чиқиши юз бериши мумкин бўлган ишдир ва уни ҳал этишнинг ўз йўли бор. Шунинг учун дунёдаги демократик давлатларда бўлгани каби, можаро ҳокимнинг ваколати тугагунига қадар ташлаб қўйилмайди, аксинча, можаро кечиктирмасдан ҳал этилади. Аллоҳ Таоло айтади:

﴿يَا أَيُّهَا الَّذِينَ ءَامَنُوا أَطِيعُوا اللَّهَ وَأَطِيعُوا الرَّسُولَ وَأُولِي الْأَمْرِ مِنْكُمْ فَإِن تَنَزَعْتُمْ فِي شَيْءٍ فَرُدُّوهُ إِلَى اللَّهِ وَالرَّسُولِ إِن كُنتُمْ تُؤْمِنُونَ بِاللَّهِ وَالْيَوْمِ الْآخِرِ ذَلِكَ خَيْرٌ وَأَحْسَنُ تَأْوِيلًا﴾

«Эй мўминлар, Аллоҳга итоат қилингиз ва пайғамбарга ҳамда ўзларингиздан бўлган (яъни мусулмон) ҳокимларга бўйсунингиз! Бордию бирон нарса ҳақида талашиб қолсангиз, – агар ҳақиқатан Аллоҳга ва охират кунига ишонсангиз – у нарсани Аллоҳга ва пайғамбарига қайтарингиз! Мана шу яхшироқ ва чиройлироқ ечимдир»

[Нисо 59]

Ушбу оятларда қонунчиликнинг манбаи Аллоҳ Таоло эканлиги таъкидланади. Бу масалада ҳоким ноиб қилинган, у Аллоҳ Таолонинг олдида жавобгардир ва одамлар уни бунинг устида муҳосаба қилдилар. Иш эгаси билан одамлар ўртасидаги алоқага тааллуқли барча аҳкомларда мана шу ҳақиқатлар кўзда тутилган. Булар мутлақ ҳукмронлик ва халқнинг тўлиқ бошқаруви Аллоҳ

Таолога хос эканлигига оид ҳақиқатдир. Бу жиҳатдан Ислом қонунчилигининг буюклиги шундаки, у ҳукмронлик ва бошқарув ҳуқуқини баён қилиш билан кифояланмайди, балки ушбу бошқарув моҳиятини сақлаб қолишнинг аниқ механизмини яратиш устида ишлайди. Шунинг учун сиёсий ҳизбларни ташкил этиш талаб қилинади. Бу ҳизбларнинг вазифаси ҳокимни муҳосаба қилиш ва уни ҳаққа тўлиқ эгишдир. Аллоҳ Таоло айтади:

﴿وَلَتَكُنَّ مِنْكُمْ أُمَّةٌ يَدْعُونَ إِلَى الْخَيْرِ وَيَأْمُرُونَ بِالْمَعْرُوفِ وَيَنْهَوْنَ عَنِ الْمُنْكَرِ وَأُولَئِكَ هُمُ الْمُفْلِحُونَ﴾

«Ораларингиздан яхшиликка (Исломга) даъват қиладиган, маъруфга буюриб, мункардан қайтарадиган бир жамоат бўлсин. Ана ўшалар нажот топгувчилардир» [Оли Имрон 104] Росуллуллоҳ ﷺ айтадилар:

«كَلَّا، وَاللَّهِ لَتَأْمُرَنَّ بِالْمَعْرُوفِ، وَلَتَنْهَوْنَ عَنِ الْمُنْكَرِ، وَلَتَأْخُذَنَّ عَلَيَّ يَدِ الظَّالِمِ، وَلَتَأْطِرُنَّهُ عَلَيَّ الْحَقَّ أَطْرًا، وَلَتَقْصُرُنَّهُ عَلَيَّ الْحَقِّ قَصْرًا، أَوْ لَيُضْرِبَنَّ اللَّهُ بِقُلُوبِ بَعْضِكُمْ عَلَى بَعْضٍ، ثُمَّ لَيَلْعَنَنَّكُمْ كَمَا لَعَنَهُمْ»

«Йўқ, Аллоҳга қасамки, сизлар маъруфга буюриб, мункардан қайтарасизлар, золимнинг қўлидан ушлаб, уни мажбуран ҳаққа бўйсундириб, ҳаққа чеклаб қўясизлар ёки Аллоҳ айримингиз билан айримингизнинг дилларига зарба беради кейин сизларни ҳам Бану Исроилни лаънатлаганидек лаънатлайди». Бу ҳадисни Абу Довуд ва Термизий ривоят қилган. Абу Бакр رضي الله عنهдан ривоят қилинган ҳадисда у айтади: Мен Росуллуллоҳ صلى الله عليه وسلمнинг бундай деб айтганларини эшитдим:

«إِنَّ النَّاسَ إِذَا رَأَوْا الظَّالِمَ فَلَمْ يَأْخُذُوا عَلَيَّ يَدِيهِ أَوْشَكَ أَنْ يَعْمَهُمُ اللَّهُ بِعِقَابٍ مِنْهُ»

«Агар одамлар золимни кўрсалару, уни қўлидан ушлаб, тўхтатиб қолмасалар, Аллоҳ уларнинг ҳаммаларига азоб юбориши мумкин бўлади». Бу ҳадисни Абу Довуд, Термизий ва Насоййлар саҳиҳ санадлар билан ривоят қилганлар.

Ушбу қонунчиликларнинг барчасидан кўриниб турибдики, ҳукмдор, яъни иш эгаси ўз қўл остидагилардан жавобгар-бошлиқдир. У Аллоҳнинг бандалари ичида Аллоҳнинг халифаси ва шариат устида ишончли вакилдир. Шунинг учун у миллиардлаб динорларни тўплаш билан шуғулланмайди, ҳукмронлигининг давом этишини ва ҳокимиятни ўз фарзандларига мерос қилиб қолдиришини кафолатлайдиган қонунларни чиқармайди. Чунки давлат унинг, фарзандларининг ва тарафдорларининг шахсий

томорқаси эмас. Балки, давлат барча одамлар ишларини қонунчиликка мувофиқ бошқарувчи муассасадир. Бу қонунчилик эса, қонун чиқаришга ёлғиз ўзи ҳақли зот томонидан белгиланган. Яъни, қонунчилик бу борада инсоннинг истак-майли аралаша олмайдиган ҳамда У билан бандалари ўртасида ҳеч қандай насаб ва қариндошлик бўлмаган зот томонидан чиқарилган.

Жазолар

Ислом қонунчилигининг мумтоз буюкликларидан бири жазолар низомидир. Исломдаги жазолар низоми одамларни қонунларни бузишдан тўхтатувчи, шунингдек, қонунлар бузилишига сабаб бўлган нарсаларни тузатувчи низом сифатида келган. Ушбу қонунчилик ақидага ва Аллоҳ Таолога бўлган имонга ҳамда Аллоҳнинг қонунчиликда ягона ҳуқуқ берувчи тарбиятқунандалигига ҳамоҳанг равишда келган. Бу эса, қонунчиликка қалблар устидан ўзига хос ҳукмронликни беради, ўз навбатида, бу нарса қонун ва аҳкомларга табиий ва автоматик тарзда риоя қилишга олиб боради. Шу билан бирга, Ислом қонунчилигида қонунни бузувчилар ҳам бўлиши, улар қонунчиликнинг қалблар устидаги ҳукмронлигини маълум бир босқичда унутишгани ҳам эътироф этилган. Шунинг учун Ислом қонунчилиги айни кимсаларни қонунбузарлик ва исёндан тийиб қўйиш учун келган ҳамда уларнинг исёнлари сабабли келиб чиқадиган бировларга етадиган моддий зарарни ёки охиратдаги жазони қоплаш учун ишлаб чиқилган.

Демак, қонун чиқарувчи нав ғаризасини сақлаб қолишга олиб борадиган қонун ва аҳкомларни эълон қилган пайтда, никоҳ, кийиниш, аралашуш, хилват, қариндошлик алоқалари, нафақа аҳкомлари ва булардан бошқа инсон навини сақлайдиган қатъий қонунларни белгилади. Шу билан бирга ушбу қатъий низомни бузишга ҳаракат қиладиган ҳар қандай кишини тўхтатиб қолувчи қонунларни ҳам белгилади. Шунинг учун зино ва бесоқолбозликка қаттиқ жазо қўллаш ҳамда бу жазоларнинг қаттиқ шароитларда амалга ошириш шарт қилинди. Жазо қаттиқ ва тийиб қўювчи жазо бўлиши билан бирга, гуноҳни содир этган киши агар тавба қилса, гуноҳнинг ўрнини қопловчи жазо ҳамдир.

Қонун чиқарувчи барча турдаги мулкларни, яъни хусусий мулк, давлат мулки ва умумий мулк каби турларни ҳимоя қилиш учун аҳком ва қонунларни белгилади. Ушбу қонунлар ҳар бир синфга ўзи ҳақли бўлган мулкларга эга бўлиш имконини беради. Кейин, ушбу мулкларга ҳужум қилиш, ўғирлаш ёки бузиш орқали тажовуз қилганларни тўхтатиб қолиш учун қаттиқ қонунларни белгилади. Масалан, ўғирликнинг жазоси биринчи навбатда тўхтатиб қолади, кейин, агар бошқалар мулкига тажовуз қилган киши жазо ортидан

тавба қилса, жиноятнинг ўрнини қоплайди. Бу – тажовуз қилган кишини тавба қилишга ва яна қайтиб бошқалар ҳаққига тажовуз қилмасликка ундайди. Ҳозирги жамиятлар аҳволини кузатган кишига сир эмаски, ўғри яна қайта ўғирлик қилади, қотил яна қайта қотилликка қўл уради. Бунинг далили шуки, хавфсизлик хизмати ходимлари тажовуз масаласига дуч келганларида, биринчи бўлиб такрор жиноят қилувчиларни терговга чақиришади. Аммо Ислом қонунчилигида эса, қонунбузарлик сабаблари ҳақида эсга тушадиган охириги нарса такрор жиноят қилувчилардир. Чунки Исломдаги жазо жиноятдан тўхтатувчи ва уни тузатувчи жазодир. Шунинг учун жиноят содир этган киши агар жиноятдан тийилса, жинояти албатта тузатилишини тушунади.

Шундай қилиб, барча жазо аҳкомлари шахс ва жамоат ишларини бошқаришга алоқадор бўлган қонунларни тўлдиради ва улар бошқа қонунларга мос келмайдиган даражада уйғунсиз ва қарама-қарши бўлмайди. Масалан, Ислом қонунчилиги умумий мулк, мерос, нафақа, меҳнат ва булардан бошқа йўллар орқали бойликни тақсимлашга алоқадор аҳкомлар билан шахсдаги бақо ғаризасини тўлиқ ҳимоя қилади. Бунинг учун, инсоннинг ҳаёти ёки мулкига тажовуз қилиш орқали унинг бақосига тажовуз қилган кишига кескин жазо чоралари қўлланади. Нав ва тадайюн ғаризаси ҳам шу тарзда ҳимоя қилинади. Шундай қилиб, Ислом инсоннинг эҳтиёжлари ва ғаризаларига алоқадор бўлган асосий муаммосини ҳал қиладиган, шунингдек, унинг ҳуқуқларига тажовуз қилинишини олдини оладиган қонунларни белгилади.

Хотиما

Ўтмишда Исломнинг тарқалиши, давлат майдонининг кенгайиши ва одамларнинг динга тўп-тўп бўлиб кириб келишининг энг муҳим сирларидан бири одамларнинг Ислом қонунлари адолатини тўғридан-тўғри ҳис қилишларидир. Бу адолат ёзилган назария, сўзланадиган нутқ ва тантанали йиғилишларда ўқиладиган ижодий сўзлар эмас, балки бошдан кечирган киши ҳис қиладиган, излаган киши топа оладиган аниқ нарса эди. Кисронинг элчиси Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳунинг бошқарувини сифатлаб «Сен ҳукм қилар экансан, адолат қилиб, хавфсизликни таъминладинг. Мана энди, хотиржам ухлаяпсан», деган. Шаҳарлар фатҳ қилинганида, одамлар мусулмонларнинг қўшинларидан қочмадилар, аксинча, уларни олқиш билан кутиб олдилар. Чунки уларнинг адолати ҳақидаги хабар отларидан олдин етиб келган ва Ислом қонунчилиги ҳис қилинган воқеликка, намунага айланган эди.

Бинобарин, Ғарб ва унинг издошлари Исломга зиён етказишга ёки уни кўрқинчли ва адолатсиз қилиб кўрсатишга ҳар қанча уринишмасин, Ислом буюк бўлиб қолаверади. У ҳар қандай

золимга, мутакаббир кофирга ва ақли тошдек қотган жоҳилга қарши туришда давом этади. Аллоҳ Таоло айтади:

﴿يَا أَيُّهَا الَّذِينَ ءَامَنُوا كُونُوا قَوَّامِينَ بِالْقِسْطِ شُهَدَاءَ لِلّٰهِ وَلَوْ عَلَىٰ أَنْفُسِكُمْ أَوِ الْوَالِدِينَ وَالْأَقْرَبِينَ إِن يَكُنْ غَنِيًّا أَوْ فَقِيرًا فَاللّٰهُ أَوْلَىٰ بِهِمَا فَلَا تَتَّبِعُوا الْهَوَىَٰ أَن تَعْدِلُوا وَإِن تَلُودُوا أَوْ تَعْرِضُوا فَإِنَّ اللَّهَ كَانَ بِمَا تَعْمَلُونَ خَبِيرًا﴾

«Эй мўминлар, адолат билан тургувчи ҳамда ўзларингнинг ёки ота-она ва қариндош-уруғларнинг зарарига бўлса-да, Аллоҳ учун тўғри гувоҳлик бергувчи бўлинглар! У (яъни гувоҳлик берилувчи) бой бўладими, камбағал бўладими, ҳар иккисига ҳам Аллоҳнинг Ўзи (сизлардан кўра) яқинроқдир. Бас, адолат қилмасдан нафси ҳавога эргашиб кетманглар. Агар тилларингни буриб (нотўғри гувоҳлик берсанглар) ёки (гувоҳлик беришдан) бош тортсанглар, албатта Аллоҳ қилаётган амалларингиздан хабардор бўлган зотдир»

[Нисо 135] □

РАМАЗОН ФАОЛЛИККА УНДОВЧИ ОЙДИР

Юсуф (Абу Ислон) – муборак Фаластин замини

Рамазон Аллоҳ наздида йилнинг энг яхши оyi ҳисобланади. Кундузи рўза тутиб, кечалари ибодат қилинадиган ушбу ой яхшиликлар билан чулганган буюк ойдир. Рамазон Аллоҳ Таолонинг ушбу каломига кўра Қуръон ойдир:

﴿شَهْرُ رَمَضَانَ الَّذِي أُنزِلَ فِيهِ الْقُرْآنُ هُدًى لِّلنَّاسِ وَبَيِّنَاتٍ مِّنَ الْهُدَىٰ وَالْفُرْقَانِ﴾

«Рамазон ойида Қуръон нозил қилинди, (ушбу Қуръон) одамлар учун ҳидоятдир ҳамда ҳидоят ва (ҳақ билан ботилни ажратиб берувчи) фуқроннинг очик оятларидир» [Бақара 185]

Бу ой шундай бир ойки, муслмонлар уни шод-хуррамлик билан кутиб олиб, Аллоҳга ибодат қилиш сари ошиқадилар. Улар бу ойда кундузлари тутиладиган рўза, кечаларидаги қиёмуллайл, Роббиларига ёлвориб қилинган дуолар, Қуръон тиловати ва зикрлар ила Аллоҳга яқинлашадилар. Рамазон ойида муслмон ўз имонини янгилайди ва Роббисига бўлган алоқасини мустаҳкамлаб, бошқа бир инсонга айланади. Ер юзига маҳкам ёпишиб олмайдиган, балки малоикалар уфқида интиладиган инсон бўлади. Рўза Ислоннинг беш арконидан бири бўлиб, усиз банданинг Исломи тўлиқ бўлмайди. Буни Росулulloҳ ﷺнинг ушбу сўзлари таъкидлаб турибди:

﴿بُنِيَ الْإِسْلَامُ عَلَىٰ خَمْسٍ: شَهَادَةِ أَنْ لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ وَأَنَّ مُحَمَّدًا عَبْدُهُ وَرَسُولُهُ، وَإِقَامِ الصَّلَاةِ،

وَإِيتَاءِ الزَّكَاةِ، وَحَجِّ الْبَيْتِ، وَصَوْمِ رَمَضَانَ﴾

«Ислон беш нарса устига қурилгандир: Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ ва албатта Муҳаммад Аллоҳнинг бандаси ва элчисидир, деб гувоҳлик бериш, намозни тўкис адо этиш, закот бериш, Байтуллоҳни ҳаж қилиш, Рамазон рўзасини тутиш».

Дарҳақиқат, салафи солиҳлар – Аллоҳ уларни раҳмат қилсин – Рамазон ойини нафсни тарбия қилувчи имоний даврага ва махсус билимгоҳга айлантириб олардилар. Уларнинг кундузлари рўза, дуо ва зикр бўлса, кечалари қиёмуллайл, тиловат ва фикр эди, қараш ва хотиралари эса, ибрат, ваъз ва илҳом бўлса, сўзлашишлари ва хулқлари Қуръон эди. Дарвоқе, Оиша онамиз رضي الله عنها Росулulloҳ صلى الله عليه وسلمнинг хулқлари ҳақида сўралганда **«Ул зотнинг хулқлари Қуръон эди»**, деган.

Тақво рўзанинг энг муҳим самараларидан биридир. Аллоҳ Таоло бундай деди:

﴿يَا أَيُّهَا الَّذِينَ ءَامَنُوا كُتِبَ عَلَيْكُمُ الصِّيَامُ كَمَا كُتِبَ عَلَى الَّذِينَ مِن قَبْلِكُمْ لَعَلَّكُمْ

تَتَّقُونَ﴾

«Эй мўминлар, шояд тақво қилишингиз учун сизлардан илгари ўтганларга фарз қилингани каби сизларга рўза тутиш фарз қилинди» [Бақара 183]

Аллоҳ ибодатга буюрган экан, фақатгина тақвони рўёбга чиқариш учун буюрди. Дарҳақиқат, Ҳақ Субҳанаҳу бундай деди:

﴿يَا أَيُّهَا النَّاسُ اعْبُدُوا رَبَّكُمُ الَّذِي خَلَقَكُمْ وَالَّذِينَ مِنْ قَبْلِكُمْ لَعَلَّكُمْ تَتَّقُونَ﴾

«Эй инсонлар, сизларни ва сизлардан илгари ўтганларни тақво эгалари бўлишингиз учун яратган Роббингизга ибодат қилинг» [Бақара 21]

Ҳатто Аллоҳ фарз қилган қасосдан мақсад ҳам тақво бўлди:

﴿وَلَكُمْ فِي الْقِصَاصِ حَيَوةٌ يَا أُولِيَ الْأَلْبَابِ لَعَلَّكُمْ تَتَّقُونَ﴾

«Сизлар учун қасосда ҳаёт бор, эй аҳли донишлар, шояд тақво қилсангизлар» [Бақара 179]

Тақво Аллоҳнинг амрларига бўйсуниб ва қайтариқларидан қайтишдир. Муттақинлар (тақводор зотлар) шундай зотларки, Аллоҳ уларни Ўзининг буйруқларини адо этаётганини, қайтарган нарсаларидан четланаётганини кўриб туради. Муттақинлар шундай зотларки, улар ҳақни танийдилар, танитадилар ва адо этадилар, ботилни инкор этиб, ундан четланадилар, ҳеч нарса яшириномлайдиган буюк Роббиларидан қўрқадилар. Муттақинлар шундай кишиларки, Аллоҳнинг Китобига амал қилиб, унда ҳаром қилинган нарсаларни ҳаром, ҳалол қилинган нарсаларни ҳалол, дейдилар. Чунки улар омонатга хиёнат қилмайдилар, хорлик ва хўрликка рози бўлмайдилар, ота-оналарига оқ бўлмайдилар, қариндошлик алоқаларини узмайдилар, қўшниларига озор бермайдилар. Аксинча, бошқалар алоқани узсалар, улар боғлайдилар, маҳрум қилганларга берадилар, зулм қилганларни кечирадилар. Яхшилик ўшалардан умид қилинади, ёмонлик улардан келмаслигига ишонилади, ғийбат қилмайдилар, ёлғон сўзламайдилар, мунофиқлик қилмайдилар, гап ташимайдилар, ҳасад қилмайдилар, риё қилмайдилар, рибога қўл урмайдилар, тухмат тоши отмайдилар, мункарга буюрмайдилар, маъруфдан қайтармайдилар, билъакс, маъруфга буюриб, мункардан қайтарадилар. Мана шулар, Роббиларидан ғойибона қўрқадиган ва қиёмат соатидан этлари титрайдиган муттақинларнинг асл сифатларидир. Салафлардан бундай ривоят бор: «киши тақво аломатини қуйидагиларда топади: динда қувватли бўлиш, мулойимликни маҳкам тутиш, яқин-аниқ имон, илмга ҳарислик, илмга асосланган ҳалимлик, мақсадли бойлик, ибодатдаги ҳушу, йўқчиликдаги қаноат, оғир пайтлардаги сабр, ҳалолни қидириш, ҳидоятда фаол бўлиш ҳамда тамаъ қилишдан уялиш».

Тақво даражалари:

Энг юқори даражадаги тақво – фарз ва мустаҳаб амалларни қилиб, мубоҳ амалларга муккасидан кетишни тарк этиш, ҳаром, шубҳали ва макруҳ ишлардан четланиб, охиратда азоби бўладиган нарсалардан қўрқишдир. Тақвонинг энг паст даражаси – вожиб амалларни қилиб, ҳаром амалларни тарк қилиш, мустаҳаб амалларни тарк этиб, макруҳ амалларни қилиш, мубоҳ амалларга муккасидан кетиб, камроқ қўрқиш.

Тақво аломатларидан:

Ғафлатда қолмаслик, гап ва амалда мункарни эътиборсиз қолдирмаслик, мункар содир бўлса қаттиқ сиқилиш, у пайдо бўлса озорланиш, ундан халос бўлишни излаб Аллоҳ учун қўрқишдир... Муттақинларнинг айрим сифатлари мана шулар. Тақий-тақводор киши қачон маъсиятга тушиб қолса, ундан роҳатланиши мумкин эмас, дарҳол аламланган ҳолда афв ва мағфират излаб Аллоҳга қайтади. Аллоҳ Азза ва Жалла бундай дейди:

﴿إِنَّ الَّذِينَ آتَقُوا إِذَا مَسَّهُمْ طَئِيفٌ مِّنَ الشَّيْطَانِ تَذَكَّرُوا فَإِذَا هُمْ مُبْصِرُونَ﴾

«Тақво қилгувчи зотларни қачон шайтон томонидан бирон васваса ушласа, (Аллоҳни) эслайдилар, бас (тўғри йўлни) кўра биладилар» [Аъроф 201]

Тақводорлар бундай аҳволдан қутулмагунларича асло тинч ва хотиржам бўлмайдилар, доим Аллоҳдан мағфират сўраб, тавба қиладилар.

Тақво аломатларидан:

Хоҳ Аллоҳга нисбатан бўлсин, хоҳ инсонга нисбатан бўлсин, гапирганда ва амал қилганда тўғрилиқни танлаб олиш. Аллоҳ Таоло бундай дейди:

﴿وَالَّذِي جَاء بِالصِّدْقِ وَصَدَّقَ بِهِ أُولَئِكَ هُمُ الْمُتَّقُونَ﴾

«Ростни келтирган киши ва уни тасдиқ этган (киши) – ана ўшалар тақводор зотлардир» [Зумар 33]

Тақволи инсоннинг тўғрилиги унинг одамлар билан бўлган муносабатларида, савдо-сотиқ каби барча ишларида кўринади. Шунингдек, қийинчилик вақтида ҳақда собит туриш ва хилват ҳолатларида ҳаром ишлардан тийилиш каби Аллоҳ билан бўлган муносабатида ҳам кўринади.

Тақво аломатларидан:

Аллоҳнинг қонунларини ҳурмат қилиш. Аллоҳ Таоло бундай дейди:

﴿ذَلِكَ وَمَنْ يُعْظَمْ شَعْبِيرَ اللَّهِ فَإِنَّهَا مِن تَقْوَى الْقُلُوبِ﴾

«Шундай, ким Аллоҳ қонунларини ҳурмат қилса, бас, албатта (бу ҳурмат) дилларнинг тақводорлиги сабаблидир»

[Ҳаж 32]

Аллоҳнинг қонунлари – намозни тўқис адо этиш, закот бериш, ҳаж қилиш, муслмонлар ҳокимияти ва вужуди бўлган бир давлатда Аллоҳ нозил қилган аҳкомлар билан ҳукм юритиш каби динда очиқ маълум бўлган аломатлардир. Хўш, Аллоҳнинг қонунларини ҳурмат қилишнинг маъноси нима? Аллоҳнинг қонунларини ҳурмат қилишнинг маъноси, ушбу қонунларнинг татбиқ этилишига лоқайд қарамаслик ҳамда бепарволик қилаётганларни қабул қилмаслик. Чунки Ислом билан ҳукм юритмоқ Аллоҳ қонунларининг энг буюгидир. Ислом билан ҳукм юритмоқ давлатнинг ҳамда ҳокимият эгаси халифанинг бўлишини шарт қилади. То Исломни татбиқ қиладиган ва унинг қонунларини ғолиб қилиб, улуғлайдиган ушбу давлатни барпо этишга жиддий холис ҳаракат қилинмагунча, Аллоҳнинг қонунларини ҳурмат қилиш амалга ошмайди.

Демак, рўза тақвони рўёбга чиқаради. Аллоҳнинг қонунларини, айниқса, Ислом билан ҳукм юритиш қонунини ҳурматлаш тақво белгиларидандир. Шунинг учун рўзадор инсон таровеҳ намозини ҳурмат қилиб, бир вақтда, Халифаликни барпо этиш учун холис ва жиддий ҳаракат қилиш қонунига эътиборсиз қараши жоиз эмас. Шу боисдан ушбу Рамазонда Аллоҳга тоат-ибодат қилаётган муслмонлар рўзадан кўзланган Аллоҳнинг муродини, яъни, тақвони рўёбга чиқармоқлари керак. Ўз рўзаларидаги тақво самарасини рўёбга чиқарар эканлар, бу тақво уларни Аллоҳнинг барча қонунларини ҳурмат қилишга ундамоғи даркор. Аллоҳнинг қонунларининг асосийси эса, фарзларнинг гултожиси бўлмиш Халифаликни барпо этиш қонунидир.

Тақво аломатларидан:

Ҳаром ишлардан ва ҳаромга яқин-шубҳали ҳар нарсадан қўрқмоқ. Росулulloҳ ﷺ бундай марҳамат қилганлар:

«دَعَا مَا يُرِيْبُكَ إِلَىٰ مَا لَا يُرِيْبُكَ»

«Сен учун шубҳали бўлган нарсани ташлаб, шубҳали бўлмаган нарсани ол». Яна бундай деганлар:

«لَا يَبْلُغُ الْعَبْدُ أَنْ يَكُونَ مِنَ الْمُتَّقِينَ حَتَّىٰ يَدَعَ مَا لَا بَأْسَ بِهِ، حَدَرًا مِّمَّا بِهِ بَأْسٌ»

«Банда андак шубҳали нарсадан сақланмоқ учун шубҳали бўлмаган нарсаларни ҳам тарк қилмагунча муттақинлардан бўлолмайди». (Термизий ривоят қилган ва ҳасан, деган).

Тақво тўғри бўлмоғи лозим. Масалан, баъзи кимсалар гуноҳи кабираларни қилишади-да, сўнг енгил гуноҳлардан тақво қилишади. Баъзилар зуҳо намози, таровеҳ намози ёки қиёмуллайл намози каби нафл амалларни қилишда эътиборсиз бўлишдан тақво қилишади-да, аммо фарзларнинг гултожиси бўлган Халифаликни

барпо этишга ҳаракат қилишни тарк этса бўлаверади, деб билишади.

Бунга изоҳ сифатида куйидаги икки ривоятни келтирамиз:

Биринчи: Имом Аҳмад роҳимаҳуллоҳга «бир кишининг боғлаб сотилаётган кўкатни сотиб олаётиб, боғлаган нарсани ҳам савдога қўшишни шарт қилганини, ўша боғланган нарса савдога кирмаган бўлишидан қўрқаётгани»ни айтишади. Имом Аҳмад «бу саволдаги киши ким?», деб сўрайди. Фалончи Иброҳим ибн Абу Наим, дейишади. Шунда Имом Аҳмад «бу жуда яхши иш, бу киши ўзига лойиқ иш қилибди ва у жуда тақволи кишидир», дейди.

Иккинчи: Имом Аҳмад роҳимаҳуллоҳдан «бир кишининг онаси хотинини талоқ қилишга буюрибди, нима қилсин?», деб сўрашибди. Шунда имом Аҳмад жавоб берибди: «Агар киши ҳар ишда онасига итоат қилиб, яхшилик қилиб келган бўлса, фақат хотинини талоқ қилиш масаласи қолган бўлса, бу ишни ҳам қилсин, яъни талоқ қилсин. Аммо онасига фақат шу талоқ билангина итоат қилаётган бўлса ва талоғини бериб, ортидан онасини урадиган бўлса, у ҳолда, талоқ қилмасин».

Бас, Аллоҳ Азза ва Жаллага тақво қилайлик, чин тавба қилиш ва Аллоҳнинг динини азиз-кучли қилишга ҳаракат қилиш учун ушбу улуғ ойни ғанимат билайлик. Рамазон Аллоҳ учун мусобақалашаётганларга бир мусобақа майдонидир. Бу мусобақада ўзган киши Умар ибн Абдулазиз رضي الله عنه ҳаж қилаётиб, одамларни Арафотдан олиб тушаётганда сифатлаган кишидир. У киши «Бугун туяси тез чопиб ўзган киши ўзган ҳисобланмайди, балки Аллоҳнинг мағфиратини қозонган киши ўзган ҳисобланади», деганлар.

Шундай бўлгач, Аллоҳ томон итоат-ибодатларда мусобақалашайлик ва Аллоҳ нозил қилган аҳкомлар билан ҳукм юритишни қайтариш учун жиддий ҳаракат қилишда мусулмонларни фаол бўлишга ундайлик. Бу ажрлар бир неча баробар қилиб бериладиган, бандалар узра Раҳмоннинг тухфалари кенг ёйиладиган ойдир. Аллоҳнинг тухфасига мушарраф бўлган инсон нақадар бахтлидир.

Табароний Анас ибн Молик رضي الله عنهдан ҳасан санад билан ривоят қиладики, Росуллуллоҳ صلى الله عليه وسلم бундай марҳамат қилганлар:

«افْعَلُوا الْخَيْرَ دَهْرَكُمْ، وَتَعَرَّضُوا لِنَفْحَاتِ رَحْمَةِ اللَّهِ، فَإِنَّ لِلَّهِ عَزَّ وَجَلَّ نَفْحَاتٍ مِنْ رَحْمَتِهِ يُصِيبُ بِهَا مَنْ يَشَاءُ مِنْ عِبَادِهِ، وَسَلُوا اللَّهَ عَزَّ وَجَلَّ أَنْ يَسْتُرَ عَوْرَاتِكُمْ وَأَنْ يُؤَمِّنَ رُؤْعَاتِكُمْ»

«Бутун умрингиз бўйича яхшилик қилиб, Аллоҳнинг раҳмат-марҳамати билан келадиган тухфаларга ноил бўлинглар. Чунки Аллоҳ Азза ва Жалланинг марҳамати сабабли келадиган шундай бир тухфалари борки, уни Ўзи истаган бандасига етказди. Аллоҳ Азза ва Жалладан

айбингизни ёпишини, сизни қўрқув-тақво билан таъминлашини тинмай сўранглар».

Эй муслмонлар!

Сизларга Рамазон Бадр, Айн Жолут каби Раҳмоннинг тухфаларини олиб келди... Бу тухфалар қатъиятингизни шундай кучайтирсинки, шайтонни дўст тутган золим ва тоғут ҳукмдорларга қарши тулинг. Ахир, улар динингизни бекор қилиб, муслмонлар жамоатини бўлишди ҳамда сизларни душманлар билан сохта урушлар олиб бориш билан овора қилиб қўйишди. Зеро, бу малай ҳукмдорларни кофир Ғарб пайдо қилиб, улар ёрдамида муслмонларни «суннийлар-шиалар», «мўътадиллар-экстремистлар», «террористлар-кенгабирлар»га бўлиб ажратди, ораларига низо ва адоват солди. Буларнинг барчасини муслмонларнинг бўлинган ва қийналган аҳволда яшашлари учун, шу билан машғул бўлиб ақлларини ишлатмасликлари ва ҳақиқий душманлари киму асл мусибатлари нима эканини англамасликлари учун қилишди.

Эй муслмонлар!

Сизларга Пайғамбарлик минҳожии асосидаги Халифалик ваъда қилинган. Шундай бўлгач, муслмонларнинг бу заиф ҳолати ҳамда Ғарб қўлидаги қурол-яроғ ва имкониятлар сизларни чўчитмасин. Зеро, бугун Ислом ўз йўлини очиб, бутун инсонларни капитализм, куфр ва залолат зулматидан Ислом нури, адолати ва хотиржамлигига чиқариш, худди Авс ва Хазраж каби, дилларини Аллоҳнинг раҳмати ва адолатига улфат қилиш ва бу динни кеча ва кундуз етиб борган жойгача етказиш учун ҳаракат қилмоқда. Имом Аҳмад ўзининг «Муснад»ида ривоят қилади: Тамим Дорий бундай деди: «Мен Росулulloҳ ﷺнинг бундай деганини эшитгандим:

«لَيْبُلُغَنَّ هَذَا الْأَمْرُ مَا بَلَغَ اللَّيْلُ وَالنَّهَارُ، وَلَا يَتْرُكُ اللَّهُ بَيْتَ مَدْرٍ وَلَا وَبَرَ إِلَّا أَدْخَلَهُ اللَّهُ هَذَا

الدِّينَ بَعْرَ عَزِيرٍ أَوْ بِذَلِّ ذَلِيلٍ، عَزًّا يُعْرِئُ اللَّهُ دِينَ الْإِسْلَامِ، وَذُلًّا يُذِلُّ بِهِ الْكُفْرَ»

«Бу иш кеча ва кундуз етиб борган жойгача етиб боради. Аллоҳ биронта ҳам ўтроғу кўчманчининг уйини қолдирмасдан унга бу динни азизнинг азизлиги ёки хорнинг хорлиги билан киритади. Азизлики, у билан Аллоҳ Ислом динини азиз қилади. Хорлики, у билан Аллоҳ куфрни хор қилади».

Эй муслмонлар!

Қудрат ва куч эгаси Аллоҳга инонинг. Унга бўлган алоқангизга ишонинг. Ушбу Рамазон ойида Аллоҳ Субҳанаҳудан холис ихлос билан нусрат сўраб, муслмонларнинг қалбини Исломга нусрат бериш, шариатини қоим қилиб, битта халифага байъат қилишга очиб беришини ёлвориб сўранг. Зеро, халифа орамизда Исломни,

худди Росулulloҳ ﷺ ва хулафои рошидинлар барпо этганидек барпо этажак.

﴿وَيَقُولُونَ مَتَى هُوَ قُلْ عَسَى أَنْ يَكُونَ قَرِيبًا﴾

«У (кун) қачон бўлур? – деб (сўрайдилар). Шоядки яқин бўлса, деб айтинг!» [Исро 51]

Аллоҳим, бизга ва барча мусулмонларга ушбу Рамазон рўзасини тутишда ёрдам бер ва унинг тухфаларига мушарраф бўлганлардан қил. Бизга Ўз дининг қонунларини ҳурмат қилишимизда ёр бўл. Бизга ушбу ойни Сени рози қиладиган барча яхши амалларни қилишга ундовчи ой қил, я Роббал аламин. □

Сисий бизга триллион доллар керак деди ва иккитадан ортиқ фарзанд кўришдан огоҳлантирди

Исмоилийя муҳофазасидаги тиббий мажмуанинг очилиш маросимида Миср президенти Абдулфаттоҳ Сисий аҳоли ўсишига мослашиш учун ўз мамлакатига триллион доллар кераклигини айтди ва иккитадан ортиқ фарзанд кўришдан огоҳлантириб, бунинг харажати катта бўлади деди. Унинг маълум қилишича, Миср аҳолисининг сони юз миллион кишилик тўсиқдан ўтиб кетган. У «аҳоли сонининг ўсиш даражаси давлатнинг мавжуд ресурсларига мутаносиб бўлиши кераклигини айтди ва аҳолининг сезиларли даражада ўсиши барча секторларга салбий таъсир кўрсатади, деб қўшимча қилди. У «яшаш шароитлари тобора ёмонлашиб бораётганини» таъкидлади. Сисий қўлга ўргатилган (хонакилаштирилган) бўлишини истаган мухолафат ҳақида «фикрларини айтиб, эътироз билдириш одамларнинг ҳуқуқи ва бу ерда ҳақиқий мухолафат бўлиши керак» деди. У «ҳақиқий мухолафат ҳаётий муаммолар ва ҳукуматнинг бу муаммоларни ҳал этишдаги камчиликлари ҳақида гапиради», деб ўз нуқтаи назаридан келиб чиқиб ҳақиқий ва мақбул мухолафат тушунчасига изоҳ берди ҳамда гапирган кишининг «айтган нарсасини тушунувчи» бўлишини шарт қилди.

Ал-Ваъй: Росулulloҳ ﷺ мусулмонларни фарзанд кўришга ундаб шундай дейдилар:

«تَزَوُّجُوا الْوُدُودَ الْوُلُودَ، فَإِنَّ مَكَاتِرَ بِكُمْ»

«Меҳрли, серпушт аёлларга уйланинглр. Чунки мен қиёмат уни пайғамбарлар ҳузурда сизларнинг кўплигингиз билан фахрланаман». Байҳақийда

«وَلَا تَكُونُوا كَرَهْبَانِيَّةِ النَّصَارَى»

«Насронийларнинг роҳиблари каби бўлманглр», деб келади. Биз Сисийга айтамызки, муаммо кўп ёки оз фарзанд кўришда эмас, аксинча, тўғри исломий низомнинг татбиқ этилмаслигидадир. Агар у Исломни татбиқ қилганида эди, унга Аллоҳ Таолонинг қуйидаги сўзи тўғри келган бўларди:

﴿وَلَوْ أَنَّهُمْ أَقَامُوا التَّوْرَةَ وَالْإِنْجِيلَ وَمَا أُنزِلَ إِلَيْهِمْ مِّن رَّبِّهِمْ لَأَكَلُوا مِن فَوْقِهِمْ وَمِن تَحْتِ أَرْجُلِهِمْ مِّنْهُمْ أُمَّةٌ مُّقْتَصِدَةٌ وَكَثِيرٌ مِّنْهُمْ سَاءَ مَا يَعْمَلُونَ﴾

«Агар улар Тавротга, Инжилга ва Парвардигорлари томонидан нозил қилинган барча нарсаларга амал қилганларида эди, устларидан (осмондан) ҳам, остларидан

ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ	قال تعالى: ﴿إِنَّمَا الْمُؤْمِنُونَ إِخْوَةٌ﴾ «Мўминлар ҳеч шак-шубҳасиз ога-инилардир»	ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ
<p>(ердан) ҳам ризқланган бўлур эдилар. Уларнинг ораларида адолат эгалари бўлган кишилар ҳам бор. Аммо уларнинг кўплари нақадар ёмон амалларни қиладилар» [Моида 66]</p>		
<p>Аммо, Аллоҳнинг ҳукмини ўрнатмайдиган ва Унинг ҳузурида туришдан қўрқмайдиган ҳукмдорлар қаторида бўлган (агар уларнинг энг ёмони бўлмаса агар) Сисий ҳақида нима ҳам дердик.</p>		
<p>Карбалодаги Каъба макети ва кенг тарқалган қоралаш</p>		
<p>Ироқ жануби Карбало шаҳридаги шиаларнинг энг муқаддас зиёратгоҳларидан бирида бир кундан кўпроқ вақт давомида Каъба макети зиёратчиларга мезбонлик қилди. Баъзи зиёратчилар унинг атрофини тавоф қилган ушбу макетнинг бу ерга жойлаштирилиши кўплаб саволларни келтириб чиқарди. Ҳижоздаги Маккаи Мукаррама шаҳрида жойлашган муқаддас Каъба ҳам сунний ва ҳам шиа мусулмонларининг намоздаги қибласи ҳисобланади. Ҳаж ва Умра ибодатларини адо этиш пайтида мусулмонлар унинг атрофини тавоф қиладилар. Ҳусайнийя зиёратгоҳидан ушбу макет олиб ташланганига қарамай, бу воқеа қораланмасдан ўтмади. Шиа маржаут-тақлидлари томонидан ушбу хатти-ҳаракатни қоралаган баёнотлар берилди. Улар ҳукуматларни бунинг ортида турганликда айблашди. Ироқлик шиа маржаут-тақлиди Ҳасан Мавсавий ўзининг твиттердаги саҳифасида берган баёнотида ушбу макетнинг «дунё мусулмонлари туйғуларини қўзғовчи очиқ сиёсий характерга эга» эканини таъкидлади. Унинг сўзларига кўра, юз берган воқеа «адашган маржаут-тақлидлар ва вилоятул фақиҳлар»нинг келажакда мустаҳкам янги каъба қурилиши тўғрисидаги фатволарига таянган. Ироқлик шиа маржаут-тақлиди Муҳаммад Маҳди Холисийнинг ҳисоблашича, ушбу макет «очиқ куфр, диндан қайтиш, Аллоҳга бўхтон қилиш ва Қуръоннинг очиқ оятларини ёлғонга чиқаришдир».</p>		
<p>Агар бу макет тўғрисида тортишувлар қўзғалмаганида у олиб ташланмаган бўлар эди. Унинг атрофида шунча тортишувлар қўзғалганига қарамай, Ҳусайнийя зиёратгоҳи юз берган воқеа тафсилотини баён қиладиган расмий баёнот бермади. Нун агентлиги бош муҳаррири Тайсир Асадий бунинг сабабини қуйидагича изоҳлади: «Бу – макетни олиб ташлаган зиёратгоҳ маъмурияти томонидан раддия берилишига лойиқ иш эмас. Бу ерда Ироқ кўплаб кризислардан азият чекиб турган бир пайтда яна кризис келтириб чиқаришга уринаётган кимсалар бор». Асадий бу ҳужумни асоссиз деб атаб, ундан ҳайратга тушганини билдирди.</p>		
<p>Ал-Ваъй: Мазҳабпарастлик (сунний-шиа) фитнаси рошид Халифалик давлати барпо бўлгунига қадар турли шакл ва</p>		

ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ	قال رسول الله ﷺ: «الْمُسْلِمُ أَخُو الْمُسْلِمِ لَا يَظْلِمُهُ وَلَا يَخْذُلُهُ وَلَا يَحْقِرُهُ» «Мусулмон мусулмоннинг биродаридир. Унга зулм қилмайди, уни ташлаб қўймади ва камситмайди»	ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ
<p>кўринишда давом этаверади. Бу фитнани Ғарб авж олдирмоқда ва ҳеч бир ишда Аллоҳдан кўрқмайдиган малай ҳукмдорлар бошқариб, уларга ёлланган уламолар эргашмоқда. Юз берган яхши реакциялар Умнатнинг бир эканлигини ва у бир бўлиб қолишини кўрсатмоқда. Фитнага учраган анави кимсаларнинг ишлари бу дунёда заволга юз тутуди ва охиратда улар учун оғир жазо бордир.</p>		
<p align="center">«Махфий банд» ҳамда (Исроил) томонидан Дамашққа коронавирус вакцинаси етказиб берилиши ҳақидаги хабарларга Суриянинг биринчи расмий жавоби</p>		
<p>Сурия режимини яҳудий вужуди билан ошкора тинчлик жараёнига олиб кириш учун Россия томонидан амалга оширилган уринишлар манзарасида, улар ўртасида асирларни алмаштириш тўғрисида келишув эълон қилинди. Суриянинг расмий (Sana) ахборот агентлигига кўра, бу келишувга мувофиқ (Исроил) ўзидаги уч нафар суриялик маҳбусни озод қилди. Айни пайтда Дамашқ Сурия билан (Исроил) ўртасини ажратиб турувчи «Алфа чизиғи»ни кесиб ўтган аёлни озодликка чиқарди. (Исроил) бош вазири Биньямин Нетаняху Россия президенти Владимир Путинга келишув тузишда воситачилик қилгани учун миннатдорчилик билдирди. (Исроил) ва Араб давлатлари оммавий ахборот воситалари бу келишув Сурияга (Исроил)дан коронавирусга қарши Россиянинг «Спутник V» вакцинасини олиш имконини берувчи «махфий банд»ни ўз ичига олишини айтиб чиқди. Ўз навбатида Сурия режими бу хабарни рад этиб, жавоб қайтарди. Суриядаги оммавий ахборот воситаси манбаси ушбу хабарларга берган изоҳида шундай деди: «Асирларни алмашиш келишувида босқинчи (Исроил) ҳукуматидан коронавирус вакцинасини олишга доир бундай ёлғон маълумотлар тарқатилар экан, бундан суриялик маҳбусларни босқинчининг қамоқхоналаридан озод этиш жараёнига зиён етказиш, Сурияни ҳақоратлаш ҳамда бу жараённинг миллий ва гуманитар жиҳатларини бузиб кўрсатиш, шунингдек, босқинчи (Исроил) қиёфасини сайқаллаш ва унга гуманитар хусусиятларни бериш кўзланган».</p> <p>Ал-Ваъй: Бутун дунё Сурия режимининг, айниқса, яҳудийлар билан бўлган муносабатида фақат гуманитар жиҳатини эсга олади. Хабарларда айтилган ишлар ҳам ҳукмдорлар босиб ўтган йўналишда кетмоқда. Зеро, Сурия режимидан бу борада ўтиб кетган ҳукмдорлар муносабатларни яширинча нормаллаштиришдан ошкора нормаллаштиришга ўтишди... Нима бўлганда ҳам, юзлардаги маскалар тушаётган пайт. Умнат Суриядаги (ота ва ўғил) режимининг Жўлонни сотган ва (Исроилни) ҳимоя қилган</p>		

ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ	قال تعالى: ﴿إِنَّمَا الْمُؤْمِنُونَ إِخْوَةٌ﴾ «Мўминлар ҳеч шак-шубҳасиз ога-инилардир»	ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ
душман эканлигига ҳеч қачон шубҳа қилмаган. Юқоридаги хабар ҳам бирон бир янгиликни тақдим этмайди.		
Рафсанжонийнинг қизи: Бизнинг Суриядаги аралашувимиз ярим миллион одам ўлимига сабаб бўлди, менинг отам Сулаймонийга аралашмасликни маслаҳат берган		
<p>Марҳум Эрон президенти Акбар Ҳошимий Рафсанжонийнинг қизи Ғоиза Рафсанжоний (У Эрондаги консерваторларга муҳолафатчи бўлган энг кўзга кўринган ислоҳотчилардан бири ва собиқ парламент депутатидир. Унга 5 йилгача сиёсат билан шуғулланиш тақиқланган ва 2011 йилда 6 ойлик шартли қамоқ жазосига ҳукм қилинган) Эроннинг Суриядаги аралашуви ярим миллион одам ўлимига сабаб бўлганини айтди. Ислоҳотчилар ҳаракатига алоқадор дея кўрилган «INSAF NEWS» сайтига берган интервьюсида билдиришича, унинг отаси Қуддус қўшинининг собиқ қўмондони генерал Қосим Сулаймонийга Сурияга аралашидан фойда йўқлигини маслаҳат берган, бироқ, Сулаймоний инқилоб посбонларига таяниб бунда қатъий туриб олган. У «Сулаймоний ўлдирилганининг йиллик хотирасида, унинг қилган ишлари ҳақида гапирган бирон бир кишини эшитмадик» деб қўшимча қилди ва қўйидаги саволларни ташлади: «Сурияга аралашиб мамлакатимиз муаммоларини ҳал этдимиз? Ривожланишга эшик очдимиз? Бундай қаршилиқ ҳаракати билан фахрланишимиз мумкинми? Шунга қарамай, биз Башар Асадга ёрдам бердик. Шундай экан, қандай қилиб биз инсонпарварликка, демократия ва инсон ҳуқуқларига ишонамиз?! Қандай қилиб, бутун мусулмонларга жон куйдирамиз ва (Исроил)га қарши курашамиз?! Аммо, айти пайтда биз муаммоларни келтириб чиқаришда иштирок этмоқдамиз».</p>		
<p>Ал-Ваъй: Унинг парламент раиси, жумҳурият президенти ва низом манфаатини аниқлаш кенгаши раиси лавозимида ишлаган отаси Акбар Ҳошимий Рафсанжонийнинг ўзи ҳам, бутун мусулмонларга нисбатан тутган позициясида яхши тарихга эга эмас. У ҳам Америкага «агар Эрон бўлмаганида у Афғонистонни босиб ололмаган бўларди» деб эслатган расмийлардан биридир... Эронда энг катта йўқ бўлиб бораётган нарса Ислом бўлса, кўзга ташланиб бораётган энг катта нарса унинг Америкага малайлиги бўляпти. У Американи мусулмонларга қарши, аниқроғи, Афғонистон, Ироқ, Сурия, Ливан ва Яманда содир этган жиноятларида ҳимоя қилиб келди. Ироқда ҳокимиятни Америкага топширди, Сурияда унинг малайи Башар Асадни ҳимоя қилди... Ислом Умматининг ишлари Исломий Халифалик барпо</p>		

ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ	قال رسول الله ﷺ: «الْمُسْلِمُ أَخُو الْمُسْلِمِ لَا يَظْلِمُهُ وَلَا يَخْذُلُهُ وَلَا يَحْقِرُهُ» «Мусулмон мусулмоннинг биродаридир. Унга зулм қилмайди, уни ташлаб қўймайди ва камситмайди»	ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ
<p>Бўлгандагина тўғри йўлга тушади. Зеро, Халифалик бутун Ислом Умматини Роббисининг тўғри йўлида бирлаштиради.</p>		
<p align="center">Санъодаги масжидда беш вақт намозга тўловлар ва намозхонларни жалб қилиш учун чегирмалар белгиланди</p>		
<p>Ямандаги иқтисодий кризис Ҳусийларни нақд пул етишмаслиги муаммосини ҳал этишнинг ғалати усулини ўйлаб топишга ундади. Зеро, диний ибодатларни адо этиш учун масжидга киришга тўлов жорий қилинди. Фаоллар ижтимоий тармоқларда Санъодаги масжид йўлагига илинган варақа суратини улашишди. Бу варақада беш вақт намоз вақтларига мувофиқ масжидга кириш учун белгиланган тўловлар кўрсатилган, шунингдек, масжидга келувчилар масжиднинг электр энергияси тўловларини тўлашда иштирок этишга чақирилган. Ажабланарлиси шундаки, масжид масъуллари хайр-эҳсон сўраш ҳақида эмас, балки масжидга кириш нархлари белгиланган ҳақида ўйлашмоқда. Бу эса, кўпчиликни ғазабини қўзғатоқда. Ушбу варақада намозлар учун белгиланган нархлардан ташқари, намозхонларни жалб қилиш учун чегирма ва имтиёзлар ҳам кўрсатилган. Унда келишича, белгиланган сумма барча хизматларни ўз ичига олади ва ҳа бир отага ўзи билан бирга битта ўғлини бепул олиб киришига рухсат берилади. Жаноза намози «агар марҳум ойига 4 минг риёл обуна тўлайдиган обонент оиласидан бўлса» бепул бўлади. Шунингдек, белгиланган сумма жумъа ва ҳайит кунларидаги тўловларни ҳамда сув ва ҳожатхонадан фойдаланиш тўловларини ҳам ўз ичига олади.</p>		
<p>Президент Абду Роббиҳ Мансур Ҳодий ҳукуматида ахборот вазири лавозимида ишлаган Муаммар Ирғани ушбу суратни ўзининг твиттердаги саҳифасида улашди ва унинг ёнига «тарихнинг бутун босқичларида мисли кўрилмаган воқеа» деб ёзди. Ямандаги собиқ инсон ҳуқуқлари вазираси Ҳурийя Машҳур бу воқеага қуйидагича изоҳ берди: «Масжидга кириш тўловлари ҳақида тарихда биринчи бор эшитишим. Эй Аллоҳнинг бандалари, масжид театр, музей ёки кинохона эмас, балки Аллоҳнинг уйидир».</p>		
<p>Ал-Ваъй: Ўзидан бошқа илоҳ йўқ бўлган ёлғиз Аллоҳга қасамки, Ҳусийлар томонидан ўлдирилган битта мусулмоннинг ўлими Аллоҳ учун Каъбанинг бузилишидан оғирроқдир. Ҳусийларга қарши жанг қилаётган муқобил тараф ҳам Аллоҳнинг олдида айни шу жавобгарликдан қутулолмайди. Аллоҳдан Умматни ушбу барча бузуқ шакллардан халос қилишини сўраймиз. Кўриб турганимиздек, маъсият янада оғирроқ маъсиятга тортади. □</p>		

ҚУРЪОНИ ҚАРИМ СУҲБАТИДА

﴿يَدَاوُدُ إِنَّا جَعَلْنَاكَ خَلِيفَةً فِي الْأَرْضِ فَاحْكُم بَيْنَ النَّاسِ بِالْحَقِّ وَلَا تَتَّبِعِ الْهَوَىٰ﴾

«Эй Довуд, дарҳақиқат Биз сени ерда халифа қилдик. Бас, одамлар орасида ҳақ билан ҳукм юрит ва ҳавоинафсинга эргашиб кетма!»

[Сод 26]

Қуръони Каримнинг юзлаб оятлари борки, улар Халифаликка очиқ-ойдин ва ишора билан далолат қилган. Масалан, Аллоҳ нозил қилган нарсалар билан ҳукм юритиш, тоғутдан ҳукм сўраш, шариатни ҳоқим қилиш, динни ғолиб қилиш, шариат, ансорлар ва нусрат, фатҳ, халифа, халифа қилиш, ер юзидаги халифалар, иш эгаларига итоат қилиш, байъат, ер юзидаги заифҳолларга нусрат бериш, уларни ҳоқимиятда ворисларга айлантириш, динни ғолиб қилиш, жанг, жиҳод, жизя, асирлар, диннинг комил қилингани каби масалалар зикр қилинган... Қуръон оятлари анбиёлар ва уларнинг куфрга қарши курашганлари, маъракалар, ғалабалар, қавм саййидлари бўлган халқлар, Фиръавн ва Ҳомон каби куфр ҳукмдорлари... ҳақида ҳам ҳикоя қилган. Ҳа, юзлаб шундай оятлар мавжудлигига қарамай, муслмонлар, айниқса, уламолар бу оятлардан кўз юммоқдалар. Улар динни тушунишда ушбу оятларга асосланишмаяпти. Бу оятларга нисбатан гўё насх қилингандек муносабатда бўлишяпти. Ваҳоланки, улар асло насх қилинган эмас. Олимларнинг бундай қилишларининг сабаби шариат факултетларида риоя қилинадиган ва ўқитиладиган таълим дастурларига ва бу факултетлардан мана шундай толиби илмларнинг етишиб чиқишига бориб тақалади. Шунингдек, бу нарса дастурларнинг Ғарб томонидан белгилаб берилишига ҳам боғлиқ. Зеро, Ғарб қачонки айни дастурларга ўзгартириш киритиш ва янгилашни зарур деб ҳисобласа, унга аралашади. Шу орқали динни ҳаётдан, бинобарин, давлатдан ажратишга асосланган ўзининг динни тушунишдаги тариқати асосида шаклланишини назорат қилиб туради. Аслида эса, рисолат Пайғамбар ﷺнинг пайғамбарлиги даврида камолига етган бўлиб, кейинги халифалар давомида татбиқ қилиб келинган.

Бу мавзуга биз айни бобда, журналимизнинг ушбу махсус сонидаги Қуръони Карим суҳбатида тўхталиб, ҳукм юритишга тааллуқли оятларни зикр қиламиз ҳамда мўътабар тафсир китоблардан уларнинг тафсирларини келтирамиз.

Аллоҳ Таоло бундай деди:

﴿يَدَاوُدُ إِنَّا جَعَلْنَاكَ خَلِيفَةً فِي الْأَرْضِ فَاحْكُم بَيْنَ النَّاسِ بِالْحَقِّ وَلَا تَتَّبِعِ الْهَوَىٰ فَيُضِلَّكَ عَنْ سَبِيلِ اللَّهِ إِنَّ الَّذِينَ يَضِلُّونَ عَنْ سَبِيلِ اللَّهِ لَهُمْ عَذَابٌ شَدِيدٌ بِمَا نَسُوا يَوْمَ الْحِسَابِ﴾

«Эй Довуд, дарҳақиқат Биз сени ерда халифа қилдик. Бас, одамлар орасида ҳақ билан ҳукм юрит ва ҳавои-нафсинга эргашиб кетма! Акс ҳолда, бу сени Аллоҳнинг йўлидан оздирур. Албатта Аллоҳ йўлидан озадиган кимсалар учун ҳисоб-китоб кунини унутиб қўйганлари сабабли қаттиқ азоб бордир» [Сод 26]

Ибн Касир тафсирида ушбу оят ҳақида бундай дейлади:

«Бу Аллоҳ Азза ва Жалланинг иш эгаларига бўлган насиҳати бўлиб, унда одамлар орасида Аллоҳ Таборака ва Таолодан нозил бўлган ҳақ ила ҳукм юритинг, ундан четлашманг, акс ҳолда, Унинг йўлидан озиб, залолатга кирасизлар, дейилмоқда. Аллоҳ Таоло Ўзининг йўлидан озган ва ҳисоб кунини гўё билмаётган кимсаларга муқаррар таҳдид ва қаттиқ азоб борлигидан огоҳлантирмоқда. Ибн Абу Ҳотим бундай дейди: Бизга отам Ҳишом ибн Холиддан, у Валиддан, у Марвон ибн Жанохдан, у Иброҳим Абу Заръадан ҳадис ривоят қилади. Иброҳим айтади: китоб ўқиётганимда халифа Валид ибн Адулмалик олдимга келиб, сиз кўп китоб ўқигансиз, Қуръон ўқиб тушунгансиз, айтингчи, халифа ҳам ҳисоб берадимиз? – деб сўраб қолди. Мен эй амирул мўминин, гапираверайми? – деб сўрадим. Хотиржам гапираверинг, дегандан сўнг бундай дедим: Эй мўминлар амири, Аллоҳ учун сиз ҳурматлимисиз ёки Довудми!!! Қаранг, Аллоҳ Азза ва Жалла Довудга ҳам пайғамбарлик берган, ҳам Халифалик. Сўнг эса, Ўзининг Китобида бундай дея таҳдид қиляпти:

﴿يَدَاوُدُ إِنَّا جَعَلْنَاكَ خَلِيفَةً فِي الْأَرْضِ فَاحْكُم بَيْنَ النَّاسِ بِالْحَقِّ وَلَا تَتَّبِعِ الْهَوَىٰ فَيُضِلَّكَ عَنْ سَبِيلِ اللَّهِ إِنَّ الَّذِينَ يَضِلُّونَ عَنْ سَبِيلِ اللَّهِ لَهُمْ عَذَابٌ شَدِيدٌ بِمَا نَسُوا يَوْمَ الْحِسَابِ﴾

«Эй Довуд, дарҳақиқат Биз сени ерда халифа қилдик. Бас, одамлар орасида ҳақ билан ҳукм юрит ва ҳавои-нафсинга эргашиб кетма! Акс ҳолда, бу сени Аллоҳнинг йўлидан

оздирур. Албатта Аллоҳ йўлидан озадиган кимсалар учун ҳисоб-китоб кунини унутиб қўйганлари сабабли қаттиқ азоб бордир» [Сод 26]».

Қуртубий тафсирида бундай келган:

«**إِنَّا جَعَلْنَاكَ خَلِيفَةً فِي الْأَرْضِ**)», дегандан мурод, биз сенга маъруфга буюриб, мункардан қайтариш имкониятини бердик, бас, бу билан ўзингдан олдинги анбиёлар ва солиҳ имомларга ўринбосарсан, деганидир. Аллоҳ Таолонинг (**فَأَحْكَمَ بَيْنَ النَّاسِ بِالْحَقِّ**) **одамлар орасида ҳақ билан ҳукм юрит**), дегандан мурод, адолат билан ҳукм юрит, дегани бўлиб, бу вожиблик-фарзликка бўлган амрдир. Ушбу оят ҳукмдорни ўз билими асосида ҳукм юритишидан ман этмоқда. Чунки агар ҳукмдорларга ўз билимлари асосида ҳукм юритиш имконияти бериладиган бўлса, ўз дўстини сақлаб қолиш ва душманини ҳалок қилишни истаган пайтларида, улар ҳақидаги фақатгина ўзларидаги билимгагина таяниб қоладилар. Шунга ўхшаш, бир жамоа саҳоба رضي الله عنهم лардан, шу жумладан Абу Бакр رضي الله عنه дан ривоят қилинадик, у киши «агар мен бир кишига Аллоҳнинг жазо-ҳадини қўлламоқчи бўлсам, то бунга ўзимдан бошқанинг гувоҳлик бермагунча амалга оширмайман», деганлар. Ривоят қилинишича, бир аёл Умар رضي الله عنه нинг олдида келиб, «Мен учун фалончининг устидан ҳукм қилиб беринг, чунки сиз унда мен учун нима борлиги тўғрисида билимга эгасиз, деди. Шунда Умар «Агар сен учун гувоҳликка ўтишимни истасанг, майли. Аммо ҳукм қилишни истаётган бўлсанг, йўқ», деди. Саҳиҳи Муслимда Ибн Аббос رضي الله عنه дан қилинган ривоятда келишича, Росулulloҳ صلى الله عليه وسلم битта кишининг қасами ҳамда битта гувоҳ асосида ҳукм чиқарганлар. Ривоят қилинишича, Набий صلى الله عليه وسلم бир от сотиб оладилар, кейин, сотувчи савдодан тонади. Шунда ул зот сотувчи устидан ўз билимлари асосида ҳукм қилмайдилар, балки «Ким менга гувоҳликка ўтади?», деб сўрайдилар. Ул зотга Хузайма гувоҳликка ўтгач, ҳукм қиладилар. (Абу Довуд ва бошқалар ривояти)».

Табарий тафсирида бундай дейилади:

«Зикри олий бўлган Аллоҳ бу оятда бундай деяпти: Биз Довудга айтдикки, эй Довуд Биз сени ер юзида одамлар орасида ҳукм юритишинг учун ўзингдан олдинги пайғамбарлардан сўнг халифа қилдик. Бизга Мухаммад Аҳмаддан, у Асботдан, у Садийдан ушбуни ҳикоя қилдики, (**إِنَّا جَعَلْنَاكَ خَلِيفَةً فِي الْأَرْضِ**) **Биз сени ерда халифа қилдик**), дегани ер юзида подшоҳ қилдик, деганидир, (**فَأَحْكَمَ بَيْنَ النَّاسِ بِالْحَقِّ**) **одамлар орасида ҳақ билан ҳукм юрит**), дегани эса, адолат ва инсоф билан ҳукм юрит, деганидир. (**وَلَا تَتَّبِعِ الْهَوَىٰ**) **ҳавои-нафсинга эргашиб кетма**), дегани одамлар ўртасида ҳақ ва адолат ила ҳукм қилаётганингда нафс-ҳавоингдан таъсирланма,

акс ҳолда, ҳақиқатга нисбатан адолатсизлик қилган бўласан, деганидир. **(فِيضْلِكَ عَنِ سَبِيلِ اللَّهِ акс ҳолда, бу сени Аллоҳнинг йўлидан оздирур)**, дегани сен адолат билан ҳукм қилиш ва ҳаққа амал қилишда нафсингга эргашсанг, Аллоҳнинг имон аҳлига хос қилган йўлидан мойил бўлиб кетасан, оқибатда Аллоҳ йўлидан адашишинг билан ҳалок бўлганлардан бирига айланасан, демакдир».

Садий тафсирида бундай келган:

«Оятдаги **يٰۤاٰدٰمُ اِنَّا جَعَلْنٰكَ خَلِيْفَةً فِي الْاَرْضِ** **Эй Довуд, Биз сени ерда халифа қилдик**),дан мурод диний ва дунёвий ишлар борасида ҳукм юритишдир. **(فَاَحْكُم بَيْنَ النَّاسِ بِالْحَقِّ бас, одамлар орасида ҳақ билан ҳукм юрит)**, дегани, адолат билан ҳукм юрит, деганидир. Бунинг эса, вожибни билмагунча, воқеликни англамагунча ва ҳақни ижро этишга қодир бўлмагунча асло имкони йўқ. **(وَلَا تَتَّبِعِ الْهَوٰى) ҳавои-нафсинга эргашиб кетма**), дегани ўзингнинг бирор қариндошинг ёки дўстинг ёхуд яхши кўрганинг, умуман бошқаларга мойил бўлиб кетмагин, деганидир. **(فِيضْلِكَ عَنِ سَبِيلِ اللَّهِ акс ҳолда, бу сени Аллоҳнинг йўлидан оздирур)**, дегани бу сени сиротул мустақимдан оздиради, деганидир. **(الَّذِينَ يَصِلُونَ عَنِ سَبِيلِ اللَّهِ لَهُمْ عَذَابٌ شَدِيْدٌ يَّمَا تَسُوْا يَوْمَ الْحِسَابِ Албатта Аллоҳ йўлидан озадиган кимсалар учун ҳисоб-китоб кунини унутиб қўйганлари сабабли қаттиқ азоб бор)**, дегани улардан қасддан шундай қилганларга ҳисоб куни ўша унутганлари учун қаттиқ азоб бор, деганидир. Чунки агар улар буни унутмай-эслаганларида ва қалбларига қўрқув тушганида эди, фитна қилувчи нафс-ҳавога берилмаган бўлур эдилар».

Бағавий тафсирида бундай келади:

«**يٰۤاٰدٰمُ اِنَّا جَعَلْنٰكَ خَلِيْفَةً فِي الْاَرْضِ**) **Эй Довуд, Биз сени ерда халифа қилдик**), деган сўз бандаларнинг ишларини Бизнинг амримиз билан тадаббур қилиб, одамлар устидан ҳақ ва адолат ила ҳукм қилинг, демакдир». □

**ЯНГИЛАШ АЛЛОҲНИНГ ЎЗГАРМАС ВАЪДАСИ БЎЛИБ,
УНИ АЛЛОҲ УЛАР ОРҚАЛИ ДИННИ ТИРИЛТИРАДИГАН
ҲАМДА МУСУЛМОНЛАР ҲАЁТИДА ҚОИМ ҚИЛАДИГАН
ЗОТЛАР АМАЛГА ОШИРАДИ**

– Абу Ҳурайра رضي الله عنه Росулдуллоҳ ﷺнинг бундай деганларини ривоят вилади:

«إِنَّ اللَّهَ يَبْعَثُ لِهَذِهِ الْأُمَّةِ عَلَى رَأْسِ كُلِّ مِائَةِ سَنَةٍ مَنْ يُجَدِّدُهَا دِينَهَا»

«Аллоҳ ушбу Умнат учун ҳар юз йил бошида динни янгилайдиган зотларни чиқариб беради». (Абу Довуд ривоят қилган, Саховий ўзининг «Мақосиди ҳасана» китобида, Албоний «Силсилаи саҳиҳа» китобида саҳиҳ деганлар).

«Янгилаш-янгилаш» сўзининг луғавий маъноси нарсани янгига айлантиришдир. جدد الشيء яъни, нарса эскидан фарқли равишда янги бўлди. Шунга биноан «янгилаш» сўзи эскини янгилаш, яъни, эскини қайтадан аввал қандай бўлса ўшандай ҳолга келтиришдир, нарсани ўзгартириш ёки нарсани алмаштириш эмас. «Янгилаш» сўзининг шаръий маъносига келсак, ушбу динни Пайғамбаримиз ﷺ замонида бўлгандек, аввалги афзал уч асрдаги барқарор ҳолатига қайтармоқдир. Бу эса, динда эскирган нарсани жонлаштириш ва қайта тиклаш, бидъат ва янгиликлардан тозалаб, динни ҳаёт воқелигига ва оқимига қайтариш билан бўлади. Шунингдек, Исломни унга илашиб қолган куфр кирларидан тозалаш билан ҳамда худди илк даврда бўлгани каби, шаръий аҳкомларни шаръий тариқат асосида истинбот қилиб, уларни янги воқеа-ҳодисаларга тушириш, уларни фақат ваҳи йўлидан балқиб чиққан ечим орқали ҳал қилиш билан амалга ошади.

– Набий ﷺ марҳамат қилдилар:

«يُحْمِلُ هَذَا الْعِلْمُ مِنْ كُلِّ خَلْفٍ عُدُوهُ، يَنْفُونَ عَنْهُ تَحْرِيفَ الْعَالِينَ وَاتِّحَالَ الْمُبْطِلِينَ»

«Бу илмни ҳар бир асрдаги адолатли авлодлар кўтариб чиқадилар. Улар ғулув кетганлар томонидан қилинган бузиб кўрсатишларни ва сохтакорларнинг ёлғон даъволарини чиқариб ташлайдилар». Бу машҳур ҳадис бўлиб, уни Ибн Абдулбирр саҳиҳ деган, имом Аҳмад бир неча

кишидан эшитганини ва саҳиҳлигини айтган, аллома Ибн Қоййим ҳадис йўлларини «Мифтоҳи дорус-саодат»да зикр қилган.

Ҳадис шарҳида имом Нававий бундай дейди: «Бу ерда Набий ﷺ илмни сақлаб-авайланиши ва нақл қилувчиларнинг адолатли бўлиши, Аллоҳ ушбу илм учун одил авлодларни чиқариб бериши, улар илмни эгаллаб, уни ўзгартиришлардан фориғ этишлари, ундан кейин илм зое кетмаслиги ҳақида хабар бермоқдалар. Бу ҳар бир асрда илм соҳибларининг адолатли бўлиши ҳақида очик баёндир».

– Абдуллоҳ ибн Амр ривоят қилади: Биз Росулulloҳ ﷺ билан сафарда эдик. Бир жойга келиб қўндик. Биримиз чодир тикиш, биримиз найза отиш, биримиз уловини ўтлатиш билан машғул бўлиб турганимизда азончи «жамоат намозига», дея чақириб қолди. Росулulloҳ ﷺнинг ёнларига тўплангандик, бундай марҳамат қилдилар:

«إِنَّهُ لَمْ يَكُنْ نَبِيٌّ قَبْلِي إِلَّا كَانَ حَقًّا عَلَيْهِ أَنْ يَدُلَّ أُمَّتَهُ عَلَى خَيْرِ مَا يَعْلَمُهُمْ، وَيُنذِرَهُمْ شَرًّا مَا يَعْلَمُهُمْ، وَإِنَّ أُمَّتَكُمْ هَذِهِ جَعَلَ عَافِيَتَهَا فِي أَوْهْلِهَا، وَسَيَصِيبُ آخِرَهَا بَلَاءٌ وَأُمُورٌ تُنْكَرُونَهَا، وَتَجِيءُ فِتْنَةٌ يَرْقُقُ بَعْضُهَا بَعْضًا، وَتَجِيءُ الْفِتْنَةُ فِيَقُولُ الْمُؤْمِنُ: هَذِهِ مُهْلِكَتِي، ثُمَّ تَنْكَشِفُ، وَتَجِيءُ الْفِتْنَةُ فِيَقُولُ الْمُؤْمِنُ: هَذِهِ هَذِهِ. فَمَنْ أَحَبَّ أَنْ يُرْخَاحَ عَنِ النَّارِ، وَيَدْخُلَ الْجَنَّةَ، فَلْتَأْتِهِ مَنِيَّتُهُ وَهُوَ يُؤْمِنُ بِاللَّهِ وَالْيَوْمِ الْآخِرِ، وَلَيَأْتِ إِلَى النَّاسِ الَّذِي يُحِبُّ أَنْ يُؤْتَى إِلَيْهِ، وَمَنْ بَايَعَ إِمَامًا فَأَعْطَاهُ صَفْقَةً يَدِهِ، وَثَمَرَةَ قَلْبِهِ، فَلْيُطِعْهُ إِنْ اسْتَطَاعَ، فَإِنِ جَاءَ آخِرٌ يُنَازِعُهُ فَاصْرَبُوا عُنُقَ الْآخِرِ»

«Мендан олдин ўтган ҳар бир пайғамбар билган барча яхши нарсаларга ўз Умматини етаклар, билган барча ёмон нарсалардан уларни огоҳлантирар эди. Бу Умматга келсак, Аллоҳ Таоло унинг аввалини офиятли қилган. Охирида эса, бало-синовлар ва сизлар қайтарган мункар ишлар бўлади. Фитна ортидан фитна илашиб келаверади. Фитна келганда мўмин – шу фитна мени ҳалок этади, дейди... Кейин фитна кўтарилади. Фитна яна келади. Шунда мўмин буниси жуда ҳам катта фитна, дейди. Бас, кимда-ким дўзахдан қутулиб, жаннатга кирмоқни истаса, Аллоҳ ва охират кунига имон келтирган ҳолатда ўлими келсин (яъни

шундай ҳолатда ўлим топишга ҳарис бўлсин), келиши билан хушнуд бўладиган инсонлар олдига борсин-қўшилсин. Кимда-ким бир имом-халифа билан байъатлашса, у билан битим тузиб, аҳдлашса, қўлидан келганича унга итоат қилсин. Энди, агар бошқа биров келиб, бошқарувни талашса, уни ўлдиришлар».

– Росулulloҳ ﷺ бундай марҳамат қилдилар:

«بَدَأَ الْإِسْلَامُ غَرِيْبًا، وَسَيَعُوْدُ كَمَا بَدَأَ غَرِيْبًا، فَطُوْبَى لِلْغُرَبَاءِ» قيل: من هم يا رسول الله؟

قال: «الَّذِيْنَ يُصْلِحُوْنَ إِذَا فَسَدَ النَّاسُ»

«Ислом ғариб бўлиб бошланди ва яна аввалгидек ғарибликка қайтади. Ғарибларга тубо жаннати бўлсин. Шунда саҳобалар, улар кимлар, ё Росулulloҳ? деб сўрашди. Пайғамбар ﷺ: **Одамларнинг бузганини ўнглайдиган кишилардир**, дея жавоб берди». (Абу Амр Доний «фитан»да ривоят қилган, Албоний саҳиҳ деган). Термизий ривоят қилган яна бир ҳадисда

«فَطُوْبَى لِلْغُرَبَاءِ الَّذِيْنَ يُصْلِحُوْنَ مَا أَفْسَدَ النَّاسُ مِنْ بَعْدِي مِنْ سُنَّتِيْ»

«Мендан кейин одамлар суннатимдан баъзиларини бузганларида, уни ўнглайдиган ғарибларга Тубо жаннати бўлсин», дейилган. (Термизий бу ҳадисни саҳиҳ деди). Нававий Саҳиҳи Муслим шарҳида ушбу ҳадис маъноси тўғрисида қози Иёзнинг мана бу сўзларини келтирган: «Ислом санокли ва озчилик инсонларда бошланди, сўнг ёйилиб, ғолиб бўлди. Кейин эса, Исломга бузиш ва шикаст етади. Ҳатто худди бошланган пайтдагидек, яна санокли ва озчилик инсонлардагина қолади». «Фатово лажнату доима»да бундай келган: «Бу ҳадиснинг маъноси шуки, Росулulloҳ ﷺ одамларни даъват қилган вақтда Ислом ғариб бўлиб бошланган. Ул зотнинг даъватларини якка шахслар битта-битта қабул қилишар эди. Ўшанда Ислом ўз аҳлининг ғариблиги сабабли ғариб эди. Яъни муслмонлар сонлари оз, заиф эдилар. Душманлари эса, кўп ва кучли бўлиб, туғёнга берилган, муслмонларга зулм қилар эди. Ниҳоят, динини фитналардан асраш, озор, таъкиб, зулм ва истибдоддан ўз жонини сақлаб қолиш учун баъзилари Ҳабашистонга хижрат қилди. Ҳатто Росулulloҳ ﷺ қаттиқ озорларга дуч келганларидан сўнг, даъватларига ёрдам қилиб, Исломга нусрат берадиган кишиларни Аллоҳ томонидан чиқариб

берилишини умид қилиб, Аллоҳ Таолонинг амри ила Мадинага ҳижрат қилдилар. Ҳақиқатда ҳам Аллоҳ ул зотнинг умидларини рўёбга чиқарди, Ўз кўшинларини кучли қилиб, бандасига нусрат берди, Ислом давлати барпо бўлиб, Аллоҳнинг қудрати ила Ислом бутун ер юзига тарқалди. Аллоҳ Субҳанаҳу куфр сўзини тубан, Ўзининг калимасини олий қилди, Аллоҳ Азиз ва Ҳаким зотдир. Куч-қудрат – Аллоҳ, Росули ва мўминларга хосдир. Ушбу иш шу зайл узоқ вақт давом этди. Аммо кейинчалик бўлиниш ва ваҳн пайдо бўлди. Муслмонлар орасига аста секин заифлик ва муваффақиятсизлик сизиб кира бошлади ва ниҳоят Ислом худди аввалгидек яна ғариб бўлиб қолди. Бунга муслмонларнинг озчилик бўлганликлари сабаб бўлмади. Аксинча, улар кўпчилик эдилар. Бу нарсага ўз динларини маҳкам ушламаганликлари ва Парвардигорларининг Китобига боғланмаганликлари, Росулulloҳ ﷺнинг йўлларида қайтганликлари сабаб бўлди. Фақат Аллоҳ истаган кишиларгина бундан омон қолдилар. Шунингдек, муслмонларнинг ўзлари билан ўзлари овора бўлиб қолишлари, дунёга муҳаббат қўйишлари, ўзларидан аввалгилар каби мол-дунё йиғишда бир-бирлари билан мусобақалашушлари, дунёга амирлик қилиш ва бойликларини тўплаш устида бир-бирлари билан қирпичоқ бўлишлари сабаб бўлди... Ана шунда Ислом душманлари муслмонлар орасига кириб олишга, юртларини босиб олишга, ўзларини қул қилиб, мустамлака қилишга, аҳлини хорлашга, бошларига не-не азобларни солишга муваффақ бўлишди. Айни мана шу нарса Исломнинг аввалги бошланган ғариблик ҳолатига қайтишидир».

Муфассирлар жамоаси, шу жумладан, шайх Муҳаммадрошид Ризо – ушбу ҳадисда иккинчи марта ғарибликдан сўнг Исломнинг нусрат кучиши тўғрисида башорат бор, деганлар. Улар буни «وسيعود غريبًا كما بدأ» **яна аввалгидек ғарибликка қайтади**», сўздан ташбиҳан олганлар. Яъни, улар Ислом аввалида ғариб бўлиб, кейин муслмонлар кучга тўлиб, Ислом дунёга ёйилдими, демак, кейингисида ҳам ғариб бўлганидан кейин яна нусрат келади, Ислом кенг ёйилади, дейдилар.

– Бухорий ва Муслим Муғира ибн Шўъбадан Росулulloҳ ﷺнинг бундай деганларини ривоят қилади:

«لَا تَزَالُ طَائِفَةٌ مِنْ أُمَّتِي ظَاهِرِينَ حَتَّى يَأْتِيَهُمْ أَمْرُ اللَّهِ وَهُمْ ظَاهِرُونَ»

«Умматимдан бир тоифаси ғолиб бўлиб бораверади. Ҳатто шу ҳолатда турганларида Аллоҳнинг нусрати келади». Муслим ривоятида бундай келган:

«لَا تَزَالُ طَائِفَةٌ مِنْ أُمَّتِي قَائِمَةٌ بِأَمْرِ اللَّهِ لَا يَضُرُّهُمْ مَنْ حَذَهُمْ أَوْ خَالَفَهُمْ حَتَّى يَأْتِيَ أَمْرُ اللَّهِ وَهُمْ ظَاهِرُونَ عَلَى النَّاسِ»

«Умматимдан бир тоифаси доим Аллоҳнинг буйруғини бажаришда давом этади. Ёрдамсиз қолдирганлар ва қарши чиққанлар уларга зарар етказа олмайди. Ва ниҳоят, инсонлар устидан ғолиб бўлиб турганларида Аллоҳнинг нусрати келади». Ушбу ҳадисни Шайхул Исломо роҳимаҳуллоҳ бундай изоҳлайди: «Бу ҳадис барча имомлар томонидан кўп марта исботлангани жиҳатидан собит мутавотир ҳисобланади. Бошқачароқ лафзлар билан икки саҳиҳда ва бошқа саҳиҳларда келган. Ушбу ҳадис усули дин масалаларида Умматнинг ихтилоф ва бўлинишга юз тутиши ҳақида хабар бермоқда. Шунинг учун Пайғамбар алайҳиссалом Уммат орасидаги бу тоифани то қиёмат кунига қадар нажот топувчи ва нусрат кучувчи, Аллоҳ ва Росулнинг амрини доим бажарувчи, дея сифатладилар. Демак, ер юзи Аллоҳ учун ҳужжат билан турувчилардан асло холи бўлмайди ва бу Аллоҳ Таолонинг ушбу Умматга марҳаматидан биридир. Зеро, динни янгилаш ва диндаги тўхтаб қолган нарсаларни жонлантириш билан ҳамда одамларни динга қайтишга ва қандай нозил бўлган бўлса, ўшандай ҳолатда амал қилишга даъват қилиш билан шуғулланадиганлар айни шу тоифадир ёки ушбу тоифа сафидаги баъзи кишилардир.

Бу бобда бошқа ҳадислар ҳам бор. Лекин бу ҳадисларнинг қанчалар муҳим эканини англамоғимиз учун албатта баъзи нарсаларни ёритмоғимиз керак. Жумладан:

Динни янгилаш ҳақидаги ҳадисларга келсак, унда Уммат учун шаръий хабар мавжуд. Яъни, хабарга кўра, ушбу динда вақти-вақти билан бир ўзгариш пайдо бўлиб туради. Аммо Аллоҳ Субҳанаҳу диндан бундай нарсаларни доим узоқлаштиришни ирода қилади, ҳеч қандай ўзгаришни қолдирмай, мусулмонларга ораларидан ушбу дини Исломга ёпишиб олиши мумкин бўлган барча ёт нарсаларни тозалаб, мусаффо қилиб турувчи зотларни чиқариб туради. Ушбу

кишилар орқали Аллоҳ динни бидъатлардан тозалаб, худди аввалгилардек тушунишларига ёрдам беради, динга ёт бўлган-янгиликларни қайта-қайта кетказади, шубҳаларни аритиб, йўқ қилади. Аллоҳ Субҳанаҳу ушбу

﴿إِنَّا نَحْنُ نَزَّلْنَا الذِّكْرَ وَإِنَّا لَهُ لَحَافِظُونَ﴾

«Албатта бу эслатмани (яъни Қуръонни) Биз Ўзимиз нозил қилдик ва шубҳасиз, Ўзимиз уни сақлагувчимиз»

[Ҳашр 9]

оятда диннинг нусусларини сақлашини таъкидлаганидек, бу динни худди Росулulloҳ ﷺ ва асҳоблари ﷺ лар тушунганидек тоза соф ва тиниқ шаклда тушунишни сақлаб қолган зотларни чиқариб бериши ҳам У зотнинг раҳмат ва фазлидан ҳисобланади. Токи, Ислому Аллоҳнинг баъзи халқлари фойдасига ёки баъзиларининг зарарига ўз камолида ва тўлиқ неъматлигида қиёмат кунига қадар сақланиб турсин.

Ушбу ҳадислар ўтган аждодлар сафида ҳам ер юзидаги бузғунчиликни қайтарадиган боқий дин эгалари мавжуд бўлганилиги тўғрисидаги Қуръони Каримда зикр қилинган куйидаги хабарга жуда-жуда ўхшамоқда:

﴿فَلَوْلَا كَانَ مِنَ الْقُرُونِ مِن قَبْلِكُمْ أُولُوا بَقِيَّةَ يَنَّهُوْنَ عَنِ الْفَسَادِ فِي الْأَرْضِ إِلَّا

قَلِيلًا مِّمَّنْ أَحْبَبْنَا مِنْهُمْ ۗ وَاتَّبَعَ الَّذِينَ ظَلَمُوا مَا أُتْرِفُوا فِيهِ وَكَانُوا مُجْرِمِينَ﴾

«Бас, сизлардан аввалги асрларда ўтганлар орасида ҳам ерда бузғунчиликдан қайтарадиган боқий (дин) эгалари бўлганларида эди. Уларнинг ичларида фақат Биз нажот берган камдан-кам кишиларгина (шундай зотлар эдилар). Золим кимсалар эса ўз маишатларига берилиб кетдилар ва жиноятчи бўлиб қолдилар»

[Худ 116]

Худди шунингдек, Аллоҳ Субҳанаҳу Уммати Ислому орасида ҳам шундай бир боқий дин эгаларини чиқариб турибдики, улар бузғунчиликни қайтармоқдалар, уларнинг орасида ҳақ асло зое кетмаяпти, аксинча, Аллоҳ уларнинг қўли билан динни жонлантириб, мусулмонлар учун уни барпо этмоқда. Шу маънода имом Аҳмаднинг гўзал бир сўзлари келган (шунингдек, бу сўзнинг саййидимиз Умар ибн Хаттобга тегишли экани ҳам айтилади): «Аллоҳга ҳамд бўлсинки, У зот пайғамбарлардан холи бўлган ҳар бир замонда залолатга тушганларни ҳидоятга йўллайдиган, озорларга сабр

қиладиган, кўзи кўрмаётганларга Аллоҳнинг нурини кўрсатадиган аҳли илмларни қолдирди. Иблис ўлдирган қанча-қанча инсонни тирилтирадилар, қанча-қанча йўлдан озганларни йўлга бошлайдилар. Бас, уларнинг инсонларга яхши таъсири нақадар чиройли, инсонларнинг уларга бўлган ёмон таъсири нақадар хунук! Улар ғулув кетганларнинг Аллоҳнинг Китобини ўзгартиришга қаратилган ҳаракатларини, ботилларнинг залолатларини, гумроҳларнинг таъвилларини қайтарадилар. Аммо бу гумроҳлар фитна жиловига эрк бериб, Китоб борасида ихтилоф қилган, Китобга қарши чиқишга иттифоқ қилган, Аллоҳга, Аллоҳ ҳақида ва Аллоҳнинг Китоби бўйича илмсизлик билан гапирган кимсалардир. Бу кимсалар каломдан муташобихлари борасида гап сотишади, илмсиз одамларни уларга иштибоҳли бўлган нарсалар билан алдашади... бундай залолатдаги кимсалардан Аллоҳдан паноҳ сўраймиз».

Аллоҳ Субҳанаҳу Росули акрим ﷺ ни анбиёлар хотами, дини Исломни динларнинг хотами қилди. Шу билан бир вақтда, халифаларга Аллоҳ нозил қилган аҳкомлар билан ҳукм юритиш ва фуқаро ишларини бошқариш бўйича анбиёлар вазифасини топширди. Шу тарзда Исломда дин ўзининг вазифаси билан шуғулланишдан тўхтамайди. Зеро, бу вазифа – то қиёмат кунига қадар одамларни рошид Халифаликка ва ўзларига гувоҳлик бурувчи одил халифаларга йўллаш вазифасидир. Биз бугунги кунда анбиёлар вазифасини бажарадиган ва улардан халифаларга мерос бўлиб ўтадиган Халифаликни бекор қилинганини, Ислом аҳкомларининг асосий қисми татбиқдан тўхтаганини кўриб турибмиз. Демак, шаръан талаб қилинган нарса, рошид Халифаликни барпо этиш орқали динни тўлиқ қоим қилишдир. Халифалик рошид бўлиши учун эса, унинг вазифаси бажарилмоғи ва Ислом татбиқ қилинмоғи, татбиқ қилинганда ҳам худди Умнатнинг биринчи бошловчиларининг, яъни, Пайғамбарлик ва сўнг рошид Халифалик давридагиларнинг тариқати бўйича татбиқ қилинмоғи шарт. Токи, биз бугунги кунда диннинг янгиламиши ушбу рошид Халифаликни барпо этиш билан амалга ошади, дея тўлиқ ишонч ва хотиржамлик билан айта олайлик.

Аллоҳ Субҳанаҳу ўтган умматларни курун-юз йилликлар, деб сифатлади ва ҳар бир умматга ажал ва ҳалок бўлишлари учун муддат белгилади. □

САЛМОН ФОРСИЙНИНГ ИСЛОМГА КИРИШИ


Аксар саҳобаларнинг Исломни қандай қабул қилгани ҳақида яхши хотиралар бор. Бу хотиралар Салмон Форсий رضي الله عنه га ўхшаган ҳақ келишидан олдин уни излаган покиза қалблар ҳақида сўзлайди. Саҳобалар орасида Абу Бакр Сиддиқ رضي الله عنه каби Росулulloҳ صلى الله عليه وسلم нинг даъватини эшитиши билан ҳеч иккиланмасдан ҳақни қабул қилган зотлар ҳам бор эди. Бу ҳақида Росулulloҳ صلى الله عليه وسلم шундай дейдилар:



«مَا دَعَوْتُ أَحَدًا إِلَى الْإِسْلَامِ إِلَّا كَانَتْ عِنْدَهُ كِبَوَّةٌ، وَتَرَدَّدُ، وَنَظَرٌ، إِلَّا أَبَا بَكْرٍ، مَا عَمَّ حِينَ دَعَوْتُهُ، وَلَا تَرَدَّدَ فِيهِ»

«Кимни Исломга даъват қилсам, бироз иккиланиб, сўнг қабул қилар эди. Абу Бакр эса, ҳеч иккиланмасдан қабул қилди». Росулulloҳ صلى الله عليه وسلم Пайғамбар бўлиб келишларидан олдин ҳам бутларга ибодат қилиш ва уларнинг атрофида тавоф қилишни инкор қилган, ҳақ динни излаган кишилар бор эди. Ибн Ҳишом улардан тўрттаси ҳақида зикр қилган бўлиб, улар Варақа ибн Навфал, Убайдуллоҳ ибн Жаҳш, Усмон ибн Ҳувайрис ва Зайд ибн Амр ибн Нуфайл эди. Ибн Ҳишомнинг ёзишича, улар байрам куни бир санам олдида тўпланиб, ўзаро бундай дер эдилар: Аллоҳга қасамки, қавмингиз ҳақ динда эмас, улар оталари Иброҳим عليه السلام динини ўзгартириб юборишган, биз тавоф қилаётган тош ҳеч нарса эмас, у эшитиб кўра олмаса, зарар ҳам, фойда ҳам келтирмаса, қанақасига илоҳ бўла олади?

Биродарлар, ўзимиз учун бирор ҳақ дин қидирайлик дейишди. Сўнг улар Иброҳим عليه السلام дини, ҳақ динни излаб атроф мамлакатларга тарқалиб кетдилар... Уларнинг ичида Росулulloҳ صلى الله عليه وسلم пайғамбар қилиб юборилишларидан олдин яшаган кишилар, шунингдек, биз ушбу мақолада сўз юритмоқчи бўлган Салмон Форсий каби Ул Зотнинг пайғамбарлиги даврида яшаганлари ҳам бор. Бундай кишилар келажакда ҳам тўхтамай чиқаверади. Токи муслмонлар ва барча одамлар шуни билсинларки, Аллоҳ Таоло ҳар бир инсонга фитрат берган. Бу фитрат инсонни ундаги табиий ожизлик натижасида, тенги йўқ, мударбир яратувчи Аллоҳни топишга ундайди.

Салмон Форсий رضي الله عنه нинг куняси Абу Абдуллоҳ бўлиб, у Ислом келишидан олдин мажусий, насроний ва яҳудийлар орасида яшади. Аллоҳ уни ҳидоятлагунга қадар ҳақ динни излашда давом этди ва Пайғамбаримиз صلى الله عليه وسلم Мадинага келганларида Исломга кирди. Бадр ва Уҳуд жангида қуллиги сабабли қатнаша олмади. У қатнашган биринчи ғазот Набий صلى الله عليه وسلم билан бирга Хандақ ғазоти бўлди. У мана шу машҳур ғазотда хандақ қазиш фикрини таклиф қилди. Заҳабий

бу ҳақда шундай дейди: «Салмон  ақлли, обид, олийжаноб ва фаросатли киши эди». Ибни Асокир айтади: У Салмон ибн Ислом, Абу Абдуллоҳ Форсий, форслардан биринчи бўлиб Исломга кирган, Пайғамбаримизга ҳамроҳ бўлган, у кишига хизмат қилган ва у зотдан ҳадислар ривоят қилган кишидир.

Салмон нинг Исломга кириш қиссаси ҳақида Аҳмад ўзини муснадида ҳасан исноди билан Абдуллоҳ ибн Аббосдан ривоят қилиб айтади: Салмон Форсий  ўз ҳаёти, Ислом динига кирганлиги ва абадий саодатга қандай эришганлиги ҳақида шундай дейди:

«Мен Исфаҳондаги Жайй қишлоғилик форсларданман. Отам қишлоқ раиси бўлиб, мени жуда яхши кўрарди. У мени қаттиқ яхши кўрганидан, худди қизлардек уйдан ташқарига чиқармас эди. Биз мажусий эдик. Мен бу динга қаттиқ берилиб, оташпарастлар сиғинувчи оловни ёқувчи даражасига етишдим. Бу олов доим ёниб туриши лозим, бир лаҳза ҳам ўчмаслиги керак эди. Отамнинг каттагина ери бор эди. Бир куни у уй ишлари билан машғул бўлиб қолиб, менга: «Ўғлим менинг ишим кўпайиб кетди, шунинг учун сен бориб, ердан хабар олиб келсанг», деди. Отам менга у ерда қилишим керак бўлган баъзи ишларни буюрди. Сўнгра: «Узоқ қолиб кетмагин, мен хавотир оламан. Чунки биласан, сен мен учун еримдан ҳам, бошқа нарсалардан ҳам кўра азизроқсан», деди. Шундан сўнг мен уйдан чиқиб, отамнинг ери томон йўл олдим. Йўлда насронийларга тегишли бир каниса (черков) олдидан ўтиб, уларнинг ибодатлари овозини эшитиб қолдим. Уйдан чиқмаганим учун бунини биринчи бор кўришим эди. Уларни кўриш учун ичкарига кирдим. Насронийларнинг ибодати мени қизиқтириб қўйган эди. Мен ичимда: «Қасамки, бу бизнинг динимиздан яхшироқ», дедим. У ерда қуёш ботгунгача қолиб кетдим.

Отамнинг ерига ҳам бормадим. Мен насронийлардан бу диннинг асли қаердалигини сўрадим. Улар Шомдалигини айтдилар. Сўнг отамнинг олдига қайтиб келдим. У мени қидиргани одам юборган экан. Уйга келганимда менинг қаерда бўлганимни сўради ва менга: «Сендан хавотир олишимни айтган эдим-ку», деди. Мен отамга бўлган воқеани айтиб бердим. Отам менга: «Бу динда яхшилик йўқ. Ота-боболаринг дини бу диндан яхшироқ» деди. Мен унга: «Йўқ, бу дин ҳақиқатда ҳам бизникидан яхшироқ» дедим. Отам мендан кўрқиб, оёқларимни кишанлаб, уйга қамаб қўйди». Салмон: «Мен насронийларга элчи юбориб, Шомдан карвон келса, менга хабар беринглар», дедим.

Шомдан тижорат карвони келганини эшитганимда, карвон бу ердаги ишини тугатиб, ортга қайтаётганида менга хабар беринглар, дедим. Улар шундай қилдилар. Мен оёғимдаги

кишанларни узиб, карвонга қўшилиб, Шомга келдим ва улардан: «Бу диндаги энг олим киши ким?» деб сўрадим. Улар канисадаги бир руҳонийни кўрсатишди. Мен руҳонийнинг олдига бориб, бу динга қизиқишимни, бу дин илмларини ўрганмоқчилигимни, у билан ибодат қилмоқчи эканимни билдирдим. У бунга рози бўлди, мен канисада қолдим. Аммо бу руҳоний ёмон одам бўлиб, одамларни садақа қилишга чорлар, садақаларни ўзида олиб қолиб, бева-бечораларга тарқатмас эди. У шундай қилиб, етти хумда тилла ва кумуш жамғарган эди. Мен бу ишларини билгач, уни жуда ёмон кўриб қолдим. Руҳоний оламдан ўтиб, насронийлар уни дафн этиш учун тўпланган вақтларида, мен одамларга унинг қилмишларини айтиб бердим. Улар: «Билсанг нима бўлибди?! Унда тўплаган бойликлари қани?», деб сўрадилар. Мен уларга бойликлар яширилган жойни кўрсатдим. Одамлар у ердан етти хум тўла тилла ва кумушларни олиб чиққанларида: «Қасамки, биз уни асло дафн этмаймиз», дейишди. Сўнг уни дорга осиб, жасадини тошбўрон қилишди ва ўрнига бошқа кишини сайлашди.

Салмон сўзида давом этди: «Мен янги руҳонийдан кўра кўпроқ ибодат қилувчи, дунёдан воз кечган, охиратга рағбатли ҳамда туну-кун ибодатга берилган кимсани кўрмаган эдим. Шу боисдан мен уни жуда ҳам яхши кўриб, у билан узоқ вақт бирга қолиб кетдим. Сўнг унинг ҳам ўлим соати яқинлашди. Мен унга: «Мен сиз билан узоқ вақт бирга бўлдим, сизга жуда қаттиқ муҳаббат қўйдим. Аммо кўриб турганингиздек, сизга Аллоҳнинг ҳукми яқин турибди. Ўзингиздан кейин кимга боришимни васият қиласиз, мени нимага буюрасиз?» дедим. У: «Ўғлим, Тангрига қасамки, мен бу кунларда бирорта ўзимдек кимсани билмайман. Чунки одамлар залолатга кетиб, бу диндаги кўп нарсаларни ўзгартириб юборганлар. Аммо Мавсил деган жойда бир кишини биламан, у ҳам мендек ҳақ динда, сен унинг ёнига бор», деб маслаҳат берди. Руҳоний вафот этиб, дафн этилгач, васияти бўйича Мавсилга бордим. У ердаги роҳибга: «Фалон руҳоний вафоти олдидан сизга шогирд бўлишимни васият қилиб кетди, сизнинг ҳам у каби ҳақ динда эканингизни айтди», дедим. У мени қабул қилди ва ҳузурда қолишимга рози бўлди. Мен унинг олдида қолдим. Унинг ҳам биродари каби солиҳ киши эканини кўрдим. Бироқ кексайиб қолган эди. Унинг ҳам ажали етиб қолди. Ўлим тўшагида ётганида унга: «Тақсир, фалончи ўлими олдидан менга сизнинг олдингизга келишни васият қилиб кетганди. Сизга ҳам Аллоҳнинг ҳукми яқин келиб турибди. Энди кимнинг олдига боришимни маслаҳат берасиз, менга нимани буюрасиз?» дедим. У: «Ўғлим, қасамки, бу борада мен билган киши Насибиндаги фалончи бўлиб, у бизга ўхшаб ҳақ диндадир», деди. Мавсилдаги устозим вафот этгач, мен Насибинга кетдим, у ердаги

роҳибга устозим айтган сўзларни етказдим. У мени қабул қилди. Унинг ҳам аввалги икки роҳиб сингари солиҳ киши эканини кўрдим. Унга ҳам ажали яқин келиб қолди. Мен ундан ўзидан кейин кимга боришим ва нима қилишим кераклигини сўрадим. У менга Аммурия деган жойдаги роҳиб олдига боришни маслаҳат берди.

«Устозим вафот этиб, дафн этилгач, мен Аммуриядаги роҳиб олдига бордим ва бўлиб ўтган гапларни айтдим. У ҳам мени қабул қилди. У ҳам шериклари каби яхши ва ҳидоятдаги одам эди. Мен унинг олдида касбу-кор қилиб, бир қанча мол-қўйларга эга бўлдим. Унга ҳам ажал келиб қолди, мен ундан кейин кимга боришим ва нима қилишим кераклиги ҳақида сўрадим. У: «Ўғлим Аллоҳга қасамки, мен сенга маслаҳат беришим мумкин бўлган ўзимизга ўхшаган бирор кимсани билмайман. Аммо яқинда чиқажақ пайғамбарнинг вақти келиб қолди. У Иброҳим عليه السلامнинг дини билан юборилиб, Арабистон ерларидан чиқади. Унинг ҳижратгоҳи икки қора тоғ оралиғидаги хурмозор жой бўлади. Унинг ўзига хос белгилари бўлиб, ҳадя қилинган нарсани ейди, аммо садақани емайди; унинг икки кураги орасида пайғамбарлик муҳри бўлади. Агар қодир бўлсанг, шу шаҳарга бориб, унга эргаш», деди. «Сўнг бу роҳиб ҳам вафот этиб, дафн этилгач, мен Аммурияда бир қанча вақт қолиб кетдим. Бир куни олдимдан Калб қабиласидан бўлган савдогарлар ўтиб қолишди. Улардан мени ўзлари билан олиб кетишларини илтимос қилиб, эвазига барча чорваларимни беришимни айтдим. Улар рози бўлиб, чорваларим эвазига ўзлари билан олиб кетдилар. Улар Водил-қуро деган жойга етганда менга зулм қилиб, бир яҳудийга қул қилиб сотиб юборишди. Мен яҳудий ҳузурда қолиб кетдим. У ердаги хурмо дарахтларини кўриб, устозим айтган жой кошки шу бўлса, деб орзу қилдим. Аммо кўнглим буни тасдиқламас эди. Бир куни хўжайинимнинг олдига Мадинадаги Бану Қурайза яҳудийларидан бўлган жияни келиб қолди. У мени сотиб олиб, ўзи билан Мадинага олиб кетди. Қасамки, бу ерни кўришим билан менга таъриф қилинган шаҳар шу эканлигига шубҳам қолмади ва янги хожамниқида яшай бошладим. Вақт ўтиб Маккада Росулulloҳ صلى الله عليه وسلمнинг пайғамбар бўлганлари ҳақидаги хабарлар тарқалди. Аммо мен қул бўлиб, ихтиёрим ўзимда бўлмагани учун у зот ҳузурларига бора олмасдим. Сўнг Росулulloҳ صلى الله عليه وسلم Мадинага ҳижрат қилиб келдилар. Ўша куни мен хожамга тегишли бир хурмо дараhti тепасида ишлаётган эдим. Хожам эса, дарахт остида ўтирарди. Шу пайт унинг бир жияни келиб: «Амаки, Аллоҳ Бану Қайлани ҳалок қилсин! Улар Қубо қишлоғида бугун Маккадан келган кишини пайғамбар деб байъат беряптилар», деди. Салмон айтди: «Мен бу хабарни эшитиб, титраб кетдим. Ўзимни тўхтата олмай, хожам устига йиқилиб тушай

дедим. Дарахтдан тушиб, хожамнинг жиянидан: «Нималар деяпсиз?» деб сўрадим. Шу пайт хожам дарғазаб бўлиб юзимга қаттиқ тарсаки туширди. Сўнг: «Сенга нима, бор, ишингни қил», деди. Мен: «Ҳечқиси йўқ, мен аниғини билмоқчи эдим, холос», дедим.

Мен бир оз егулик тўплаб қўйган эдим. Кеч киргач, уни олиб, Росулulloҳ ﷺнинг ёнларига Қубо қишлоғига бордим ва ҳузурларига кириб: «Менга сизни яхши одам деб айтишганди. Бунинг устига атрофингизда мусофир биродарларингиз ҳам бор экан. Мен садақа атаб қўйгандим. Бунга сизлардан лойиқроқ одам топмай, сизларга олиб келдим», дедим. Росулulloҳ ﷺ олдиларига қўйилган таомга саҳобаларни чорлаб, уни ейишга буюрдилар. Аммо ўзлари ундан қўл тортиб, емадилар. Ичимда: «Бу биринчиси», дедим. Сўнг ортимга қайтиб, яна егулик тўладим ва бу орада Росулulloҳ ﷺ Мадинага келдилар. Сўнг у зотнинг ҳузурларига яна келиб: «Мен сизнинг садақа емаслигингизни кўрдим, буларни сизга ҳадя сифатида олиб келдим», дедим. Пайғамбар ﷺ ундан ўзлари ҳам еб, саҳобаларни ҳам ейишга буюрдилар ва улар ҳам биргаликда едилар. Мен ичимда: «Бу иккинчиси», дедим. Кейин, у зотнинг ҳузурларига Мадинадаги Бақийъ Фарқад қабристонига турган вақтларида келдим. Ўзим билан иккита қалин мато ҳам олиб келган эдим. Росулulloҳ ﷺ саҳобалар билан бирга ўтирар эдилар. Мен у зотга салом бериб, орқа томонларига ўтдим. Ниятим орқаларидаги белгини кўриш эди. Пайғамбар ﷺ орқаларига ўтганимни кўриб, тўнларини тушириб, курақларини кўрсатдилар. Мен пайғамбарлик муҳрини кўриб, дарҳол танидим ва у зотга ўзимни ташлаб, йиғлаган ҳолда муҳрдан ўпа бошладим. Росулulloҳ ﷺ менга: «Олдимга ўт», дедилар. Мен у зотнинг олдиларига ўтириб, бошимдан ўтганларни худди, эй Аббоснинг ўғли, сенга айтиб берганимдек, сўзлаб бердим. Росулulloҳ ﷺ бу гапларни қолган саҳобаларга ҳам айтиб беришимни хоҳладилар». Салмон имон келтирган вақтда, қўл бўлгани учун, Бадр ва Уҳуд жангларида қатнаша олмади.

Салмон деди: «Сўнг Росулulloҳ ﷺ менга ўзимни мукотаб қилишга буюрдилар. Мен хожам билан уч юз тўп экилган ва кўқарган хурмо кўчати ҳамда қирқ уқия тиллага шартнома қилдим. Росулulloҳ ﷺ саҳобаларга: **«Биродарингизга ёрдам беринг»**, дедилар. Улар менга ёрдам бера бошладилар. Биров ўттизта хурмо кўчати, биров йигирмата, кимдир ўн бешта, яна кимдир ўнта, хуллас ҳар ким ўз ҳолига қараб эҳсон қилар эди. Шу тарзда уч юз тўп кўчат жамланди. Кейин Пайғамбар ﷺ менга уларни экиш учун чуқур кавлашга ва кавлаб бўлгач, хабар беришимни буюрдилар. Мен биродарларим ёрдамида чуқурларни кавлай бошладим.

Чуқурлар тайёр бўлгач, Росулulloҳ ﷺ га хабар бердим. У зот мен билан бирга ўша ерга келдилар ва кўчатларни эка бошладилар. Биз эса, уларни келтириб турардик. Кўчатлар экилиб ҳам бўлди. Салмоннинг жони қўлида бўлган зотга қасамки, кўчатлар бирортаси қолмай кўкарди. Мен зиммамдаги кўчат қарзимни узиб бўлдим, энди тилладаги қарзимни узишим керак эди. Бир куни Росулulloҳ ﷺ га конлардан бирида топилган товуқ тухумича келадиган бир олтинни олиб келишибди. Пайғамбар ﷺ «Салмон Форсийнинг қарзи нима бўлган?» деб, мени чорлабдилар. Менга: «Мана буни олиб, қарзингни тўлаб кел», дедилар. Мен: «Бу ҳаммасига етармикан?!» дедим. У зот: «Сен боравер! Аллоҳ ўзи сени қарзингни узади», дедилар. Мен уни олиб бориб, қарзимни тўлаш учун тарозига қўйдим. Жоним қўлида бўлган зотга қасамки, у қирқ уқия эди. Мен уни қарзимга бериб, ўзимни озод қилдим ва Росулulloҳ ﷺ билан Хандақ ғазотида озод киши бўлиб иштирок этдим. Шундан кейин бирорта ғазотдан қолмадим». Бу Аллоҳнинг ҳақ динига эргашган, шу йўлда қимматбаҳо нарсаларини сарфлаган ва Аллоҳнинг ер юзидаги ҳужжатига айланган, олий ҳиммат кишилардан бири ҳақидаги ибратли ҳикоядир. Яна бу кимки холис ният билан ҳақни изласа, Аллоҳ уни ўша ҳақ томон йўллаши ва уни улуғ неъматлар билан сийлаши ҳақидаги қиссадир.

Бу қиссада Муҳаммад ﷺ ни Пайғамбар эканини тасдиқловчи далил бор. Салмон Пайғамбаримизнинг сифатларини Аммуриялик роҳибдан эшитган бўлиб, роҳиб унга охириги замон Пайғамбарини шундай сифатлаган эди: «Аммо яқинда чиқажак пайғамбарнинг вақти келиб қолди. У Иброҳим ﷺ нинг дини билан юборилиб, араб ерларидан чиқади. Унинг хижратгоҳи икки қора тоғ оралиғидаги хурмозор (Мадинаи Мунаввара) бўлади. Унинг ўзига хос белгилари бўлиб, ҳадя қилинган нарсани ейди, аммо садақани емайди; унинг икки кураги орасида пайғамбарлик муҳри бўлади. Агар қодир бўлсанг, шу шаҳарга бориб, унга эргаш». Салмон ﷺ ушбу сифатларни пайғамбаримизда топгач, у кишини ҳақ пайғамбар экани, балки пайғамбарларнинг охиригиси эканини билди.

Анас ﷺ ривоят қилган ҳадисда Росулulloҳ ﷺ Салмон ва унга ўхшаганлар ҳақида шундай гувоҳлик берган эди:

«السَّبَّاقُ أَرْبَعَةٌ، أَنَا سَابِقُ الْعَرَبِ، وَصَهْبِيُّ سَابِقِ الرُّومِ، وَسَلْمَانُ سَابِقُ فَارِسَ، وَبِلَالٌ سَابِقُ الْحَبَشِ»



«Ўзиб кетганлар тўрттадир: Мен араблардан ўзган бўлсам, Сухайб румликлардан, Салмон форсликлардан ва Билал хабашлардан ўзиб кетди». Касир ибн Абдуллоҳ Музаний отасидан, у эса бобосидан ривоят қилишича, Росулulloҳ ﷺ

хандақни чизиб, уни ковлаш учун ҳар ўн кишига бир зиродан бўлиб бердилар. Салмон кучли йигит бўлгани учун муҳожир ва ансорлар Салмонни талашиди. Муҳожирлар Салмон биздан деса, ансорлар йўқ биздан дейишди. Шунда Росулulloҳ ﷺ: «Йўқ Салмон бизнинг аҳли байтдан» дедилар. Салмон вафоти яқинлашгач, йиғлади, шунда афродагилар нега йиғлаяпсиз дейишган эди, у: «Росулulloҳ ﷺнинг бизга қилган васиятидан йиғлаяпман, чунки у киши **«Сизлар учун бу дунёда мусофир ўзи билан кўтариб юрадиган кийим кечаги ва озиқ овқатичалик нарсанинг бўлиши кифоя қилади»**, деган эди. Салмон вафот этгач, уйда киядиган ковуши, эшакнинг эгари, ва тахминан 20 дирҳам турадиган матодан бошқа ҳеч нарса қолмаган эди. Салмон Форсий رضي الله عنه узоқ умр кўрди ва Усмон رضي الله عنهнинг Халифалик даври, ҳижратнинг ўттиз иккинчи йилида вафот этди. □

ҲИЗБ УТ-ТАҲРИР САФИДАГИ БИР ЯНГИ ДОРИСДАН МАКТУБ: ТАДҚИҚОТ ЙЎЛИМ ВА ҲИЗБ УТ-ТАҲРИР БИЛАН БЎЛГАН ТАНИШУВИМ

Исломий Умматимизнинг заиф, хор, қолоқ аҳволда экани мусулмонун ғайримусулмонлардан ҳеч бирига сир эмас. Умматнинг бу аҳволи қамбағалликдан ҳам, сон ва имкониятнинг озлигидан ҳам эмас. Йўқ, бунга Умматнинг бўлинганлиги ва бойликлари, ресурслари, қудрат манбаларининг нотўғри идора қилиниши сабабдир. Биз Умматнинг дунё давлатлари ичида, шу жумладан, мусулмон юртларида катта бойликка эга эканига, дунё армиялари ичида, шу жумладан, мусулмон юртлари армиялари ичида энг кучли эканига, дунё аҳолиси сони ичида энг кўп эканига гувоҳ бўляпмиз... Аммо шунга қарамай, дунёнинг энг заифҳол кишилари мусулмонлар бўлиб қолмоқда. Дунёдаги бари очарчиликлар ҳам мусулмон ўлкаларида...

Шубҳасиз, Умматнинг кризиси унинг идора қилиниши билан боғлиқ. Уммат муаммоларининг ечими марказлашган ҳукуматда ҳамда Умматни қабул қиладиган, уни идора қилиб, ҳимоя қиладиган марказий бошқарувдадир. Бу шундай ечимки, унда Нигериядаги мусулмон Саудиядаги нефтдан, Қатардаги газдан насибадор бўлади. Бирмадаги мусулмоннинг ўзини мудофаа қилиши ва душманларини қайтариши учун Покистон ядровий қуролидан фойдаланиш ҳуқуқи бўлади. Ямандаги мусулмоннинг Туркиядаги университетда ўқишга ҳаққи бўлади. Австралиядаги мусулмон Исломга даъват қилганда терроризмда айбланишдан қўрқмаслиги учун Исломга даъват қилиш ҳимоясига эга бўлади.

Назаримда, битта, ягона ечим – Уммат учун Аллоҳ буюргандек битта халифа байроғи остида битта марказий ҳукуматнинг бўлишидир. Бу мени ушбу йўналиш бўйлаб мана шу ечимни топиш учун изланиш олиб боришга ундади. Турли исломий жамоалар ва ҳизбларни ўргандим ва ўқидим. Натижада, бу жамоалардан ҳар бири фақат шахсни ислоҳ қилишга эътибор қаратадиган ва шахс ислоҳ бўлса, жамият ислоҳ бўлади, деб эътиқод қиладиган бўлиб чиқди. Ҳолбуки, Аллоҳ Таоло бизга Қуръони Каримда бундай йўлнинг нотўғрилигини баён қилган. Бу зоҳирда чиройли йўл кўринса-да, бироқ ўзгартиришда вақтни ҳам, кучни ҳам бекорга кетказувчи йўлдир. Ваҳоланки, Қуръони Карим бизга агар бош тузалса, бутун тана аъзолари тузалишини ёритиб берган. Мен битта мамлакат ва битта халқдаги икки масаладан шундай тушунчага келдим: Миср. Биринчи масала: Мусо  билан Ҳорун  нинг Мисрига Фиръавн ҳукмдорлик қилар эди. Аллоҳ Таоло шаҳар четидан келган бир кишининг тилидан

﴿فَاخْرُجْ إِلَيَّ لَكَ مِنَ التَّاصِحِينَ﴾

«Бас сен (шаҳардан) чиқиб кет, мен сенга холис насиҳат қилувчиларданман» [Қасос 20]

деди. Чунки Миср, бир росул ва бир набийнинг бўлишига қарамай, Фиръавн бошчилигидаги зулм мамлакати эди. Иккинчи: Юсуф عليه السلامнинг Мисри. Юсуф ҳокимиятини эгаллаб, Мисрнинг азизига айлангач, Аллоҳ Таоло унинг тилидан бундай деди:

﴿ادْخُلُوا مِصْرَ إِن شَاءَ اللَّهُ آمِنِينَ﴾

«Инша Аллоҳ, Мисрга тинч-омон ҳолда киринглар»[Юсуф 99]

Қаранг, халқ битта, ер битта, аммо бош ўзгарганда эса, ҳамма нарса ўзгарди.

Менинг ҳаётдаги принципим шуки, харид қилмоқчи бўлсам фақат мусулмондан оламан ёки мусулмон юртда ишлаб чиқарилган товарни харид қиламан ҳамда ишда фақат мусулмонлар билан муомала, олди-берди қиламан. Шояд молим мусулмон қўлига етиб борсин, у шу орқали кучайсин, ўссин ва бир кун келиб муҳтожлигимиз ўша кишига бўлсин, дейман. Лекин буларнинг барчаси шахсий иш, бу билан бирор натижага эришолмайман. Шунинг учун ҳам мен жамоа ёки ҳизб қидирдим, ўша орқали ҳаракат қилишни ва Умнат кризисини ҳал этиш учун ўшанинг йўлини табанний қилишни истадим.

Кунларнинг бирида, бир дўстим Фаластинда фаолият олиб бораётган Ҳизб ут-Таҳрир номини гапириб қолди, менимча, унинг ўзи бу Ҳизбга аъзо эмас эди. Аммо у ҳақда Фаластиндаги қаршилиқ ҳаракатлари ўртасини солиштираётиб гапирди. Худди ўшанда мен илк бор Ҳизб ут-Таҳрир, деган номни эшитдим. Бу 2017 йил эди. Ўшандан бошлаб Ҳизб фикрларини ўқишга киришдим, интернет сайтлари орқали баъзи китобларни олиб ўқидим, Халифалик, дастур, Ҳизб ут-Таҳрир манҳажини каби китобларни. Менда ИШИД билан Ҳизб ут-Таҳрир ўртасида алоқа борми-йўқми, деган ишқаллик пайдо бўлди. Ишқалликни кетказиш учун Ҳизбнинг ИШИДга оид раъйини қидирдим ва устоз Аҳмад Қасоснинг докладыни топдим. Доклад менга Ҳизбнинг бу ҳақдаги раъйини, Ҳизбнинг ИШИДга мутлақо алоқаси йўқлигини ойдинлаштириб берди.

2019 йил Ҳизб ут-Таҳрир саҳифаларининг бирортасига мактуб ёзишга қарор қилдим. Назаримда, бу жуда хавфли эди, чунки саҳифа кузатув остидами, эҳтимол аслида, хавфсизлик хизматига қарашли саҳифадир, билмасдим. Лекин ўйладим ва истихора намози ўқидим ва алоқага чиқишдан бошқа қарорга бормадим. Мактуб ёздим бир-икки кундан сўнг жавоб келди. Улар мендан

алоқа қилиш учун телефон рақамимни сўрашди. Хавотирим кучайди... Бироқ рақамимни юбордим, чунки алоқа қилишга қатъий қарор қилгандим. Бирор нарса бўлса қутулиб қолишга имкон топарман, деган ўйда ишхонам учун қўлланадиган қўл телефонимнинг рақамини бердим. Ҳақиқатда, менга Ҳизб аъзоларидан бири телефон қилди ва ишхонамда учрашишни сўради. Жуда хавотирландим... чунки ким келишини билмасдим. Нима дейишни ҳам. Хуллас, ё таваккал қилишим керак ёки ечим қидиришни умуман унутишим керак, дея ўзимни қўлга олдим. Мен Ҳизб ут-Таҳрир йигитларидан бири билан учрашдим ва суҳбатлашдик. Суҳбат жуда ажойиб қизиқарли ўтди. Мен кўп гапирдим, гўё ўн йилдан бери излаган нарсамни топгандек эдим. Учрашувдан сўнг ҳалқаларга қатнаша бошладим ва ўша йигит менинг биринчи мушрифим бўлди.

Ҳизб ут-Таҳрир билан танишмай туриб мен Умнат ташвишини бир ўзим кўтарсам керак, ечим ёлғиз ўзимда бўлса керак, деб ўйлар эдим. Ниҳоят, Ҳизбни танидим ва унинг шундай кишилари билан танишдимки, улар олдида ҳар қандай катта нарса кичрайиб қоларди.

Менга мана шундай Ҳизбни бергани учун ва бу Ҳизб мени Пайғамбарлик минҳожии асосидаги Халифалик давлатини барпо этишга фаолият қилишга етаклагани учун Аллоҳга ҳамд бўлсин. Аллоҳ Таоло бизни яқин кунларда Ўз изни ила ушбу Халифалик ҳокимияти сояси остига киришимизни насиб айласин. □

ЭРДОГАН ИХВОНУЛ МУСЛИМИНДАН ВОЗ КЕЧДИ, АММО АМЕРИКАГА МАЛАЙЛИГИДАН АСЛО ВОЗ КЕЧМАЙДИ

Ихвонул Муслимин Мисрда ҳокимиятга келгач, Мурсий 2012 йилда президентлик лавозимини эгаллади. 2013 йилда у мансабидан четлатилиб, қамоққа олинди. Мурсий томонидан мудофаа вазири қилиб тайинлаган Сисий 2014 йилда президентликка сайланди. Бу ишлар Ихвондагиларга қарши халқаро тил бириктирувлар доирасида бўлиб ўтди. Оқибатда Миср армияси ҳам тил бириктирувларда иштирок этиб, кўча намоишлари бостирилди, Мурсий ҳам қамоққа олинди. Кейин, қамоқда Мурсийнинг соғлиғи эътиборсиз қолдирилиши ортидан, у вафот этди. Ихвон етакчилари таъқиб қилинди, қамоқхоналар унинг аъзолари билан тўлиб кетди ва уларнинг баъзилари Мурсий вафот этган тариқа вафот этди. Мамлакат ичкарисида Уларнинг тарафдорлари энг жирканч йўллар билан таъқиб қилинди ҳамда қамоққа олинди, қийноққа солинди. Мамлакат ташқарисидаги етакчилари қувғин қилинди... Улар фитналар уясига бўлган Қатарга сургун қилинди. Миср, Кўрфаз давлатлари ва Американинг кучли босимлари у ерга ҳам етиб борди. Шунинг учун Қатар улардан ўз ерларини тарк этишларини талаб қилди. Улар Қатарни тарк этиб, Туркиядан бошпана сўрадилар. Чунки у пайтда Эрдоган «Агар Ихвонул Муслиминнинг таниқли арбоблари Туркияга келишни истасалар, эътиром билан кутиб олинадилар», деб айтган эди... Энди эса, улар Қатарда нимага учраган бўлсалар, Туркияда ҳам айни ўша нарсага учрамоқдалар. Бироқ, бунинг сабаби Туркияга босим ўтказилгани учун эмас, балки Туркия билан Миср режими ўртасида манфаатга асосланган яқинлашув юз бергани учундир. Америкага бўлган муштарак малайлик уларни бирлаштирди, деб айтиш ҳам мумкин. Бунинг ортидан, Туркияда эфирга узатиладиган Миср мухолафатининг каналларини бутунлай ёпиш тўғрисида қарор чиқарилди. Аммо кейинчалик қарорга ўзгартириш киритилиб, кўрсатувлардан сиёсийлари тўхтатилди ва уларни турли хил кўрсатувларга алмаштирилди. Мана бугунга келиб, улар нарбатдаги қувғин қаршиида турибдилар. Биз ушбу воқелик қаршиида, Ихвондагиларга насиҳат йўллаб, қуйидаги мулоҳазаларни билдирмоқчимиз:

– Ихвондагиларнинг Исломни тушуниш тариқати шунга асосланганки, улар манфаатни диндаги қиёс қилинадиган иллат қилиб олишган. Ҳалол ва ҳаром ҳам шу манфаат асосида белгиланади. Манфаатга қиёсан ҳатто шариат нусуслари ҳам бекор қилинади. Бу нарса уларни тоғут ва душман режимлар билан муомала қилишни мубоҳ санашларига, Аллоҳ нозил қилган аҳкомлардан бошқа қонунлар билан ҳукм юритадиган ҳокимиятда иштирок этишни қабул қилишларига, зарурат юзасидан рибо муомаласини жоиз санашларига, бинобарин, Жаҳон Банкидан қарз олишни мубоҳ санашларига олиб келди... Манфаатга бундай эътиборда қараш шариатга зид бўлиб, улар бундан қайтмоқлари лозим. Шунингдек, манфаатдан келиб чиққан иллатни эмас, балки шаръий иллатларни ва нусусларни тушунишга асосланган Исломни тушуниш тариқатига қаттиқ амал қилишлари даркор. Бизнинг уларга қатъий айтар сўзимиз шундан иборатки, **Улар бундай тушунча билан Исломни ҳокимиятга асло олиб чиқа олмайдилар.**

– Улар ўзларининг шариатни тушунишда манфаатпарастлик ҳукмрон бўлган кўз-қарашларига мувофиқ, ҳокимиятга етишда мусулмонлар юртларидаги мавжуд тоғут режимлардан ва Ғарбдан фойдаланиш учун улар билан ҳамкорлик қилишни мувоҳ санамокдалар. Сиёсий фаолиятга ўзгартиришга ҳаракат қилувчи сифатида эмас, балки ислоҳотчи сифатида кирмоқдалар. Бу эса, уларни ушбу режимларнинг бир бўлагига айлантириб қўймоқда. Баъзида улар ҳукуматга содиқ бўлсалар, кўп ҳолларда муҳолафатда бўлмоқдалар. Ҳар қандай ҳолатда ҳам, улар ҳукмдорнинг раҳм-шафқатига боғлиқ бўлиб қолишяпти. Ҳукмдор эса, баъзан улардан юз ўгириши ва бирор баҳона билан уларни ҳалокатга етаклаши мумкин. Уларга Асад уруш очганидан кейин, унга қарши Иордания ва Ироқ режимларидан ёрдам сўрадилар. Ҳолбуки, бу икки режим Ислом бошқарувига қаршилиқ қилиш жиҳатидан Асаддан фарқ қилмас эди. Яқинда улар Миср ҳокимидан ўзларини ҳимоя қилиш ҳамда ўз фаолиятлари учун Туркияни минбар қилиш мақсадида Туркиядан ёрдам сўрашди. Ҳолбуки, Туркиядаги бошқарув низоми, Эрдоган очик эътироф этганидек, илмоний низом эди. Ихвондагиларга ва уларни қабул қилиб, кейин улардан воз кечган режимларга назар ташлаган киши, уларнинг ҳаммасини манфаатлар ўйини бошқараётганини кўради. **Шунинг учун, бундай тушунча билан Исломни ҳокимиятга асло олиб чиқа олмайдилар.**

– Улар ёрдам сўраб Эрдоганга мурожаат қилишди. Аммо Эрдоган айна дамда Ислом учун энг хавфли ҳукмдор бўлиб турибди. Унинг тарихига ва ишларига бир назар ташлашнинг ўзи, унинг Исломни тўғри тушунишдан йироқ эканлигини кўрсатади. У Исломни фақат ибодатларга асосланган шахсларга хос дин деб тушунади. Аммо бошқарув жиҳатидан эса, у илмоний низом ва судхўрлик билан иш юритадиган эркин иқтисод билан бошқаришни ҳеч иккиланмасдан очик эътироф этади. У яҳудий вужуди билан мустаҳкам дипломатик муносабатларни, шунингдек, ҳарбий, сиёсий ва разведка алоқаларини ўрнатиб келган ва ҳанузгача ўрнатиб келмоқда. Америка учун Инжирлик ҳарбий ҳаво базаси орқали Ироқни босиб олишига, унга ва Афғонистонга зарба беришига қулайлик яратиб берган. Афғонистонда Америка бошчилигидаги кўп миллатли (ИСАФ) кучларида иштирок этган. Бу кучлар у ерда мусулмонларга қарши даҳшатли қирғинларни амалга оширган. Эрдоганнинг Суриядаги ўзига тобе жангариларни Ҳалаб фронтдан олиб чиқиб кетиши Ҳалабнинг қулашига олиб келди. Бинобарин, қулаш арафасида турган Башар Асад режимини қулашдан сақлаб қолди ва бу кўзғолоннинг қулай бошлаши учун муҳим бўрилиш бўлди. У Сурияда Америка белгилаган ечимга эришиш учун иккита жиноятчи давлат, яъни Россия ва Эрон билан ишларни мувофиқлаштирди. Шунинг учун Эрдоганнинг Ихвонул Муслиминнинг Мисрдаги ва бошқа жойлардаги аъзоларига қарши бир қанча ишларни содир этиши ажабланарли нарса эмас. Бақли ажабланарли нарса, Ихвондагиларнинг шариатни тўғри тушунишдан йироқ ҳолда иш тутишларидир.

Ихвонул Муслимин Туркиянинг позициясига ҳозиргача муносабат билдиргани йўқ. Унинг ҳолати шуни кўрсатмоқдаки, у хатоларидан сабоқ чиқармайди ва Исломни тўғри тушунишга қайтмайди. Ихвонул Муслимин раҳбари Иброҳим Мунир 2021 йил 21 мартда Ал-Жазира каналига берган интервьюсида, Миср ҳукумати билан бўлган инқирозни ҳал этиш учун Туркия воситачилигига рози бўлиши мумкинлигини ва диалогга киришга тайёрлигини билдирди. Агар хабар тўғри бўлса, бу нарса Туркия ва Миср режимлари ўртасидаги тил бириктирув бўлганини англатади. Бундан эса, Ихвондагиларни маҳбуслар шароитларини яхшилаш учун олдиларига қўйган мақсадларидан қайтариш ҳамда чекиниш ботқоғига ботириш кўзланган. Қайси йўлни тутсалар-да, Аллоҳга ҳавола. □

ФРАНЦИЯ ЖАЗОИРДАГИ ЯДРОВИЙ ЧИҚИНДИЛАР КЎМИЛГАН ЖОЙНИ ОШКОР ҚИЛИШДАН НЕГА БОШ ТОРТМОҚДА?

Индепендент газетаси Саймон Спикман Кордалл тайёрлаган «Ўтмишдаги заҳарли портлаш» сарлавҳали ҳисоботни нашр қилди. «Арабий 21» таржима қилган ушбу ҳисобот Жазоир ерларида Франция ўтказган ядровий синовларни ўз ичига олади. Ҳисоботда келишича, Франция 1960-1967 йилларда ядровий синов ўтказган. 1962 йилда Жазоир мустақил бўлганидан кейин кўмилган ядровий қолдиқ ва чиқиндиларнинг аксар қисми ҳалигача қум остида қолмоқда. Кўмилган чиқиндилар миқдори 3.000 тоннага етади. Кўмилган заҳар ҳатто бугунги кунгача сизиб чиқиб, атроф муҳитни булғамокда ҳамда одамлар, экинлар ва чорва ҳайвонларини заҳарламоқда. Франция чиқиндилар кўмилган жойни ошкор қилишдан ёки унинг тафсилотларини тақдим этишдан бош тортмоқда. Ал-Жазира канали Франция ва Жазоир тахминларига таяниб маълум қилишича, 27.000 – 60.000 тагача бўлган одам ва уларнинг авлодлари ҳалигача Франция ўтказган ядровий синовлар оқибатидан азият чекиб яшамоқда. Қизиғи шундаки, жорий ойда Франция ерларига шамол учуриб келган қумнинг радиоактив эканлиги аниқланди.

Ядровий синовлар ўтказилган даврни бошдан кечирган Абдулкарим, 1960 йилда ўз шаҳридан 180 км. узоқликда юз берган 70 килотонлик (Нагасакига зарба берган бомбадан уч баробар катта) портлашни сифатлаб шундай дейди: «Мен 17 ёшда эдим. Биз ҳеч қандай тутун кўрмадик, ер силкинганини сездик. Синовни кузатиш учун йиғилган Франция аскарлари, ҳукумат министрлари ва илмий тадқиқотчилар бу даражада катта вайронагарчилик бўлишини кутишмаганди. Бу даҳшатли портлаш эди. Кўп ўтмай, ушбу ҳудуд аҳолиси туғма нуқсонларнинг кўпайишини, бир қатор саратон турларидан келиб чиққан жароҳат ва касалликларни пайқай бошлади». Абдулкаримга кўра, портлаш натижаси кунлик ҳаётнинг бир бўлагига айланган эди. У яна «Биз истеъмол қиладиган мевалар заҳарланган ердан олингани ва бундан ташқари дори-дармон етишмаганлиги учун, болаларимиз ногирон туғилар эди», дейди. Тиббиёт ходимаси Хайрийя Ҳарзовий Ал-Жазира каналига «Бу ерда ногирон ҳомилалар, аборт ва бола ташлаш ҳолатлари кўп», дейди.

Франциянинг Жазоирни босиб олишида юзага келган шафқатсизлик ҳалигача сақланиб қолаверар экан, заҳарланган юрт оқибатларини енгиб ўтиш анча узоқ йилларга чўзиладиган кўринади. Ядровий қуроолларни тақиқлаш халқаро кампанияси ҳисоботи муаллифларидан бири Жан-Мари Колен Франциянинг «ядровий қурооллар тарқалишига чек қўйиш шартномаси»ни имзолашни истамаётганини, чунки бу шартнома экологик ҳамда Жазоирдаги гуманитар компенсациялар билан боғлиқ муаммоларга кенг доирада эшик очиши мумкинлигини таъкидлади.

Ал-Ваъй: Ваҳший, зўравон ҳамда ҳўлу қуруқни аямай ёқадиган ва моддани муқаддас деб билиб, инсонни унга қул қиладиган капиталистик ҳазоратнинг ҳақиқий юзи мана шу. У – бошқалар устидан ҳукмронлик қилишга йўл очгани учун – моддий куч-қувватни ва бунга қўшимча худбинликни муқаддас деб билади. Шунингдек, оқ танлини бошқалардан устун қўяди. Бу ҳазоратнинг энг жирканч башараларидан бири ҳам, унинг энг қора тарихи ҳам Франциядир... Шундай ахволда бўлишига қарамай, одамларга мустамлакачилик ва вайронагарчилик эмас, балки ҳидоят улашадиган раҳмат дини бўлмиш Исломга ҳужум қилмоқда... Шу боис, бундай бузук ва бузғунчи ҳазоратдан бутун инсониятни халос этмоқ лозим. □